


Л.Р. МУМИНОВА, М.Ю. АЮПОВА

БОЛАЛАРДА ДИЗАРТРИЯ НУТҚ КАМЧИЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ



ТОШКЕНТ

**NIZOMIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**

МУМИНОВА Л.Р. АЮПОВА М.Ю.

**БОЛАЛАРДА ДИЗАРТРИЯ НУТҚ
КАМЧИЛИГИНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Муминова Л.Р. Аюпова М.Ю. Болаларда дизартрия нутқ камчилигини бартараф этиш технологияси. -Т.: 2016, 120 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада болаларда кўп учрайдиган огир нутқ камчиликларидан бири дизартрия нутқ камчилигига бағишланган бўлиб муаллифлар дизартрияни назарий жиҳатларини келиб чиқиш сабаблари, турлари ва аломатлари ҳақида тўла ёритиб ва амалий жиҳатдан болаларда дизартрияни нутқ камчилигини текшириш ва бартараф этиш технологиясини ишлаб чиққанлар. Ўқув-методик қўлланма дефектолог-талабалар, магистрлар, ва амалий логопедларга тавсия этилади.

Тақризчилар:

Нуркельдиева – п.ф.н. доц;

Ш.А. Амирсандова – п.ф.н.доц.

Мазкур ўқув қўлланма

Лойиҳа доирасида Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамаси қошидаги фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш қўмитасининг гранти доирастда бажарили юзасидан нашрга тайёрланди

ф.д.проф. Л.Р. Муминова таҳрири остида

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов маърузасида “Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимизга, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак зеро, соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”,¹ - деб айтган.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақилигига эришгач, мамлакатимизда алоҳида ёрдамга мухтож болаларга моддий, тиббий психологик-педагогик ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларига эътибор кучайди.

Ўзбекистон Республикасининг ногиронларга нисбатан олиб бориладиган давлат сиёсати “Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланиши тўғрисидаги” қонун 1991-йили билан белгиланди. Бу қонун аҳолининг мазкур гуруҳига бошқа фуқоролар билан тенг асосда тўлақонли ҳаёт кечириш, жамият иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашиш, шунингдек, ўзининг фуқоролик мажбуриятларини бажаришга ёрдам берадиган имконият шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар тизимини кўзда тутди.

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётимизнинг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.

Ҳаётимизни ҳал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон

¹ Каримов И.А. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Тошкент-1997й.

талаби даражасига кўтариш, баркамол авлод келажигига ҳам дахлдор қонун лойиҳалари мавжуд.

“Таълим тўғрисидаги Қонун” да ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишлари муҳим вазифа сифатида белгиланади. Хусусан, мазкур ҳужжатнинг 11-моддасида ушбу масалага қуйидагича ёндашилади: “Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўз-лайди”², бу эса мактабгача таълим муассасасига мураккаб ва айти дамда муҳим вазифани юклайди.

Мактабгача таълим муассасалари олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш ҳисобланади. Боланинг самарали таълим олишга тайёрлашнинг асосий кўрсаткичларидан бири тўғри, яхши ривожланган нутқ ҳисобланади.

Тўғри нутқ боланинг ҳар томонлама ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Боланинг нутқи қанчалик тўғри ва луғати бой бўлса, унга ўз фикрларини баён қилиш шунчалик осон бўлади, атроф – оламни идрок этиш учун имконият кенгайди, катталар ва ўз тенгдошлари билан бўлган муносабати тўлиқ ва мазмунли бўлади, унинг психик ривожланиши ҳам фаол равишда амалга ошади. Шунинг учун ҳам болаларда нутқнинг ўз вақтида шаклланиши ҳақида, унинг соф ва тўғрилиги ҳақида қайғуриш, бола қайси тилда нутқи шаклланаётган бўлса, мана шу тил нормаларида намоён бўлувчи турли нуқсонларни олдини олиш ва тўғрилаш муҳим ҳисобланади.

У ёки бу даражадаги нутқ бузилишлари боланинг барча руҳий ривожланишларига салбий таъсир этади, унинг фаолиятида, юриш-туришида акс этади. Оғир нутқий бузишлар ақлий ривожланишига, айниқса, билиш фаолияти олий даражаларининг шаклланишига таъсир этиши мумкин. Бу нутқ ва тафаккурнинг чамбарчас боғлиқлиги, ижтимоий,

² Каримов И.А. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Тошкент-1997й.

жумладан нуткий алоқаларнинг чекланганлиги билан боғлангандир.

Нутқ бузилиши, нуткий муомаланинг чекланганлиги бола шахсининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши, аслида бўлмаган рухий бузилишларини ҳиссий-иродавий соҳанинг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқариши, унинг характердаги салбий фазилатларнинг ривожланиши учун йўл очиб бериши мумкин.

Дизартрик болаларнинг нуткий тажрибаси чекланган, тил воситалари такомиллашмаган бўлади. Нуткий мулоқотга эҳтиёж етарлича қондирилмайди. Сўзлашув нутки қашшоқ, кам сўзли, маълум вазият билан узвий боғлиқ ва шу вазиятдан ташқарида тушунарсиз бўлиб қолади. Бундай бузилишларнинг келиб чиқишига сабаб бош миянинг маълум бир жуфт нервларининг зарарланиши билан изоҳланади.

Дизартрик болаларнинг психологик хусусиятлари, нуксоннинг тиббий аспектлари кенг ўрганилганлиги баробарида мактабгача ёшдаги дизартрик болалар нутқининг фонетик-фонематик томонини Ўзбекистонда маълум даражада ўрганилмаганлиги, мазкур мавзу юзасидан ўзбек тилида адабиётларнинг етарли эмаслиги ва ўзига айна дамда муайян эътиборни кучайтирилишини талаб этмоқда.

Мактабгача ёшдаги дизартрик болалар нутқининг фонетик-фонематик томонини ўзлаштиришининг педагогик-коррекцион тизими, зарур шарт-шароитлари, услубий йўналишнинг кенг ёритилиши ўз ечимини кутмоқда.

Ушбу ўқув қўлланмада дизартрия нутқ бузилишини махсус адабиётларда муаммо сифатида ўрганилиши, нутқ фаолиятининг физиологик асослари, дизартриядаги асосий бузилишлар, дизартриянинг намоён бўлиш даражалари, дизартрияда нутқ ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, логопедик текшириш, дизартрияни бартараф этишда логопедик технологиялар ёритиб берилади.

1.606. МУАММОНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

ДИЗАРТРИЯ НУТҚ БУЗИЛИШНИ МАХСУС АДАБИЁТЛАРДА МУАММО СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ

Дизартриянинг энгил шакли логопедик амалиётда жуда кўп учрайди. Дизартриянинг энгил шаклидаги асосий шикоятлар: тушунарсиз нутқ, дикцияни бузилиши, мураккаб бўгин тузилишига эга сўзларда товушларни бузилиши, алмаштирилиши ва бошқалар.

Дизартриянинг энгил шакли нутқий патология бўлиб, бош миянинг микроорганик жароҳатланиши натижасида пайдо бўлади ва нутқнинг функционал системасининг просодик ва фонетик компонентларини тузилишини белгилайди. (Л.В. Лопатина).

Оммавий боғчадаги болалар текширилганда катта ва тайёрлов гуруҳларидаги 40% дан 60 % гача болаларда нутқий ривожланишни орқада қолишини кўрсатган. Энг кўп тарқалган бузилишлар: дислалия, ринофония, фонетико-фонематик ривожланмаганлик ва дизартриянинг энгил шаклидир. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар учун гуруҳларда эса 35% гача болалар дизартриянинг энгил шаклига эга. Дизартриянинг энгил шаклига эга болалар узоқ муддатли, тизимли, индивидуал логопедик ёрдамга муҳтож-дирлар.

Махсус гуруҳ логопедлари логопедик ишни қуйидагича режалаштиришади: гуруҳли ва кичик гуруҳли машғулотларда барча болалар билан дастур материалларини ўрганишади. Бу дастур нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини бартараф этишга мўлжалланган, индивидуал машғулотларда эса нутқнинг талаффуз томони ва просодикасини, шунингдек дизартриянинг энгил шакли симптомларини

бартараф этишга қаратилган коррекцион ишларни амалга оширади.

Дизартриянинг энгил шаклини ташхис қилиш ва коррекцион ишлар методикаси ҳали етарлича ишлаб чиқилмаган. Г.Г.Гутцман, О.В. Правдина, Л.В. Мелихова, О.А. Токарева, И.И. Панченко, Р.И. Мартинова ишларида нутқнинг дизартрик бузилиши белгилари муаммолари ўрганилиб, унда артикуляциянинг “едирилганлиги” кузатилади. Олимларнинг аниқлашича, дизартриянинг энгил шакли ўзининг келиб чиқишига кўра мураккаб дислалияга жуда ўхшайди. Л.В. Лопатина, Н.В. Серебрякова, Э.Я. Сизова, Э.К. Макарова ишларида дизартриянинг энгил шаклига эга мактабгача ёшдаги болаларни диагностикаси, уларни ўқитиш ва коррекцион ишлаш муаммолари кўтарилади.

Дизартриянинг энгил шаклини дифференциал ташхислаш, бундай болаларга логопедик ёрдам кўрсатиш, бу нуқсонни тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда коррекцион логопедик технологияларнинг амалий жорий этиш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Дизартриянинг энгил шаклини бартараф этиш учун ўз ичига тиббий, психоло-педагогик ва логопедик таъсирни олган комплекс ёндашув зарур. Невролог томонидан белгиланган тиббий таъсир ўз ичига дори-дармонли терапия, ДЖТ (даволовчи жисмоний тарбиялар, рефлексотерапия, массаж, физиотерапия) ва бошқаларни олади.

Психолого-педагогик таъсир дефектологлар, психологлар, тарбиячилар, ота-она томонидан амалга оширилади ва қуйидагиларга йўналтирилади:

- сенсор функцияларни ривожлантириш;
- фазовий тасаввурларни аниқлаш;
- конструктив праксисни шакллантириш
- олий мия функцияларини ривожлантириш;
- майда қўл моторикасини шакллантириш;
- билиш фаолиятларини ривожлантириш;
- болани мактабга психологик тайёрлаш.

Дизартриянинг энгил шаклида олиб бориладиган коррекцион-логопедик ишда ота-оналарни албатта иштирок этишини кўзда тутати.

Логопедик иш ўз ичига бир нечта босқични қамраб олади: ишнинг бошланғич босқичида иш артикуляцион аппаратни мускуллар тонусини нормаллаштиришни кўзда тутати. Шу мақсадда логопед массаж ўтказати. Артикуляцион аппарат моторикасини нормаллаштириш, овоз ва нафасни мустақамлаш бўйича машқлар режалаштирилади. Нуткнинг просодик томонини яхшилаш учун махсус машқлар ўтказилади. Логопедик машғулотларнинг шартли элементини майда қўл моторикасини ривожлантириш ҳисобланади. Товушлар устида ишлаш кетма-кетлиги артикуляцион базанинг тайёргарлигига кўра белгиланади. Товушларни автоматлаштириш ва фарқлашга доир лексик материални танлашга алоҳида эътибор қаратилади. Логопедик ишдаги муҳим шартлардан бири болаларда талаффуз кўникма ва малакаларини амалга оширишни назорат қилишни ривожлантириш ҳисобланади.

Дизартрияда етакчи нутқий нуқсонлар нуткнинг просодик ва талаффуз томонининг бузилиши ҳисобланади. Миядаги яққол акс этмаган бузилиш дизартрияни пайдо бўлиш даражасида дизартриянинг энгил шаклини келтириб чиқаради.

Бош миянинг ёрқин бўлмаган энгил бузилиши, узок муддатли мураккаблашган ҳаракатли топшириқларни бажарилиши ҳолатини динамик кузатиш орқали аниқланади. М.Б.Эйдинова, Е.Н. Правдина-Винорскаялар чуқур текширувлар натижасида кузатиладиган энгил иннервация бузилишларини аниқлашган бўлиб, улар асосида талаффуз камчиликларига олиб келадиган артикуляциянинг тўлақонли бузилиши ётади деган хулосага келишган.

Дизартриянинг энгил шакли асфиксия ва туғруқ жароҳатларини олган, анамнезида ПЭП (перинатал энцефалопатия) ва бошқа ҳомиладорлик даврида ёки туғруқ даврида,

шунингдек туғруқдан кейинги яққол ифодаланмаган салбий таъсирлар кузатилган болаларда учраши мумкин.

Бундай ҳолларда дизартриянинг енгил шакли минимал мия дисфункциясининг бошқа белгилари билан қўшилиб келиши мумкин. (Е.М.Мастюкова).

Илк ёшда бола мияси аҳамиятли тарздаги эластиклик ва юқори компенсаторлик заҳираларига эга бўлади. Эрта церебрал жароҳат олган бола 4-5 ёшга келиб симптоматикани катта қисмини йўқолиши, аммо просодика ва товушлар талаффузининг турғун бузилиши қолиши мумкин. МНС жароҳатланиши ва нутқ аппарати мускуллари иннервациялари бузилишлари билан боғлиқ дизартриянинг енгил шаклида зарур кинестезиялар шаклланмайди, бунинг оқибатида нутқнинг талаффуз томони ўз-ўзидан такомиллашмайди.

Мактабгача ёшдаги дизартриянинг енгил шаклига эга бўлган болалар нутқидаги камчиликларни коррекциялашдаги мавжуд методлар муаммони тўлиқ ҳал эта олмайди ва дизартрияни бартараф этиш методикаларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Дизартрик болалар нутқини ўрганиш шуни кўрсатадики, артикуляцион аппарат тонуси ва функцияларининг бузилиши билан бир қаторда бу гуруҳ болаларига умумий ва майда қўл моторикасини ривожланмаганлигини кузатилиши ҳам хосдир, буни эса сўнгги йиллардаги дизартрия нутқ бузилишига тегишли бўлган маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Кўпгина илмий тадқиқот ишларида келтирилган маълумотларига кўра дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар майда қўл моторикасини ривожлантириш зарурлиги эътироф этилади. Артикуляцион аппарат иннервациясининг қобик ости майдонларини қўл бармоқлари иннервацияси майдонлари билан яқинлиги, шунингдек қўл ҳаракатларининг нутқ ривожланиши учун аҳамиятли эканлиги ҳақидаги нейрофизиологик маълумотлар коррекцион ишга шундай ёндошишни талаб қилади.

Дизартриянинг энгил шаклига эга бўлган болаларга қуйидагилар хосдир:

- фонетик бузилиш;
- фонематик бузилиш;
- просодикани бузилиши;
- тилнинг лексик-грамматик компонентларини бузилиши;
- умумий моторикани бузилиши;
- майда қўл моторикасини бузилиши;
- артикуляцион моторикани бузилиши.

Дизартрияни коррекциялаш муаммоси билан кўпчилик мутахассислар шуғулланишган: О.В. Правдина, Е.М. Мастюкова, К.А. Семенова, А.В. Лопатина, Н.В. Серебрякова, Е.Ф. Архипова. Барча олимлар умумий моторика, майда моторика, артикуляцион моторикани ривожлантириш бўйича махсус ишлар олиб бориш, шунингдек, бармоқлар гимнастикаси, нафас ва овоз машқларини ўтказиш зарурлигини эътироф этишади.

Дизартриянинг энгил шаклини коррекциялаш ва таъсир этиш муаммоси бугунги кунгача долзарблигича қолмоқда. Адабиётларда логопедик амалиётда болаларда белгилари дислалияни эслатувчи талаффуз камчиликларини учраши, аммо уларни бартараф этиш узоқ ва мураккаб динамикага эга эканлиги кўрсатиб ўтилади.

Дизартриянинг энгил шаклини ўрганиш тиббий, педагогик ва лингвистик фанларнинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Биринчи бор талаффузнинг ўзига хос бўлмаган бузилишини коррекциялаш муаммоларини бартараф этиш учун узоқ муддатли машғулотлар зарурлиги XIX асрнинг иккинчи ярмида Г.Гутцман томонидан илгари сурилиб, у бундай бузилишларнинг асосий сабаблари “артикуляциянинг едирилиши, емирилиши” деб кўрсатган. Нутқ бузилишларининг биринчи таснифида (А.Kussmaul, 1879) барча артикуляцион бузилишлар алоҳида гуруҳга ажратилган ва “дизартрия” термини билан номланган. А.Kussmaul

дизартрияни артикуляциянинг бузилиши натижаси деб ҳисоблайди. У товушлар артикуляцияси, уларни тўғри талаффуз қилиш узунчоқ миёдаги ҳаракат ядроларининг зарарланмаганлиги билан боғлиқ, дея таъкидлайди. Агар узунчоқ миёдаги ўткир ёки хроник касалликлар ҳаракат ядроларининг бузилишига олиб келса, талаффузнинг ноаниқлиги, ҳатто товушлар орқали ўз фикрини билдириш қобилиятининг йўқолиши шаклдаги дизартрия келиб чиқади. А. Kussmaul дизартриянинг “базал”, “кинезодик”, “марказий ёки интрацеребрал”, “периферик ёки экстрацеребрал” шакллари ажратади.

“Дизартриянинг энгил шакли” атамаси биринчи бўлиб, О.А.Токарева томонидан киритилган, у дизартриянинг энгил шаклини пайдо бўлишини, энгил псевдобульвар дизартрияни пайдо бўлишидек характерлайди, дизартриянинг энгил шакли ўзининг бартараф этилишини қийинчилиги билан фарқ қилади деган хулосага келади.. Унинг фикрича одатда бу болаларнинг кўпчилиги алоҳида товушларни тўғри талаффуз қила олади, аммо нутқда уларни суств автоматлаштиради ва етарлича фарқлай олмади.

Аниқланишича, бу болаларнинг артикуляцион ҳаракатларининг бузилиши ўзига хос: тил ва лаб ҳаракатларининг чегараланганлиги, ҳаракатлар ва ҳаракат кучини етишмаслиги кузатилади, ҳаракатларни бўшлиги ва яқинлиги баъзи ҳолларга хос, аммо бошқа ҳолларда – ҳаракатларнинг етишмовчилиги тил гиперкинезлари билан ифодаланади.

Кейинчалик М.П. Давидова томонидан дизартриянинг энгил шаклини ифодаловчи бир қанча белгиларни кўрсатади:

- нутқ ҳаракат аппаратининг мотор функцияларининг тўлақонли эмаслиги;
- артикуляцион аппарат мускулларининг бўшлиги ва заифлиги.

Талаффуз етишмовчилиги, турли хил характерга эга ва бу бузилишларнинг асосий белгиси – артикуляциянинг

ноаниқлиги, мужмаллиги айниқса нутқда яққол кўринади. Бу камчиликни ташхис қилиш учун неврологик симптомларга эътибор қаратиш ва коррекцион иш жараёнида динамик кузатув ўтказиш зарур. Агар амбулатор текширув жараёнида психоневролог шу заҳотиёқ неврологик органик симптомларни аниқлай олмаса, унда бундай шаклларни дизартрияга киритиш мумкин.

Бундай нутқ бузилишларига А.Н.Коренев бошқача таъриф беради. Ушбу нутқ бузилишларини енгил артикуляцион органларни иннервацияларини етишмовчилигини ўзига хос бузилиши билан қўшилиб келади деган фикрни билдиради.

Уларда болалар церебрал фалажидаги дизартриядаги каби тотал полиморф товушлар талаффузидаги камчиликлар бўлмайди, артикуляцион мускулларни қисқариш ва тонусида яққол бузилишлар йўқ.

А.Н.Коренев бу тоифа нутқнинг талаффуз бузилишлари дислалия ва дизартрия ўртасидаги оралиқ ҳолат деб ҳисоблайди, атама маъносига кўра бу нутқ бузилиши клиник ва нозологик мустақиллигини гуруҳларда акс эттирмайди. Бундай нутқ бузилиши турига А.Н.Коренев “Вербал диспраксия” атамасини киритилишини таклиф этади.

Чет эл адабиётларида бундай бузилишлар (Монделавре Б.Ж.) учун “нутқий ёки артикуляцион диспраксиянинг ривожланиши” тушунчаси қўлланилади (Developmental apraxia of speech – DAS). DAS ни худди нутқий ҳаракатларни назоратини бузилиши сифатида белгилашади. Б.Ж.Монделеарс ўрганилаётган нутқий бузилишга қуйидаги тушунчани қўллайди: “Диспраксия – бу нейроген нутқ бузилиши бўлиб, дизартриядан фаркли ўлароқ бу бузилиш нафақат ҳаракат бузилишлари билан, балки бошқа бузилишлар билан ҳам боғлиқ”.

Логопедияда “артикуляцияни диспраксиясини ривожланиши” атамаси кам қўлланилади, уни одатда баъзи нутқ

ривожланмаганлиги шаклларида, шунингдек дизартриянинг энгил шакли механизмларини белгилашда қўллашади. Қўрсатилган бузилишлар ва уларни англатиш учун турли хил атамалар таклиф этилади: артикулятор диспраксия, марказий органик ёки мураккаб дислалия, апроксик дизартрия. И.Б. Карелина томонидан янги атама киритилган бўлиб, унда дизартриянинг энгил шакли минимал дизартрик бузилиш сифатида қаралади – МДБ.

Дизартриянинг энгил шаклини келтириб чиқарувчи сабаблар турли олимлар томонидан қуйидагича фарқланади:

1.Артикуляцион аппарат иннервациясини бузилиши, унинг оқибатида алоҳида мускул гуруҳларида етишмовчилик кузатилади (лаб, тил, юмшоқ танглай); ҳаракат етишмовчилиги, уларни у ёки бу нерв тизими бўлимларини жароҳатланиши оқибатида уларнинг тез чарчаши.

2.Ҳаракат бузилиши: лаб ва тилни товушларни талаффуз қилиш учун зарур маълум ҳолатини топишдаги қийинчиликлар.

3.Орал апраксия.

4.Минимал мия дисфункцияси.

Дизартриянинг энгил шакли яққол ҳаракат бузилишларисиз асфиксия ёки туғруқ жароҳатлари олган болаларда шунингдек анамнезида ҳомиладорлик ёки туғруқ давридаги бошқа яққорл ифодаланмаган салбий таъсирлар мавжуд болаларда кузатилади.

Бундай ҳолатларда энгил дизартриянинг шакллари минимал мия дисфункциясининг бошқа белгилари билан қўшилиб келади ва ММД нинг симптомларидан бири сифатида қаралади.

Дизартриянинг энгил шаклини классификациялашга биринчи ўриниш Е.Н.Винарская ва А.М.Пулатов, О.А.Токаревалар томонидан таклиф этилган дизартрияни классификациясига асосланиб олиб борилди.

Е.Ф.Собатович ва А.Ф. Чернопольскаяларнинг тадқиқот ишларида биринчи марта дизартриянинг энгил шаклига эга

болаларда нуткнинг товуш томониданидаги камчиликлар нафақат неврологик симптоматика асосида, балки товушларни талаффузи вақтида ҳаракат жараёнларини бузилиши асосида ҳам пайдо бўлиши аниқланган.

Товушлар талаффузи жараёнинг бузилиши ҳаракат бузилишлари билан боғлиқлиги ва артикуляцион аппарат органларининг паретик ҳолатларини тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда олимлар болаларни 4 гуруҳга ажратишди ва дизартриянинг енгил шаклининг куйидаги кўринишларини аниқлашди:

- нутқ ҳаракат апаратининг баъзи мотор функцияларини тўлақонли эмаслиги оқибатида келиб чиқадиган товушлар талаффузининг бузилиши (1-гуруҳ);

- артикуляция мускулларининг бўшлиги, заифлиги (2-гуруҳ);

(Бу икки гуруҳ псевдобульбар дизартриянинг енгил шаклларига тегишлидир.)

- ихтиёрий ҳаракатларини бажаришдаги қийинчиликлар билан боғлиқ товушлар талаффузидаги камчиликларнинг клиник хусусиятлари, (3-гуруҳ), олимлар буни қобиқли дизартрияга киритишади;

- турли мотор етишмовчиликларга эга болаларда нуткнинг товушлар томонидан нуқсонлар (4-гуруҳ), дизартриянинг аралаш шаклига киритилади.

Дизартриянинг енгил шаклини нейролингвистик ва нейрорпсихологик томондан классификациялашга уриниш А.Н.Коренев томонидан амалга оширилган. Бу классификациянинг назарий асоси сифатида Н.А. Бернштейннинг ҳаракатларни ва уларнинг онтогенезда ривожланиши ҳақидаги назариясидан фойдаланилган.

Н.А.Бернштейн ўз вақтида субкортикал ва кортикал даражадаги ҳаракатларни бошқариш назариясини ишлаб чиқди ва нутқни ҳаракатларни бошқаришнинг олий даражаси – кортикал нутқий ҳаракат даражасига киритди. Унда инсон нутқи жараёнида бажарадиган ихтиёрий ҳаракатлар

фарқланса, уларни бу ҳаракатларини ҳам бошқарилиши турлича эканлигини кўрсатади.

Н.А.Бернштейн ихтиёрий ҳаракатларни бажаришнинг қуйидаги босқичларини белгилайди:

1. Бошланғич босқичда индивиднинг ўзи томонидан шу ҳолатни идрок этиш ва баҳолаш амалга оширилади.

2. Иккинчи босқичда бўлиши керак бўлган ҳаракат ва-зифаси ёки образи белгиланади. Бўладиган ҳаракатни ту-шунтиришга хизмат қилади, уни мотор доирада дастурлаш-ни ҳал этади ва вазифани тартибга солишга асос бўлиб хиз-мат қилади.

3. Учинчи босқичда белгиланган вазифани ечишни дас-турлаш амалга ошади.

4. Тўртинчи босқичда ҳаракатларни амалда бажариш содир бўлади: инсон ҳаракатга тўсқинлик қилувчи барча тўсиқларни бартараф этади, уни бошқариладиган тизимга айлантиради ва зарур ҳаракатларни бажаради.

Бу ҳолатлар индивид ҳаракат координацияларини эгал-лаган бўлса, шунингдек ҳаракатнинг марказий доираси бўлганда амалга ошади. Координация компонентларидан бирортаси бузилса, ҳаракат бузилишига олиб келади, маса-лан, ҳаракатнинг етишмаганлиги дизартрияга, ҳаракатларни ривожланишининг бузилиши – атаксияга олиб келади. Ҳаракатлар координацияси аста-секин малакалар ва машқ-лар асосида ривожланади, бу мураккаб сенсомотор акт бўлиб, афферент йўналишдан бошланиб, адекват марказий жавоб билан тугалланади.

А.Н.Коренев шу тариқа қуйидагиларни фарқлайди:

- дисфонетик диспраксия I даражадаги праксисларни бошқариш дисфункцияларига асосланади.

- II даражали тўлақонли етилмаганликка асосланган дисфонологик диспраксия.

- III даражадаги нутқ праксисини бошқаришни тўла-қонли эмаслигига асосланган вербал диспарсия.

1.2. Нутқ фаолиятининг физиологик асослари

Нутқ ўзида бош миyanинг турли қобик ва қобик ости майдонларининг ҳамкорликдаги фаолияти орқали амалга ошириладиган мураккаб нерв жараёнлари мажмуини акс эттиради.

Нутқ фаолиятини шаклланиши учун қуйидаги биологик шартлар зарур: эшитув, кўрув, кинестетик анализаторларнинг сақланганлиги ва нерв тизимининг етилганлик даражаси, ташқи объектлардан келаётган ахборотлар ва организмнинг ўзидаги рецепторлардан келадиган импульсларни афферент йўллар билан марказий нерв системасига ўз вақтида етказилиши. Афферентлаштириш тизими болада нутқий ҳаракат, хиссий иродавий функцияларини пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди. Нутқни идрок этиш эшитилган товуш элементларини анализ ва синтез қилиш асосида эшитув ва кинестетик анализаторларнинг биргаликда ишлаши орқали амалга оширилади.

Нутқдаги товушлар талаффузи жараёни мураккаб координациялашган артикулятор, ҳаракатлар тизими ҳисобланиб, у энг аввало индивидуал малака ва кинестетик ва эшитув анализаторларининг ҳамкориликда ишлаши асосида шаклланади.

Мураккаб мия тизими ахборотларни сақлайди, қайта ишлайди ва жавоб ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқади. Нутқий функционал тизим нутқий маълумотларни узатишни амалга оширади. Бунинг учун миyanинг ҳаракатли эффектив тизими қўлланилади.

Бу тизимларни жароҳатланишида дизартрия келиб чиқади, бу бевосита нутқнинг ҳаракат механизмини бузулишидир. Нутқда иштираётган этувчи барча органлар бош миyanдаги 12 жуфт нервлар орқали инервацияланади (юз, тил-ютқун, сайёр, тил ости ва бошқалар). Катта яримшарлардаги ҳаракат марказлари мия, мия усотидаги кортина-нуклеяр йўллар ядролари билан боғлиқ. Нутқий фаолият бошқа

фаолиятлар каби олий нерв фаолияти бўлиб, рефлектор характерга эга. Нуткий рефлекслар барча ярим шарлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, иккинчи сигнал системасини ташкил этади.

Лаблар тилнинг барча ҳаракатлари, ҳаракат анализаторлари иши билан бошқарилади. Унинг функциялари, нутқ органларидан мия қобиғига келаётган таъсирларни анализ ва синтез қилиш, идрок этиш ҳисобланади. Нутқ ҳаракат майдонида нуткий ҳаракатни фарқлаш ва уларни кета-кетлигини ташкил этиш амалга ошади.

Ҳаракат анализаторларининг қобиқ ости ядроси сенсомотор қобиқ ҳисобланади, у морфологик фарқланган аммо, улар функционал бирлик сифатида намоён бўлади. Қобиқнинг олд бурмалари ҳаракат проекциялари майдони, орқа қисми сенсор проекциялар майдони ҳисобланади. Бу тизимлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва алоқада. Керакли ҳаракатлар ҳосил бўлиши учун импульслар зарур гуруҳ мускулларига йўналтирилиши, йўналиш ва кучда ҳам бу импульслар шу мускулларда жойлашишини, зарур ҳаракатларни ҳисобга олиб шу мускуллар ҳаракатини бошлаши керак. Бунинг учун доимо айна вақтда тана қисмларини тизимини ва ҳолати ҳақида сигнал берувчи афферент импульсларни сақлаш керак. Бу функция бош миянинг орқа марказий майдони томонидан бажарилади. Ҳаракат вазифаларининг турғунлигини “кинестетик куй”ни шаклланиш ва автоматизацияларини танлаш пешона бўлимида бошқарилади.

Қобиқ остидаги бу майдонларни етилмаганлиги шунга олиб келадики бола ҳаракатлари керакли афферент импульсларни қабул қила олмайди, ўзининг аниқлигини йўқотади.

Нуткий мускуллардан бош мия қобиғига боровчи кинестетик импульслар мия танасининг кўрув бўртиғининг бошқарувчи ҳаракатлари кучаяди ва миянинг умумий ва танланган (маҳсус) нуткий майдонларини фаоллаштиради,

улар нуткий фаолиятда, айниқса болалар нутқини шаклланиши даврида етакчи аҳамиятга эга.

Физиологлар тадқиқотини кўрсатишича нутқ ҳаракат кўникмаларининг пайдо бўлиши асосида ҳусусан артикуляцияда динамик стереотипларни шартли рефлекслар тизимининг турғун қайта ишланишини талаб этиб, у шартли сигналларни кўп марта таъсири; маълум вақат ва маълум тартибда такрорланиши натижасида шаклланади.

Нутқ элементларини талаффуз қилишда тил, лаб, юмшоқ танглай, лунж, хиқилдоқ мускуллари рецепторлари таъсирланади.

Қобик бу таъсирларга эришган, улар нутқ ҳаракат анализаторларининг сенсор ва ҳаракат катакларини кўзғатади. Бу кўзғалиш айтилган сўзларни овоз кўзгатувчиларини эшитув анализаторларида кўзғатиш уйғотган вақтга тўғри келади. Бир вақтда қобикқа бевосита предметлар ва воқеаларни англатувчи сўзлар билан таъсир этади. Ҳаракат ва эшитув кўзгатувчиларининг бир вақтда кўзгатувчилари оқибатида мия қобиғининг эффектор нейронлар ва сенсор анализаторларнинг қобикли катаклари ўртасидаги вақтинчалик нейронлараро алоқаси шаклланади.

Турғун динамик стереотипларни кўп марта такрорлаш натижасида лаб, тил хиқилдоқ, нафас аппарати мускулларининг мураккаб ҳаракатлари мажмуи ва улар томонидан бериладиган товушлар комплекси қайта ишланади.

Дизартриянинг енгил шаклига эга бўлган болаларда динамик стереотипларни қайта ишлаш товушларни мустақил нутққа тўғри талаффуз қилишни автоматиялаштиришда маълум қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Юқорида баён этилганлар нутқнинг мураккаб функционал тизимини бошқариш марказий нерв системаси орқали амалга оширишнинг кўрсатади. Нутқнинг ҳаракат механизмининг бошқариш учун мия структурасининг тўлақонли фаолияти зарур, унга қуйидагилар киради:

-қобик ости-мия стволи ядроси ва уларнинг туғма шартсиз реакциялар бошқаришни амалга оширувчи алоқаси;

-мияча, уни ядроси ва мускуллар тонусини бошқаришни амалга оширувчи периферик нутқ аппарати ишини кординацияловчи, туғма шартли рефлекторларни ҳаракат кўникмаларини қайта ишлашга олиб келувчи тизим;

-мотор дастурлар, нутқий праксис кўникмаларини шакллантирувчи қобикли структура;

-санаб ўтилган мия бўлимларини зарур фаоллик даражасини таъминловчи лимбико-ретикуляр тизимлар структуралари;

-мияни пастга ётувчи структурасига энг аввало мия стволи нервларини бош мия ядроларига импульсларни етказишни таъминловчи ўтказувчи система.

Товушли нутқ 3 та физиологик функцияларни ўзаро алоқасига кўра периферик нутқ аппаратида амалга оширилади. Периферик нутқ аппарати эса уч бўлимдан иборат яъни: нафас ҳосил бўлиш бўлими; овоз ҳосил бўлиш бўлими ҳамда артикуляция бўлими. Нафас бўлимига диафрагма, ўпка, бронхлар ва трахея киради. Нутқни талаффуз этиш нафас билан узвий боғлиқдир. Нутқ нафас чиқариш фаза-сида ҳосил бўлади. Энергетик тизимини бошқаришни афферент ва марказдан қочувчи импульслар кўринишидаги бақувват компонент таълимлайди. Нутқий нафас одатда физиологик нафас асосида шаклланади. Нутқий нафас ҳаракати нутқ структурасини ритми, интонацияси ва баландлигига боғлиқ равишда ўзгаради.

Овоз бўлими ҳиқилдоқ ва у билан бирга жойлашган овоз пайчаларидан ташкил топган. Ҳиқилдоқда овоз пайчалари жойлашган бўлиб, улар нафас олганда, қаттиқ ёки секин гапирганда муайян ҳолатни эгаллайди.

Ҳиқилдоқда иннервация ва ҳаво оқимини таъсирида ун пайчалари тебраниши натижасида юзага келадиган,

эшитув органи билан қабул қилинадиган овоз, 3та сифати билан фарқланади:

- баландлиги (ун пайчаларининг тебраниши частотосига боғлиқ);

- кучи (тебранишлар амплитудасига боғлиқ);

- тембри (резанатор бўшлиқ ва ҳикилдоқни тузилиш шаклига боғлиқ).

Резонаснинг иккита бўлими доимий элементларни танлашни товуш спекторида –“нутқ статикаси” ва шу билан бир вақтда “нутқ динамикаси” бўғинли боғланишни таъминлайди (Н.И.Жинкин). Артукуляция жараёнида динамик бирлик бўғин ҳисобланади. Шунинг учун товуш пайчалари мускулларини қисқариш импульслари марказий нерв системасига артукуляцион аппарат мускуллари қисқариш импульслари билан бир вақтда етказилади. Резонатор сифатида оғиз бўшлиғининг ёриқликлар шакли ва катталиги, юмшоқ танглай мускуллари тонуси ҳолати ва ҳалқумнинг орқа девори ҳолати билан белгиланади. Асосий резонаторлардан ташқари овоз модуляцияси ва кучайишида трахея, бронхлар ва кўкрак қафаси тўлиқ иштирок этади.

Артикуляцион бўлимнинг асосий аъзолари: тил, лаб, жағ (юқори ва пастки) қаттиқ ва юмшоқ танглай. Улардан тил, лаб, юмшоқ танглай ва пастки жағ фаол, қолганлари пассив органлар ҳисобланади.

Оғиз бўшлиғини фаол органлари артикуляция деб аталади ва нутқ товушлари ҳосил бўлишини таъминлайди. У ёки бу товушни талаффуз қилишда артикуляция органнинг ҳолати артикуляция ҳолат деб аталади. Ҳар бир алоҳида товуш фақат унга тегишли турли артикуляция комбинациялар ва акустик белгилари билан характерланади.

Барча унли товушлари учун хос белги, ҳаво оқимининг тўсиққа учрамаслиги, ундош товушларни ҳосил бўлишида чиқаётган ҳаво оқими нодстав найида турлича тўсиқларга учрайди. Уларни бартараф эта туриб, ҳаво оқими ҳар бир ундош товушлар гуруҳига хос шовқинлар чиқаради.

Шунингдек чегараларнинг жойлашувига қараб ҳам у турли усулда шаклланиши мумкин. Шунга боғлиқ равишда қуйидаги тур ундошлар фарқланади: лаб-лаб ундошлар, “б”, “п”, “ф”, “м”; лаб-тиш: в, ф, тил олди: д, т, ж, ч, з, с, ш, н, л, г; сайёз тил орқа: г, к, чуқур тил орқа: қ, ғ, х.

Нутқ давомида товушлар деярли алоҳида талаффуз қилинмайди. Улар у ёки бу даражада автоматиялашган товушлар кета-кетлиги сўзлар, (бўғинлар гуруҳи), ибораларда талаффуз қилинади. Бундай товушлар қаторида алоҳида товушларнинг оҳанги турли позицион хусусиятларга эга бўлади. Физиологик нуқтаи назардан товуш қўйилишининг кечикиш натижаси (прогрессив ассимиляция) ва артикулятор ҳаракатларни қўшни товушларга нисбатан анча эрта бошланиши (прогрессив ассимиляция) натижасида ҳисобланади. Натижада талаффузни енгиллаштирувчи артикуляция ҳолатини ўзаро мослашуви амалга ошади. Талаффузнинг позицион хусусиятларини пайдо бўлиши нутқ темпини тенглаштиради.

Инсон нутқ аппарати мураккаб тузилган. Унинг фаолияти якунловчи муваффақиятли нутқ товушлари ҳисобланади. Бу аппаратни бошқариш периферик нутқ аппарати мускулларини иннервациялайдиган нерв системаси орқали амалга оширилади.

Периферик нутқ аппарати мускулларини иннервациялашда асосий ролни юз, уч тармоқли, тил-ютқун, сайёр ёки адашган, қўшимча, тил ости жуфт нервлари ўйнайди.

V- жуфт нерв-уч шохли нерв аралаш ҳисобланади: у ҳаракатли ва сезгир толаларга эга. Уч шохли нерв бош ва юз терисини иннервациялайди.

У учта шохни ташкил этади:

1.Кўз (пешона) нерви у пешона териси, юқори ковок бурун бўшлиғининг шиллиқ қаватини иннервациялайди.

2.Юқори жағ (кўз ости) нерви у пастки ковок, буруннинг ён устки қаватини, юқори лаб, юқори тиш, милкни иннервациялайди.

3.Пастки жағ (дахан) нерви, юз териси, оғизнинг пастки бурчаклари тилнинг олд қисм, пастки тиш ва милкни, сўлак безлари ва чайнов мускулларини иннервациялайди.

VII жуфт нерв - юз нерви, ҳаракатлантирувчи ҳисобланади. Унинг шохлари чакка, яноқ, лунж, эгри шохли пастки жағ ва бўйин мускуллари барча юзнинг мимик мускулларини, бош териси энса қисми, кулоқ супраси мускулларининг хусусан оғиз бўшлиғи ва бўйиннинг тери ости мускулларини иннервациялайди.

IX жуфт тил халқум нерви, ҳиқилдоқ, тил ва қаттиқ танглайни иннервациялайди.

X сайёр адашган нерв, ҳиқилдоқ, бўғиз, тил илдизи, юмшоқ танглайни иннервациялайди, ҳиқилдоқ ости мускулларини иннервациясини таъминлайди.

XI жуфт қўшимча нерв. Бу ҳаракатлантирувчи нервдир.

XII-тил остки нерви тил мускулларини иннервациялайди, тилни олдинга чиқариш, кўтариш ва тил учини тинч, кенг ёйилган ва бошқа ҳолатларини таъминлайди.

Кўрсатилган нервларни жароҳатланиши артикуляция ва фонацияни бузилишига олиб келади.

Демак V жуфт нервлари уч шохли нервни жароҳатланишида пастки жағ ҳаракатлари бузилади. Жароҳатланган томон лунжи осилган, бурун-лаб қатламлари текисланган, оғиз бурчаги осилган бўлади.

VII жуфт юз нервнинг ҳаракатланнишида (б, п, в, ф) товушларининг артикуляциясида лабларни пайча шаклига келтира олмаслиги натижасида бузилади. Дизартирик болаларга ҳаракатларни нотўлиқ, ноаниқ, мускуллар тонусининг бўшлиғи билан, бажариш хосдир. Ҳар қандай ҳолатларда артикуляцион ҳолатни ушлаб туришда қийинчиликлар кузатилади. Юз нервларини функцияларини бузилишда мимик ҳаракатларни бажара олмаслик ёки қийинчиликлар кузатилади.

IX жуфт тил халқум нервнинг жароҳатланишида оғир ҳолатлар тил, юмшоқ танглай, ҳиқилдоқ мускулларнинг

фалажланиши юз беради, фонация ва артикулция бузилади, Дизартриянинг енгил шаклида эса юмшоқ танглайни етарлича кўтарилмаслиги, қатор холларда кичик тилчани бир томонга осилиб қолганини кузатиш мумкин.

Бир ҳаракатдан иккинчисига ўтиш бўйича берилган топшириқлар қийинчиликлар билан, узоқ муддат артикулляцияни излаш, топшириқни нотўлиқ, секин, қийинчилик билан бажариш кузатилади. Унга мимик мускулларни ноаниқ, бўш ҳаракатлари, репсервацияларнинг пайдо бўлиши қўшилиб келади. Ҳаракатларни бир вақтда бажариш имконияти бузилади. Тилнинг бетартиб ҳаракатлари ўрин эгаллайди.

XII жуфт тил ости нервлари жароҳатланишини оғир ҳолатларида тилнинг ярми фалажланади. Тил мускулларининг атрофияси (ярмини фалажланиши), гипотания (бунда тил ингичка, узун) тилни фалажланган томонга осилиб туриши кузатилади. Тилнинг фалажланган қисмида ҳаракатлар йўқ ёки чегараланган. Тилни юқорига, олдинга ҳаракатлари чекланган. Ҳатто бу нервнинг аҳамиятли бўлмаган жароҳатлари (с, з, т, д, н, ч, ц, ш, р, л,) товушларини бузулишига олиб келади.

Дизартриянинг енгил шаклида тилни чиқариш уни тинч ҳолатида ушлаб туриш, тилни юқорига кўтариш ва тушуриш, тилни кенг ва ингичка ҳолатда ушлаб туриш ҳаракатларини бажариш қийинчилик туғдиради. Бу ҳаракатларни бажариш бажариладиган ҳаракатларни бузилиши билан ҳаракатерланади, тилни титраши, тил учини тремори мускуллар тонусининг бўшлиги, синкенезиялар, берилган ҳолатни ушлаб туришдаги қийинчиликлари кузатилади.

X жуфт сайёр нервларнинг жароҳатланишида ҳалқум, юмшоқ танглай, бўғиз, ютқун, бўғиз девори мускуллари фалажланиб, унинг оқибатида артикулляция ва фонация бузилади.

3. Дизартриядаги асосий бузилишлар (нуқсоннинг тузилиши)

Дизартрия (нуткий ҳаракат бузилишлари) – нутк мускулларининг етарли бўлмаган иннервациясига асосланган нутқнинг талаффуз қисмидаги бузилиш. Дизартрия марказий асаб тизимининг органик шикастланиши оқибатида ҳосил бўлиб, унда нутқнинг ҳаракат механизми ишдан чиқади. Дизартрияда нуткий ифоданинг дастурланиши эмас, балки нутқнинг моторли амалга оширилиши бузилади. Нутқнинг товуш талаффуз қилиш қисми, нутқий нафас олиш, овоз ва артикуляцион моториканинг бузилиши - дизартрия ҳолатидаги етакчи нуқсонлар ҳисобланади. Дизартрия ҳолатида нутқнинг тушунарлилигига путур етади, нутқ ноаниқ ва тушунарсиз эшитилади.

Дизартрияда спастик, гипотония ва дистония тури бўйича артикуляцион мускуллари тонусининг бузилиши (юз, тил, лаблар, юмшоқ танглай мускуллари) кузатилади.

1. Спастик – тил, лаблар, юз ва бўйин мускулларидаги тонуснинг кучайиши. Тил букланиб орқага тортилган, деворлари сапастик букланиб, юқорига кўтарилган, тил учида ифода йўқ. Тилнинг таранглашган девори қаттиқ танглайга кўтарилган бўлиб, ундош товушларнинг юмшоқроқ талаффузига сабаб бўлади (палатализация). Айрим ҳолларда спастик тил “ниш” каби олдинга чиқади. Оғиздаги айланма мушаклар тонусининг кўтарилиши лабларнинг спастик таранглашувига, оғизнинг зич ёпилишига олиб келади (бу ҳолатда оғизнинг эркин очилиши қийинлашади). Юқори лабнинг бир қатор спастик ҳолатида аксинча, оғиз сал очилган бўлади. Одатда, бу ҳолатда кучли сўлак оқиши кузатилади. Артикуляцион мушакларнинг спастик ҳолатдаги фаол ҳаракати чекланган бўлади.

2. Гипотония – мушак тонусининг пасайиши. Гипотония ҳолатида тил оғиз бўшлиғида ёйилган, юпқа, лаблар бўшашган, жипс ёпилмайди. Шу сабабли, одатда оғиз ярим

очик ҳолатда бўлади. Юмшоқ танглай мушаклари гипотонияси танглай пардасининг юқорига ҳаракатланиши ва унинг кекирдик орқа деворига жипслашишига тўсқинлик қилади: ҳаво оқими бурун орқали чиқиб кетади. Бунда овоз бурун орқали ифодалангандай эшитилади (нонализация). Артикуляцион мушаклар гипотонияси спатик – паретик ва атактик ҳолатда кузатилади.

3. Дистония - мушак тонусининг ўзгарувчанлиги. Тинч ҳолатда паст мушак тонуси кузатилиши мумкин. нуткий фаолият бошланишига ҳаракат қилинганда ва нутк пайтида тонус кескин ошади. Дистония артикуляцияни бўзати. Дистониядаги товушларни талаффуз қилишдаги ўзига хос хусусият – бу товушларни алмаштириш ва тушириб талаффуз қилиш (гиперкинетик дизартрияда дистония ҳолати кузатилади). Неврологик патологияси бўлган болаларда тез-тез артикуляцион мушаклар тонуси бузилишининг аралаш ва вариатив(турдош) характери кузатилади. Яъни, айрим алоҳида артикуляцион мушакларда тонус турлича ўзгариши мумкин. Масалан, тил мускулларида спастиклик кузатилса, юз ва лаб мушакларида гипотонияни кузатиш мумкин. Барча ҳолатларда ҳам артикуляцион мушакларда ва скелет мускулларида тонуснинг бузилишида маълум би-мутаносиблик кузатилади.

Артикуляцион мушаклар ҳаракатланишининг бузилиши. Артикуляцион аппарат мушакларининг чегуруланганлиги – бу шу мушаклар нуқсонининг нимоён бўлиши ҳисобланади. Тил ва лаблар артикуляцион мушакларининг етарли ҳаракатланмаслиги товуш талаффузининг бузилишига сабаб бўлади. Лаблар мушакларининг шикастланиши оқибатида унли ва ундош товушларни талаффуз қилиниши қийинлашади. Артикуляция яхлит ҳолда бузилади. Айниқса, тил мушаклари ҳаракатининг кескин чегараланишида талаффуз кўпол равишда бузилади. Артикуляцион мушаклар ҳаракатланиш даражаси турлича – тил ва лаблар артикуляцион ҳаракати амплитудаси ва ҳажмининг

сезиларли бўлмаган пасайишидан токи бутунлай имкони бўлмаслигига қадар бўлиши мумкин. Бу ҳолатда дастлаб ўта нозик ва дифференциация қилинган ҳаракатлар бузилади (аввало тилни юқорига кўтариш).

Товуш талаффуз бузилишининг ўзига хос хусусиятлари

Дизартрияда товушлар талаффузида қуйидаги камчиликлар кузатилиши мумкин:

- талаффуз бузилишининг қатъийлиги, уларни енгиб ўтишдаги ўзига хос қийинчилик;

- товушларни автоматизация қилишдаги ўзига хос қийинчиликлар (автоматизация жараёни дислалияга нисбатан кўпроқ вақтни талаб қилади). Логопедик машғулотлар ўз вақтида ниҳоясига етказилмаса, эгалланган нутқий малакалар эсдан чиқади;

- фақатгина ундошларни эмас, балки унли товушларнинг талаффузида ҳам бузилишлар бўлади.

- тиш ораси ва тил ёндоши орқали талаффуз қилинадиган *с, з, ш, ж, ч* товушларини нотўғри талаффуз қилишни ортиб кетиши;

- жарангли ундошларнинг жарангсиз талаффуз эшитилиши (жарангли товушлар талаффузида овознинг етарли иштрок этмаслиги);

- қаттиқ ундош товушларнинг юмшоқ талаффуз этилиши (палатализация);

- нутқ давомида товуш талаффузи бузилишининг алоҳида ифодаланиши. Айниқса, нутқ ҳажмининг ортишида кузатилади, айрим ҳолатларда нутқнинг умумий ноаниқлиги кўпайиб кетади.

Бузулишнинг типига қараб дизартриядаги барча нуқсонлар икки тоифага бўлинади: антропофоник (товушларни нотўғри тақин этиш) ва фонологик (алмаштириш,

аралаштириш). Дизартрия нутқ бузилишида нутқ жараёнида товуш сирғалиши энг кўп учрайдиган ҳолат ҳисобланади.

Нутқий нафас олишнинг бузилиши. Дизартрик болаларда нафас олишнинг бузилиши марказий нафас олиш регуляциясининг етарли эмаслиги билан боғланади. Нафас чуқурлиги етарли бўлмайди. Нафас олиш ритми бузилади, нутқ ифода қилиш пайтида тезлашади. Нафас олиш ва чиқариш координациясининг бузилиши кузатилади (юқорилаб нафас олишва қисқарган нимжон нафас чиқариш). Нафас чиқариш огиз ярим очик бўлишига қарамай, асосан бурун орқали ҳосил бўлади. Нафас олиш бузилишлари айниқса, дизартриянинг гиперкинетик шаклида намоён бўлади.

Овознинг бузилиши. Овознинг бузилишига мушак тонусларининг ўзгариши ва тил ва лаблар, овоз пайчалари, юмшоқ танглай, кекирдик мушаклари ҳаракатининг чекланиши сабаб бўлади. Аксари ҳолатларда овоз кучининг етарли эмаслиги қайд этилади (жарангсиз, хириллаган, кўрқиб, узилиб қолувчи, ҳаяжонли, томоқдан).

Дизартриянинг турли шаклларида овознинг бузилиши хусусий характерга эга бўлади.

Нутқнинг ифодалилиги, оҳангдорлиги ва темпоритмик хусусиятларининг бузилиши. Нутқнинг оҳангдорлик ва ифодалилигининг бузилиши дизартриянинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Айнан шулар юқори даражада нутқнинг тушунарли, эмоционал ва ифодалилигига таъсир кўрсатади. Ифодалиликнинг жуда ҳам камлиги ёки овоз модуляцияларининг йўқлиги кузатилади (бола ихтиёрий равишда овоз тони баландлигини ўзгартира олмайди). Боланинг овози монотон, модуляция қилинмаган бўлиб боради.

Нутқ темпининг бузилиши нутқнинг секинлашуви билан, камдан кам ҳолатларда тезлашуви билан намоён бўлади. Айрим ҳолатларда нутқ оҳангдорлигининг бузилиши кузатилади (масалан, сўзларда қўшимча урғуларни кўпайтириб нутқ ифодаланишида).

Артикуляцион аппаратда кинестетик сезгиларнинг етарли эмаслиги. Дизартрик болаларда нафақат артикуляцион ҳаракатлар ҳажмининг чекланиши, балки, артикуляцион ҳаракатлар ҳолати ва ҳаракатининг кинестетик сезгилари кучсизлиги қайд этилади.

Вегетатив бузилишлар. Дизартрия ҳолатида энг кўп учрайдиган вегетатив бузилишлардан бири, бу гиперсаливация ҳисобланади. Сўлакнинг кучли оқиши тил мушаклари ҳаракатининг чегараланганлиги, ихтиёрий ютинишнинг бузилиши, лаблар мушаклари парези билан боғлиқ. Гиперсаливация одатда артикуляцион аппаратдаги кинестетик сезгиларнинг кучсизлиги (бола сўлаклари оқиб кетаётганлигини сезмайди) ва ўз-ўзини назорат қилишнинг сусайиши оқибатида оғирлашади. Гиперсаливация турли даражаларда ифодаланиши мумкин. У доимий ёки маълум бир шароитларда кучайиб кетиш ҳоллари ҳам кузатилиши мумкин. Гиперсаливациянинг энг енгил ҳолати ҳам (нутқ вақтида лаблар бурчакларининг намланиши, кўп бўлмаган микдордаги сўлакнинг оқиши) болада неврологик симптомлар мавжудлигидан далолат беради. Терининг ташқи томондан қизариши ёки оқариши, нутқни ифодалаш пайтида кучли терлаш ҳолатлари каби вегетатив бузилишлар камдан кам учрайди.

Овқатланиш актининг бузилиши. Дизартрик болаларда тез-тез овқатланиш акти қийинлашади, оғир ҳолатларда эса қаттиқ озукани чайнаш, луқмани узиб тишлаб олиш ҳаракати бўлмайди. Ютиш жараёнида тез-тез тикилиш ва хириллаб йўталиш қайд этилади. Пиёладан ичишга қийналади. Айрим ҳолатларда нафас олиш ва овқатни ютиш координацияси бузилган бўлади.

Синкинезияларнинг мавжудлиги. Синкинезиялар бу – ихтиёрий артикуляцион ҳаракатларни бажариш давомида ихтиёрсиз ҳаракатларнинг биргаликда бажарилиши (масалан, тил учини юқорига кўтариш пайтида пастки жағлар ва пастки лабнинг юқорига кўтарилиши).

Орал синкинезиялар – бу ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракат қилишга интилишда оғизнинг очилиб қолиши. Кекирдок (қайт қилиш) рефлексининг кучайиши.

Ҳаракатлар координациясининг бузилиши (атаксия). Атаксия ҳолати нутқ оҳангининг дисметрик, асинергик ва шовқинли ҳолатларида пайдо бўлади. Дисметрия бу - ихтиёрий артикуляцион ҳаракатларнинг катталигининг мос келмаслиги ва аниқ эмаслиги ҳисобланади. Дисметрия ҳолати одатда гиперметрия шаклида ифодаланади. Бунда керакли ҳаракатлар керакли ҳолатга нисбатан ҳаддан ташқари ошириб, кўполлик билан, секинлаштирилган темпда бажарилади (ҳаракат амплитудасининг ҳаддан зиёд орттириб юборилиши). Айрим ҳолатларда нафас олиш, овоз ҳосил бўлиш ва артикуляция ўртасидаги координациянинг (номутаносиблик) бузилиши кузатилади. Атаксия ҳолати атактик дизартрияда қайд этилади.

Артикуляцион мускулларда мажбурий ҳаракатлар (гиперкинез ва треморлар) нинг мавжудлиги. Гиперкинезлар бу- тил мушакларининг, юз мушакларининг ихтиёрсиз, оҳангсиз, мажбурий равишдаги ҳаракатлари (гиперкинетик дизартрия).

Тремор – бу тил учининг қалтираши (аниқ йўналтирилган ҳаракатларда ўта кўзга ташланади). Тилнинг тремори атактик дизартрияда учрайди.

3. Дизартриянинг намоён бўлиш даражалари

Дизартриянинг намоён бўлиш даражалари марказий асаб тизимининг шикастланиш даражаси ва характериға боғлиқ. Дизартриянинг намоён бўлиш даражалари шартли равишда 3 даражага ажратилади:

- Енгил;
- Ўрта;
- Оғир.

Дизартриянинг енгил даражаси нуқсон тузилишида унча аҳамиятли бўлмаган бузилишлар (нутқий ва нутқий

бўлмаган симптомлар) билан характерланади. Дизартриянинг енгил даражаси намоён бўлиши одатда “қатъий ифодаланмаган” ёки “енгил” дизартрия деб номланади. Бунда товуш талаффуз қилиш жараёнини бузувчи артикуляцион аппарат мушаклари парези кўзда тутилади. Айрим ҳолатларда амалиётчи-логопедлар “минимал дизартрик носозлик”, “дизартрик компонент” терминларидан фойдаланадилар, айнан шу ҳолатларда улардан айримлари бу ҳодисаларни дислалия ва дизартрия орасидаги ўтувчи бузилишлар деб нотўғри ҳисоблайдилар.

Дизартриянинг енгил даражасида нутқнинг умумий тушунарлилиги бузилмаслиги мумкин, аммо товушларни талаффуз қилиш бироз аралаш ва ноаниқ бўлади. Сонор ва шовқинли товушларни талаффуз қилганда нотўғри талқин кузатилади. Унлилар талаффузида энг катта қийинчилик туғдирувчи товушлар /и/ ва /у/ ҳисобланади. Аксари ҳолларда жарангли ундошлар жарансиз бўлади. Айрим ҳолатларда (айниқса, логопед шуғулланганда) бола товушларни ажратилган ҳолда тўғри талаффуз қилиши мумкин, лекин нутқ ҳажмининг ошиши билан товушлар талаффузининг умумий ҳолатдаги ноаниқ ҳолатини қайд этиш мумкин. Шунингдек, нутқий нафас олишнинг етарли эмаслиги (тезлашуви, унчалик чуқур эмаслиги), овознинг етарли эмаслиги (паст, жарангсиз) ҳам кузатилади..

Дизартриянинг енгил даражасида болаларда тил мушаклари тонусининг кескин бўлмаган бузилиши кузатилади. Айрим ҳолатларда эса лаблар артикуляцион ҳаракатининг сезиларли бўлмаган даражадаги пасайиши кузатилади. Бу ҳолатларда тилнинг ўта нозик ва дифференциациялашган ҳаракатлари бузилган ҳисобланади (аввало, тилни юқорига кўтариш). Нутқий бўлмаган симптомлар ҳам намоён бўлиши мумкин, каттиқ озиқни чайнаш, ютиш жараёнида озроқ хириллаш, ютиш рефлексининг кучайиши кузатилади.

Дизартриянинг ўрта даражасида нутқнинг умумий тушунарлилик ҳолати бузилади. Нутқ атрофдагилар учун тушунарсиз бўлиб қолади. Баъзи ҳолатларда боланинг нутқини матн мазмунини билмасангиз тушуниш қийин бўлади. Болаларда товушларни талаффуз этишда умумий аралашиган товуш ҳосил бўлади. Баъзида сўз охиридаги товушлар ва жуфтлашган ундошлар тушириб қолдирилади. Нафас олиш чуқурлиги ва ритмининг бузилиши овоз тембри ва кучининг бузилиши билан кечади. Овоз модуляцияларининг мавжуд эмаслиги овозни модуляциялашмаганлиги боланинг нутқини монотон қилиб қўяди.

Болаларда тил, лаблар ва юз мускуллари тонусининг бузилиши намоён бўлади. Юзлари гипомимик, тил ва лабларнинг артикуляцион ҳаракати секинлашган, катъий чегараланган, аниқ эмас. Тилни муайян бир ҳолатда ушлаб туриш ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш қийинчилик туғдиради. Дизартриянинг ўрта даражаси кузатилган болалар учун гиперсаливация ҳодисаси, овқатланиш актининг қийинлашуви, синкинезия, қайт қилиш рефлексининг кучайиши характерли ҳисобланади.

Дизартриянинг оғир даражасида – анартрия- нутқий ҳаракат мушакларининг тўла шол бўлиши ёки умуман товуш талаффуз эта олмаслик ҳисобланади. Анартрия марказий асаб тизимининг оғир жароҳатланиши (шикастланиши) орқали ҳосил бўлади.

Тил моторикасида шуларга ўхшаш нуқсонлар учрайди. Нутқнинг дизартрик бузилиши типи унинг клиник синдроми характерига қараб аниқланади. Дизартриянинг бундай туркумланиши логопедни артикуляцион моторика бузилиши сифатини аниқлашга йўналтиради. Бу эса артикуляцион аппарат моторикаси ва мушаклари тонусини меъёрлаштириш учун даволаш ва логопедик воситларни мақсадга мувофиқ танлаб, аниқлаб олиш имконини беради.

Дизартриянинг турли шаклларида товуш талаффузи ва артикуляциянинг бузилиши (мия шикастланишини локаллаштириш тамойилига асосан дизартрияни туркумлаш).

Дизартрия шакллари	Артикуляциянинг бузилиши	Товуш талаффуз этишининг бузилиши
Бульбар дизартрия	- танланган, аксари нутқ аппарати мушакларининг ўнг ёки чап томони параличи; - мушаклар атрофияси; - мушаклар атонияси; - ҳар қандай ихтиёрий ва ихтиёрсиз ҳаракатлар бузилган.	- барча ундош товушлар шовқинлиларга яқин бўлади. - унли товушлар жарангсиз (а) ёки (ы) товушларига конвергацияланади. - бурун орқали талаффуз - оғиз товушлари артикуляциясида пайдо бўлувчи нутқий шовқинларнинг йўқолиши.
Псевдобульбар Дизартрия	- Нутқ аппаратининг икки томонлама спастик параличи. - Спастик гипертония типига хос мушак тонусларининг кўтарилиши (тил босим остида, орқага силжиган). - Артикуляцион мушаклар ҳаракатчанлиги кескин чегараланган. - Ихтиёрий ҳаракатларнинг танланган бузилишлари.	- тузилиши жиҳатидан ўта мураккаб ва дифференциациялашган товушлар талаффузида тартибсиз бузилишлар (р), (л), (х), (ц), (ч). - Товушларнинг юмшоқ талффуз этилиши.

	Артикуляциянинг бузилиши	Товуш талаффуз этишнинг бузилиши
Экстрапирамидли дизартрия (пўстлок ости).	-тонуснинг кескин ўзгариши; -эмоционал-ҳаракатли иннервациянинг бузилиши; -гиперкинез ҳолатлари; -артикуляцион ҳолатларни сақлаб қолишдаги қийинчиликлар;	- товуш талаффуз этишдаги барқарор бузилишлар қайд этилмайди.
Мияча дизартрияси	-фонация, нафас олиш ва артикуляциянинг асинхронлигининг намоён бўлиши; -артикуляцион мускуллардаги тонуснинг пасайиши; -артикуляцион ҳолатларни сақлаб туришдаги қийинчилик; -Тил ҳаракатларининг ноаниқлиги. -аниқ йўналтирилган нозик ҳаракатларда тилнинг тремори; -ҳаракат темпи секинлашган.	- тил олди,лаб, портловчи товушлар талаффузи бузилган. - кўпгина товушлар назализацияси.

		Артикуляциянинг бузилиши	Товуш талаффуз этишнинг бузилиши
Пўстлок дизартрияси	I. Кинестетик марказ олди	-кинестетик праксиснинг етарли эмаслиги -товушлар артикуляциясининг ноаниқ ва нотўғрилиги. -тўғри ҳолатларни фаол излаш	-ундош товушларнинг шовқинли белгилари алмашади -ҳосил бўлиш жойлари (айниса тил). -ҳосил бўлиш усуллари.

			-юмшоқ ва каттиқлиги.
II. Кинетик премотор	-динамик кинетик праксиснинг етарли эмаслиги. -артикуляцион ҳаракатлар кетма-кетлиги бузилади.	-унли товушлар артикуляцияси бузилади. -бошидаги ва охиридаги ундошлар кўпинча чўзилган. -ундошлар жуфтлашганда товушларни тушириб қолдириш. -аффрикатнинг соддалашуви	
III. (Е.М. Мастюкова таърифи)	-артикуляцион аппарат алоҳида мушакларининг ажратилган ҳолатдаги шикастланиши; -нутқ мускулларининг танланган спастик парези; -асосан ўта нозик ажратилган ҳаракатлар касалланади.	-тил олди товушлари талаффузининг бузилиши (ш,ж,р) улар ё иштрок этмайди, ёки бошқа ундош товушлар билан алмаштириб талаффуз этилади. -тил учининг юқори тишларга яқинлашуви орқали ҳосил бўлувчи қийин ундошлар (л)	

Таклиф этилган туркумлашдан логопед боладаги неврологик синдромни аниқлаб берган невропотолог билан биргаликда фойдаланиши мумкин. Нуткий нуқсонлар тузилмасига турли синдромлар ҳам қўшилса, дизартрияни аралаш деб характерланади. Синдромологик ёндошув асосида дизартрияни таснифлаш:

- Спастик-паретик дизартрия (еткчи синдроми-спастик парез)

- Спастик-ригид дизартрия
- Гиперкинетик дизартрия
- Атактик дизартрия
- Спастик-атактик дизартрия
- Спастик-гиперкинетик дизартрия
- Спастик-атактик-гиперкинетик дизартрия
- Атактико-гиперкинетик дизартрия

Дизартриянинг турли шаклларидаги асосий нуқсонлар (синдромологик ёндашув асосида дизартрияни туркумлаш)

Дизарт- рия шакл- лари	Спастико- паретик дизартрия	Спастико- ригид дизартрия	Гиперкинетик дизартрия	Атактик дизартрия
Етакчи синд- роми	спастик парез	нутқ фаолиятининг спастик парези ва уни бошқаришда- ги тоник бу- зилишлар	гиперкинез	атаксия
ДЦП шакли	спастик диплегия, гемиапрез	икки ёклама гемиплегия	ДЦПнинг гиперкинетик шакли	ДЦП атоник- астатик шакли
мушак тонуси бузили- ши харак- тери	спастиклик, камдан кам ҳолатларда гипотония	мушаклар спастиклиги ва ригидлиги (мушак тонусининг бутун нутқий ва скелет мускулларида ги юқори	дистония, камдан кам ҳолатларда гипотония. Тонуснинг ташқи таъсирларга, эмоционал ҳолатга,	гипотония

		даражада кескин кўтарилиши, ташқи таъсиротлар таъсирида кучайиш)	ихтиёрый ҳаракатларга боғлиқлиги	
Ихтиёр-сиз мажбурий ҳаракатларнинг мавжудлиги	синкинезиялар, орал синкинезия . Орал автоматизм рефлексларининг сақланиб қолиш эҳтимоли	мажбурий сўриш ва ялаш ҳаракатларининг тез-тез так-рорланиши	тил, юз, тинч ҳолатдаги бўйиннинг гиперкинези, товуш талаффузида кучаяди. Сикинезиялар.	тил тремори (йўналтирилган ҳаракатлар да)
Артикуляцион моторика, мимикаларнинг бузилиши	тил ва лабларнинг артикуляцион ҳаракатлан иш ҳажми ва амплитудасининг пасайиб кетиши, бир артикуляция ҳолатидан иккинчи ҳолатига ўтиш. Юз гипомомия си	артикуляцион ҳаракатлари ҳажми қатъий чекланган. Узайтирилган латент даврини ҳаракатга киритиш (бир неча дақиқагача) бутун нуткий ва скелет мускулатурасини ҳаракатга келиши. Тил босим остида, кам ҳаракатланган, орқага сурилган, ҳар доим ҳам	артикуляцион ҳаракатлар ҳажми ерали бўлиши мумкин. Асосий қийинчилик артикуляцион ҳолатни ҳис қилиш ва сақлаб туришда артикуляцион ҳаракатлар автоматизация си носоз	артикуляцион ҳаракатлар дисметрия си (катталикл арнинг мос келмаслиги)

		тилни оғиз бўшлиғидан ташқарига оли чиқиб бўлмайди. (аралаш лаб- тил артикуляцияс и). Мимика ўта маъюс (юз тиниб қолган, ниқобга ўхшаш)		
овқатлан иш актининг ҳолати	овқатла- ниш акти секинлаш- ган, лекин координаци ялашган	чайнаш, луқмани тишлаб олиш, ютиш ҳаракатлари қўпол бузилган. Чайнаш аксари ҳолатларда сўриш билан алмашади. Нафас олиш, чайнаш ва ютиш орасидаги координация (мувофиқлик) бузилган	чайнаш, ютиш жараёнлари қийинлашган, дискоординац иялашган	чайнаш заифлашга н
нутқнинг тушунар лилиги. Товуш талаффуз ининг	нутқнинг тушунарли лиги сезиларли равишда пасайган,	нутқнинг тушунарлили ги сезиларли равишда пасайган, матн	тушунарлилиқ пасайган(нутқ тушунарсиз, айқаш-уйқаш, асосан, тушунарсиз).	нутқнинг тушунарли лиги пасайган. Тил олди, лабдош ва

бузилиш и	матн мазмунини билмаган ҳолатларда нутқни тушуниш қийин. Нутқ товушлари фонетик жихатдан нуксонли, ундошлар чайналиб талаффуз килинмоқ- да	мазмунини билмаган ҳолатларда нутқни тушуниш қийин. Нутқ товушлари аниқ фонетик безакдан махрум, ундошлар талаффузида тушунарсизл ик, унлилар ўртамиёшлаш тирилган, лаб, тиш товушлари, қаттиқ- юмшоқ, жарангли- жарангсиз товушлар дифференциа циясининг кучсизлиги.	Товуш талаффузидаг и тургун хатолар мавжуд эмаслиги билан характерланад и(тушириб қолдириш, алмаштириш, товушларни аралаштириш доимий эмас).товушла р талаффузида сирғалишлар кўп кузатилади.	портловчи товушлар талаффузи бузилган
нафас олишни- нг бузили- ши	нутқий нафас олишнинг бузилиши(нутқий нафас чиқариш камайган, нафас олиш чуқур эмас)	нафас олишнинг оғир бузилиши	нафас олишнинг оғир бузилиши	асинергия –нафас олиш, овоз ҳосил бўлиш ва артикуляц иянинг асинхрон (номутано сиблиги)
овознинг бузилиш	овоз етарли кучли эмас, жарангли	овоз сокин, жарангсиз, босинқираган	овоз ҳаяжонли, узилиб	овоз ибора охирида пасаювчи,

	эмас.	босим остида	турувчи, қалтираган, баландлиги, кучи, жарангдорли- ги ўзгариб турувчи. Нанализация бўлиши мумкин.	жуда суст, бурун орқали талаффуз қилинади
вегетатив бузилиш лар	гиперсали- вация	гиперсалива- ция	аниқ гиперкинетик синдромда сўлак оқиши кузатилмайди.	гиперсалив ация бўлиши мумкин

II.606. ДИЗАРТРИЯДА НУТҚ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1.Дизартрик болалар умумий, майда, артикуляцион моторикасининг ўзига хос хусусиятлари

Дизартрик болаларда умумий мотор соҳада ҳаракатларнинг заифлиги, секинлиги, чекланганлиги, фарқланмаганлиги билан характерланади.

Ҳаракатларни юқори ва паст соҳаларини чегараланганлиги, синкинизия, мускуллар тонусининг бузилиши, ҳаракат соҳасидаги экстрапирамидали етишмовчилик кузатилади. Баъзан ҳаракатлар кескин юз бериб, улар мақсадсиз ва махсулсиз хисобланади. Қўл мускулларининг тонусини ортишини қўлларни юқорига кўтаришда, бармоқларни енгил треморида, тилни касалланган томонга кетишида, тилнинг енгил гиперкинезларида кузатилади.

Умумий моторикани етишмовчилиги дизартриянинг енгил даражасига эга бўлган мактабгача ёшдаги болаларда мураккаб ҳаракат актларини бажаришда, ҳаракатларни аниқ бошқаришни талаб қилувчи турли мускуллар гуруҳларини тўғри ишлашида, ҳаракатларни тўғри вақт-фазода ташкил этишда яққол намоён бўлади. Шунингдек қўл моторикасининг бузилишига хос хусусиятлар ҳаракатларнинг аниқлиги, тезлиги ва координацияларнинг бузулишида кўринади.

Қўл моторикаларининг ва артикуляцион моториканинг шаклланмаганлиги даражалари ўртасида махсус корреляция ўрнатилган.

Бу барча симптомлар дизартрик болаларнинг барчасида паст ифодаланган шаклда намоён бўлади.

Бош мия нервлари томонидан асосий бузилишлар тил ости нервлари (XII жуфт) жароҳатланиши билан боғлиқ бўлиб, тилни бир томонга органик ҳаракатлари кўринишида ва гиперкинезлар кўринишида номоён бўлади. Тилни юқорига, олдига ва ён томонларга ҳаракатларини такрорлашда тез чарчаш, ҳаракат темпининг сустлиги ва баъзан тил учини енгил кўтариши намоён бўлади. Кўз олмалари ҳаракати кенглигини чегараланиши (III, IV, V жуфт) баъзи болаларда енгил кўриш нуқсонларини ҳосил қилади. Конвергенция ва аккомодация текширувларида конвергенцияларни енгил парезлари кузатилади. Уч тармоқли (5 жуфт) нервларни жароҳатланишида қўпол парезлар кузатилмайди. Аммо ён томонга ҳаракатланганда баъзи болаларда бош, тил, кам холларда лабларни ўша томонга тортишиши кузатилади. Юз нервларини (VII жуфт) ассиметрияси ўнг ёки чап бурун-лаб бурамаларининг бир – бирига қўшилиб кетиши ҳисобига юз беради.

Сайёр нерв ва тил-халқум (IX, X жуфт) нервларининг оғир бузилишлари натижасидаги нуқсонлар бу тоифа болаларда кузатилмайди. Аммо, юмшоқ танглайни қисқаришидаги етишмовчиликлар кузатилади. Ихтиёрий нафас олишда мускулларни бўшаштирилишидаги қийинчиликлар, нутқий кўрсатма орқали нафас олиш ва нафас чиқаришда, ҳаво оқимининг оғиз орқали, кейин бурун орқали чиқаришда бузилишлар намоён бўлади.

Дизартрик болаларда аритикуляцион аппарат моторикасидаги бузилишлар қуйидагича намоён бўлади:

- 1) бир аритикуляцион ҳолатдан иккинчисига ўтишга;
- 2) аритикуляцион ҳаракатлар сифатини пастлиги ва ёмонлашувида;
- 3) аритикуляцион ҳолатни кўрсатиб бериш вақтини пасайтиришда;
- 4) тўғри ҳаракатларни бажарилиш сонини пасайишида.

Дизартрик болаларда моторика бузилишлари ўзига хос характерга эга. Уларда умумий моторикадаги номунасиблик, бўйсунмаслик, майда қўл моторикаларининг бузилишлари кузатилади.

Болалар кийимларини, оёқ кийимларини кийишда қийналадилар, тенгдошларига қараганда ёмон югуради, сакрайди, чизади. Дизартриянинг паретик шакли бўлган болаларда кўпинча, айниқса қалам ёки ручка билан ишлаганда бармоқларнинг бўшлиғи кузатилади. Спастик шаклида эса хаддан ташқари босим ва кам ҳаракатлилик кузатилади.

Енгил даражадаги дизартрик болаларда параличлар ва парезларнинг намоён бўлмаслигига қарамасдан, уларнинг моторикаси умумий номувофиклик, етишмовчилиги, координацияси билан фарқ қилади. Амалиётни кўрсатишича, майда моторикаси бузилган мактабгача ёшдаги болалар ёзув кўникмаларини эгаллашда қийинчиликларга учрайди. Ёзувга қўлларини тайёрлиги кечиккани каби, болаларда расм чизишга ва бошқа қўл фаолиятларига қизиқиш ҳам анча паст намоён бўлмайди. Аритикуляцияон аппаратдаги мотор камчиликларни майда қўл моторикаларининг яққол бузилиши мураккаб ҳаракат актларини бажаришда, турли хил мускул гуруҳларни аниқ ишлашини талаб қилувчи ҳаракатларда, фазо-вақт ҳаракатларини тўғри ташкил этишда намоён бўлади. Бу дизартриянинг енгил даражасига эга бўлган болаларда аритикуляцияон аппаратда кинестетик сезгирликни етарлича ривожланмаганлигидан далолат беради. Нутқ ҳаракатларидан биридан иккинчисига ўтишда тебранувчи ҳаракатлар содир бўлади, қатор ҳаракат бузилишлари, персервациялар кузатилади.

Дизартрик болаларни ҳаракат доираси ҳолатини тавсифлаб, баъзи олимлар кенг доирадаги фаол ҳаракатларни аниқлашади, лекин шу билан бирга бу ҳаракатлар секин номувофик, фарқланмаган бўлади. Бошқа олимлар эса ҳаракатлар кенглигини юқори ҳамда оёқ- қўлларда бир

томонга тегишлилигини аниқлашган. Бу паретик ҳолатлар қўл- оёқларда кузатилади. Бундай ҳолларда мускуллар кучи парез томонда заиф, тонус эса- анча юкори бўлади.

Дизартрик болаларда мотор камчиликларини пайдо бўлиши 5 та ҳаракат шаклларида кўриниши фарқланади:

- дюпре шакли-мотор дебиллик бўлиб, синкенизияларда, дистонияда, ҳаракатларни номувофиклигида пайдо бўлади;

- гамбург шакли- «Ҳаракат инфантилизми», у мотор ҳаракатларнинг сустлашувида намоён бўлиши билан, айниқса катта ёш хусусиятларини кичик ёш хусусиятларига мос келиши билан характерланади;

- экстрапирамидали етишмовчилик (К. Якоб), мимикалар, имо-ишоралар, автоматик ҳаракатларнинг заифлигида намоён бўлади;

- ҳаракат етишмовчилигининг фронтал шакли (М.О. Туревич) кескин ифодаланган ҳаракатлар, ҳаракатларни оғишиши билан характерланади;

- цереберал ёки миячали етишмовчилик (А. Баллон), ҳаракатларни ноаниқлигини ортиши пайдо бўлади, тонусда, статик ҳаракатларда бузилишлар юз беради.

Шу тарика дизартрик болаларда унда кўпол бўлмаган, яққол ифодаланмаган бузилишлар кузатилади.

Дизартрик болаларда параличлар ва парезлар кузатилмайди, лекин уларнинг моторикаси номутаносиблиги, етарлича координациянинг йўқлиги, бўшлиги, ҳаракатларнинг сустлиги билан, ҳаракатлар гиперфаоллиги, ховликмалиги, бесарамжонлиги ходисалари кузатилади. Улар жуда кўп ортиқча ҳаракатлар қиладилар, тез чарчайдилар, бир оёқда тура олмайдилар, бир оёқда сакрай олмайдилар, ҳаракатларга ёмон тақлид қиладилар. Улардаги мотор етишмовчилик айниқса, жисмоний тарбия ва мусиқа машғулотларида намоён бўлади, чунки, болалар ҳаракатлар темпи, ритмида орқада қоладилар ва бошқа ҳаракатларга ўтишда қийналадилар.

Дизартрик болалар кеч ва қийинчилик билан ўз-ўзига хизмат кўникмаларини эгаллайдилар: тугмаларини ўтказа олмайдилар, шарфларини боғлай олмайдилар ва хоказолар. Тасвирий санъат машғулотларида қаламни ёмон ушлашади, болалар доимо босим остида бўладилар. Кўп болалар расм чизишни ёмон кўрадилар. Айниқса, майда қўл моторикаларидаги номутаносиблик аппликация ва пластилин билан ишлаш машғулотларида яққол кўринади. Аппликацияда бунга яна фазода мўлжал олиб элементларини жойлаштиришдаги қийинчиликлар ҳам қўшилади. Майда қўл моторикаларининг камчиликлари бармоқ гимнастикалари орқали бартараф этилади. Болалар қийинчилик билан ёки ташқаридан ёрдамсиз тақлид асосида ҳаракатларни бажара олмайдилар. Масалан : «қўлф»- қўл кафти бармоқлари бири-бирини орасига киритилиб сиқилади; «халқалар» - бош бармоқ бошқа кўрсаткич, ўрта, номсиз бармоқ ва жимжималок билан кетма-кет туташтирилади. Кўпчилик болалар топшириқларни бажара оладилар, агар кўрсатма ва ҳаракат бир вақтда кўрсатилса. Топшириқларни кўпчилик болалар кўп хатолар билан бажарадилар, айниқса иккита қўлини мушт қилиб, кейин ёйишда. Бунда топшириқларни бажариш дизметрия, елка олдини қўшимча ишлаши билан характерланади. Кўпинча болаларда ҳаракатларни бир вақтда бажара олмаслик кузатилади.

Бармоқларни навбатма-навбат букиш топшириқларини бажаришда бош бармоқ ва жимжималокдан бошланади, у кўп ҳолларда секинлиги билан характерланади. Бундан ташқари бармоқларни қўзғалувчанлиги, уларни букиб ушлаб туришнинг имкони йўқлиги кузатилади. Болаларнинг кўпчилигида бир томондаги қўл-оёқ машқларини бажаришда — бошқа томондаги бармоқлар сикинезияси кузатилади. Кўпчилик болалар машқларни секин, босим билан, тортишган бармоқлар билан тўлиқлигича бажара олмайдилар. Бармоқлар гимнастikasини бажарилишини текшириш, бармоқларни кетма-кет букишда қийинчиликлар

кузатилишини, бармоқларни букилмаслигини кўрсатади. Дизартрик болаларда аҳамиятли қийинчиликларни динамик ҳаракат актларини ташкил этишда кўриш мумкин.

Дизартрик болалар аритикуляцион нутқ аппаратида қуйидаги патологик хусусиятлар кузатилади:

- юз мускуллари бўшашган, болалар оғизни ёпик ҳолатини ушлаб тура олмайди, чайнов мускуллари бўшлиғи туфайли пастки жағни тепага кўтариб тура олмайди;

- лаблар бўш, уларнинг бурчаклари осилган; нутқ пайтида лаблар очик қолиб лабланган товушларни айта олмайди, бу нутқнинг просодик томонини бузилишига олиб келади.

- паретик симптомда тил ингичка бўлиб, оғиз бўшлиғида туради, тил учи фаол эмас. Функционал босимда (аритикуляцион машкларда) мускуллар заифлиги ортади.

Аритикуляцион органлар мускулларининг спастиклигида қуйидагилар кузатилади:

- юз амимик ҳолатда юз мускуллари пайпасланганда қаттик, тортишган;

- боланинг лаблари доимо ярим қулғу ҳолатда, юқори лаблар милкларга тиралган ҳолда, нутқ пайтида лаблар товушлар артикуляциясида иштирок этмайди. Бу симптомлар кузатилган кўпчилик болалар «найча» аритикуляцион машқини бажара олмайдилар, лабларни олдинга чўза олмайдилар;

- спастик симптомда тил шакли ўзгаради; семиз, учи билинмайди, кам ҳаракатланади. Дизартриядаги гиперкинезлар тил тремори, овоз бойламаларида қалтираш кўринишида пайдо бўлади. Тил тремори функционал текширув ва босимларда пайдо бўлади. Масалан, тилни пастки лаблар устида 5- 10 гача санок остида тинч ҳолатда ушлаб туришда қалтираш ва енгил кўкариш пайдо бўлади, баъзи ҳолларда тил ўта безовта бўлади. Бундай ҳолатда бола тилини оғзидан чиқариб тура олмайди. Тил гиперкинезлари аритикуляцион аппарат мускуллари тонусини ортиши

ҳисобига пайдо бўлади. Дизартрия шаклларида апраксия қўллар ёки артикуляцион органлар орқали ихтиёрий ҳаракатларни бир вақтда бажара олмаслиқда шуниндек апраксия барча мотор даражаларда иштирок этади. Артикуляцион аппаратда апраксия бир ҳаракатдан иккинчисига ўтишда бирор ҳаракатни бажара олмаслигида намоён бўлади. Бола мақсадсиз, бемаъни ҳаракатлар бажарганда кинестик апраксия кузатилади.

Девиация тилни ўрта чизикдан оғишишида, шунингдек артикуляцион текширишда, функционал босимларда кузатилади. Тилнинг девиациясида лаблар ассиметрик, кулгу ҳолатда, бурун, лаб бурмалари ёйилганлиги билан келади.

Гиперсаливация- сўлак ажралишининг юқорилиги фақатгина нутқ пайтида аниқланади. Болалар сўлак ажралишини тўхтата олмайди, сўлакни юта олмайди, бунинг оқибатида нутқнинг просодик ва талаффуз томони бузилади

2.Дизатрик болаларда фонематик эшитувини шаклланиш хусусиятлари

Тўғри товушлар талаффузини эгаллаш сенсор ва мотор функцияларни ўзаро чамбарчас алоқаси асосида ривожланиб, улар нутқий тизим бирлигини таъминлайди. Бир томондан нутқнинг товуш томонини тўғри ўзлаштириш кўп томондан идрокнинг фонематик ва персептив даражасини ривожланишини белгилайди. Бошқа томондан нутқни ривожланиши давомида эшитув анализатори нутқ ҳаракат анализатори томонидан таъсирни хис этади: бола товушларни қандай талаффуз қилса шундай эшитади ва идрок этади, бола тўғри талаффуз этадиган товушларни эшитишига кўра яхши фарқланади ёки аксинча.

Шунингдек, болада нутқни товуш томонини тўғри шаклланиши учун нафақат бунга артикуляцион аппарат тайёр бўлиши керак балки ўзини ва бошқалар нутқидаги

нотўғри талаффуз қилинадиган товушларни яхши эшита олиши ва фарқлаш малакасига эга бўлиши керак.

Дизартриянинг энгил шаклида болаларда фонематик эшитувни шаклланишини бузилиши иккиламчи характерда бўлади. Бу турдаги нуксонлар патологик нутқий кинестизияларда, нутқ органларидаги ҳаракат органларидаги жароҳатларда иккиламчи характердаги фонематик эшитувнинг бузилиши пайдо бўлади, унинг ифодаланиш даражаси дизартриянинг ўзидагидек ифодаланиш даражасига боғлиқ.

Болалар айтилишига кўра яқин товушларни фарқлаш (расмлар асосида), берилган товушларга расмлар танлаш, уларни бўгинларда таниш машқларни ёмон бажарадилар. Дизартриянинг энгил даражасига эга бўлган болаларда артикуляцион аппаратдаги паталогиялар (гинертонус, гипотонус, девиация, гипертинезлар, гиперсолификация ва бошқалар) туфайли артикуляцион органлар моторикаси бузилади, артикулятор ҳаракатлар сифатида ёмонлашади.

Бу мотор етишмовчилик фонематик эшитувни шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу бузилишлар фонематик идрокни ташкил этувчи ақлий операцияларни ўргатиш жараёнида ўзлаштирилишига қаршилиқ кўрсатади. Бунга боғлиқ равишда фонематик анализни ақлий доирада амалга оширувчи (малака) фонематик малака ва кўникмалар, тассавурлар шаклланмайди. Шунингдек, эшитув ва нутқ ҳаракат аппарати ўртасидаги алоқани бузилиши сўзни товуш таркибини етарлича ўзлаштира олмасликка олиб келади, бу эса ўз навбатида ўқиш ва ёзишни эгаллаш жараёнида акс этади. Нутқ пайитида артикуляциянинг аниқлигини бузилиши, дизартриянинг энгил даражасига эга бўлган болаларни тушунарсиз нутқи аниқ эшитув идрокини шаклланишига имкон бермайди. Кўпинча болалар ўзларининг товушлар талаффузини назорат қила олмайдилар.

Кенестик назоратни ва эшитув дифференсациясининг бузилиши нутқнинг просодик ва фонематик томонларини турғун бузилишининг сабаби ҳисобланади.

Нонуткий товушларни фарқлай олмаслик эшитув диққатининг ривожланмаганлик ҳолатидан далолат беради. Болаларнинг анамнез маълумотларини ўрганиш қизиқарли кузатиш ҳисобланади. Деярли барча нонуткий товушларни фарқлашда муаммолари бор болаларнинг отолоринголог ҳулосасида аденоид ўсимталари ҳақидаги ташхизлар (II-даража) мавжуд. Болалар ўзларига яхши таниш, ҳаётда, машғулотларда кўп учрайдиган товушларни биринчи мартта қабул қилаётган ва ўзларига таниш бўлмаган товушларга қараганда яхши фарқлайдилар.

Кўпгина болаларни ритмик қобилиятларини идрок ва ритмик қаторларни такрорлашларини текширилганда, уларда иккаласида ҳам камчиликлар кузатилади. Эшитув диққатининг турғун эмаслиги туфайли баъзи топшириқлар икки ёки хатто учинчи уринишдан кейин бажарилди. Бунда мотор бузилишлар яққол кўринади. Баъзи болалар бу топшириқларни бажара олмайдилар, топшириқларни бажаришдан бош тортадилар. Бир хил товуш комплекслари ва товуш таркибига кўра яқин сўзларни фарқлаши текширилганда дизартрик болалар бир хил бўлмаган гуруҳларни акс эттиради. Камчилик ҳаммада кузатилади, аммо турли даражада ифодаланади. Хатоликлар билан бажарилган топшириқларни кўпчилик болалар мустақил тўғирлашади. Кўпинча болалар хатоларини сезишмайди. Товуш таркибига кўра яқин сўзларни фарқлаш ва ажратиш бўйича топшириқларни болалар қийинчилик билан бажарадилар. Бундай топшириқларда чапак чалиш талаб этилади. Агар логопед кўп сўзлар қаторидан бирор сўзни хато талаффуз қилса бола чапак чалади. (сим – шим, шоли - соли). Барча болалар бўғинлар ва фонемаларни фарқлашда қийинчиликларга учрайдилар, фақат бир неча бор уринишдан кейин (икки,уч,тўрт мартта) болалар бошқа унлилар қаторидан берилган унли товушни ажрата оладилар. Оппозицион ундошли бўғинларни: жарангли ва жарангсиз товушлар иштирок этган бўғинларни фарқлашда барча болаларда

Ўзига хос камчиликлар кузатилади. Қийинчиликлар фақатгина нозик акустико - артикулятор белгиларга кўра фарқланадиган товушларни фарқлашда эмас балки аниқ товушларда ҳам кузатилади. Баъзи дизартрик болаларда асосий қийинчилик бўғинлар занжирини такрорлашда аниқланади. Ўзига хос бузилишлар иккинчи бўғинни биринчисига мослашда, бўғинларни бўғинлар занжиридаги ўрнини алмаштиришда акс этади. Кўпгина олимлар фонетик, лексик-грамматик бузулишларни мувоффақиятли бартараф этиш, дисграфия ва дислексияни олдини олиш ишларида болаларни фонематик эшитувини шакллантиришни таклиф этадилар. Бундан ташқари яхши фонематик эшитув болаларга атрофдагилар нутқидаги просодик жиҳатларни фарқлашга ёрдам беради ва просодика қачиликларини мувоффақиятли бартараф этишга имкон беради.

3. Дизартрияда болалар нутқининг ўзига хослиги

Дизартрияда фалажлик белгилари артикуляцион ва умумий мускулларда кузатилиб, улар юз, тил-халқум ёки тил ости нервлари иннервациясининг бузилиши билан боғлиқ. (Г.В.Гуревец, С.И. Маевская).

Тил ости нерви фаолияти бузилганда тил учи фалажланган томонга осилиб қолиши тилнинг ўрта қисмида ҳаракатларни чегараланиши кузатилади. Тил учи ва тилнинг ўрта қисмини тишлар орқасига кўтаришда ўрта қисми фалажланган томонга тезда тушади, оқибатда ҳаво оқими ён томондан чиқиб кетади. Болаларнинг бир қисмида тил халқум нерви функцияси бузилган бўлади. Бундай ҳолатда бузилишнинг етакчи симптомлари фонацияни бузилиши, манқаланишни пайдо бўлиши, тил орқа товушларни йўқлиги ёки бузиб талаффуз қилиниши ҳисобланади.

Кўпинча мускуллар тонуси аниқланади. Маълумки, дизартрияда овоз бузилади. У хириллаган, босимли ёки аксинча, жуда секин, заиф бўлади. Шу тариқа дизартриядаги

тушунарсиз нутқ нафақат артикуляцион бузилишларга, балки нутқнинг бўёқдорлиги, уни оҳангини бузилишига боғлиқ. Дизартрияга ифодаланмаган нутқ интонацияни монотонлиги, талаффузни бурунли оттенкаси хосдир. Шу билан бирга енгил дизартрия фонетик-фонематик ривожланмаганлик, нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги, дудукланиш ва бошқа нутқий бузилишлар билан мураккаблашиши мумкин.

Л.В.Лопатина ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида дизартриянинг енгил шаклида болаларда мимик мускулларни чизиклилиги бузилади. Хусусан бурун ва лаб бурмаларининг текислиги, лабларнинг ассиметриклиги, қошларни кўтаришдаги қийинчиликлар, кўзни қисишдаги қийинчиликлар намоён бўлади.

Шу билан бирга дизартрик болаларга қуйидаги симптомлар хос: бир ҳаракатдан иккинчисига ўтишдаги қийинчиликлар, тил ва лаб ҳаракатларининг чегараланганлиги. Лаб ҳаракатлари тўлиқ бажарилмайди, лабни чўччайтиришда қийинчиликлар кузатилади. Тил машқларини бажаришда баъзан тил мускулларида заифлик, ҳаракатларни ноаниқлиги, тилни букишдаги қийинчиликлар, тилни кўтариш ва ушлаб туришдаги қийинчиликлар, тил учи тремори кузатилади, болаларнинг бир қисмида — топширикни такроран бажаришда ҳаракатлар темпини секинлашуви намоён бўлади.

Кўпчилик болаларда тез чарчаш, сўлак оқшининг юқорилиги, юз ва тил мускулларининг гиперкинезлари ҳамда баъзи ҳолларда тилнинг бир томонга оғиши (девиация) кузатилади.

Дизартриянинг енгил шаклида болаларда мимик ва артикуляция мускулларидаги ўзига хослик тил ости ва юз нервлари парезлари билан боғлиқлигидан далолат беради. Бу нуқсонлар кўпинча невропатолог томонидан аниқланмайди, у чуқур логопедик текширув ва коррекцион-логопедик иш жараёнида динамик кузатув орқали аниқланади.

Чукур неврологик текширувларда юз, тил-халқум ва тил ости нервларидаги патологиялар аниқланиб, улар болалардаги фонетик бузилишларнинг хилма-хиллигини ва хусусиятларини белгилайди. Демак, юз ва тил ости нервлари жароҳатланганда тил ва лаб мускуллари фаолиятининг бузилиши оқибатида товушлар артикуляциясини бузилиши кузатилади. Шунингдек, нутқ бузилишларининг характери артикуляция органларининг нерв мускуллари ҳолатига боғлиқ.

Дизартриянинг енгил шаклидаги фонетик ва просодик бузилишлар нутқ аппаратининг нафас, овоз ва артикуляция бўлимларидаги алоҳида мускулларнинг спастиклиги ёки фалажланганлиги асосида келиб чиқади.

Бу нуқсонларнинг ўзгарувчанлиги турли фонетик ва просодик бузилишларга сабаб бўлади. Улар қуйидагилардир:

- тил олди товушларини тишлараро бўғизли (р) товуш билан қўшиб талаффуз қилиш;

- сирғалувчи, шовқинли ва аффрикат товушларни ён (товуш) томондан талаффуз қилиш;

- шовқинли товушлар тил учини фалажланиши оқибатида тилнинг паст томонида сирғалувчи товушлардек шаклланади;

- сирғалувчи сигматизмлар: тилнинг спастиклиги, тилнинг семизлиги ва босимлилиги билан тушунтирилиши мумкин;

- жаранглатиш нуқсонлари: уларни қисман овоз бузилишлари, фонациянинг бузилиши ва бошқа фонетик бузилишлар сифатида кўриш мумкин.

Бу тоифа болаларда кўпол бўлмаган неврологик симптомлар енгил фалажлар, гиперкинезлар, артикуляция ва мимик мускулларнинг тонусини бузилиши сифатида намоён бўлади. Функционал дислалияда марказий нерв системасида бузилишлар кузатилмайди. Вегетатив нерв системасидаги бузилишлар кўп ҳолларда дизартрияда,

камдан-кам ҳолларда дислалияда учрайди. Нерв-психик функцияларнинг (диққат, хотира, тафаккур) бузилиши, рухий ривожланишнинг сустлашуви дизартриянинг энгил шаклига хос хусусиятлардир. Ҳозирги кунда дизартриянинг энгил шакли муаммоси, клиник, нейролингвистик, психологик-педагогик ва коррекцион-логопедик жиҳатлари кенг ўрганилмоқда. Дизартриянинг энгил шаклини мураккаб дислалиядан фарқлаш учун комплекс тиббий-педагогик тадқиқот зарур: тиббий-педагогик ҳужжатларни таҳлил қилиш, анамнестик маълумотларни ўрганиш.

Дислалик ва дизартрик болаларнинг нутқий ва нутқий бўлмаган симптомларини таққослаб, диагностик аҳамиятли фарқларни аниқлаш мумкин.

Демак, дизартрик болаларда товушлар талаффуздан ташқари овоз ва уни модуляциясининг бузилиши, нутқий нафаснинг заифлиги, просодик бузилишлар аниқланади. Шу билан бирга умумий моторика ва майда қўл моторикаси турли даражада бузилган бўлади.

Мотор қўполлик, ҳаракатлар координациясининг етишмовчилиги ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини шаклланишини ортда қолишига сабаб бўлиб хизмат қилади, майда қўл моторикасини шаклланмаганлиги графамотор кўникмаларни шаклланишидаги қийинчиликларга сабаб бўлади.

Дизартриянинг энгил шаклида нутқий нуқсонлар муаммосига бағишланган тадқиқотларда товушлар талаффузи ва просодикасининг бузилиши турғун ва кўп ҳолларда коррекцияланмаслиги аниқланган. Бу болаларни ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, уларни мактабгача ёшда уни нерв-психик ривожланишига кейинчалик мактабга мослаша олмаслигига таъсир кўрсатади. Бу бузилиш нутқининг бошқа томонларини ривожланиши ва шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, уни самарадорлигини пасайтиради. Товушлар талаффузи, фонематик ва грамматик умумлаштиришни шаклланиши, луғатни шаклла-

ниши, боғланган нутқ ўртасидаги ўзаро алоқа аниқланган. О.Ю.Федосава ишида дислалия ва дизартриянинг энгил шакли карама-қарши қўйилади. Мураккаб функционал дислалияда қуйидагилар кузатилади:

- фақат ундош товушларни артикуляцияси бузилади;
- алоҳида товушларни турли шароитларда талаффуз қилишда тўғри артикуляциянинг бузилиши;
- шаклланган товушларни мустаҳкамлашда қийинчилик туғдирмайди;
- нутқни темпо-ритмик ташкил этишда бузилишлар кузатилмайди;
- нафас ўзгаришлари бир хил эмас;
- фонацион бузилишлар кузатилмайди;
- нафас, овоз хосил бўлиши ва артикуляция дискоординацияси бўлмайди.

Энгил псевдобульбар дизартрияда эса қуйидагилар кузатилади:

- унли товушларни энгил бурун оттенкаси билан ноаниқ талаффузи;
- алоҳида товушлар сақланган бўлиши мумкин, аммо нутқда улар бузилиб, ноаниқ талаффуз қилинади;
- автоматлаштириш жараёни қийин кечади: қўйилган товуш нутқда қўлланмаслиги мумкин;
- нафас юзаки, нутқ нафас нафас олишда кузатилади, фонацион нафас чиқариш қисқа;
- кўрсатилган жараёнлар координацияси бузилган.

Дизартриянинг энгил шаклидаги бузилишлар механизми ва табиатини тушуниш ва тушунтириш учун А.Р. Лурия, П.К. Аноинларнинг нутқ механизмлари ҳақидаги назарияларига эътибор қаратиш лозим.

Нутқ механизмлари тўлалигича, мия фаолиятини иерархик ташкил этилиши билан боғлиқ бўлиб, ўз ичига бир қанча бўғинларни қамраб олади ва уларнинг ҳар бири нутқ фаолиятига ўзининг махсус хиссасини қўшади. Нутқнинг функционал тизимининг биринчи бўғини ахборот-

ларни қабул қилувчи эшитув, кўрув, сезги рецепторларидир. Бошланғич рецептив бўгин тизимига кинестетик сезгилар ҳам кириб, у артикуляция органлар ва бутун тана ҳолати ҳақида сигнал беради.

Иккинчи бўгин – бу мураккаб қобик тизими, у келган ахборотларни сақлаш қайта ишлашни амалга оширади, жавоб ҳаракатлари ва мавжуд семантик фикрларни ёйик нутқий ифодалашга айлантириш дастурини ишлаб чиқади.

Учинчи бўгин – нутқий функционал тизими бўлиб, нутқий маълумотларни етказишни амалга оширади. Учинчи функционал нутқий тизим бўгинини бузилишида нутқий мускуллар иннервацияси шунингдек нутқнинг ҳаркат механизми бевосита бузилади.

Е.Ф. Собатович ва А.Ф. Чернопольская дизартриянинг енгил шаклига эга бўлган болаларни 4 гуруҳга ажратади.

1-гуруҳ. Бу болалар артикуляцион аппаратининг баъзи мотор функциялари етишмовчилигига эга. Бунда тил мускулларининг баъзиларини фалажланганлиги, заифлиги кузатилади. Тил иннервациясининг ассиметриклиги, тилнинг бир томонидаги ҳаракатларининг заифлиги сирғалувчи (з), (с) товушларини, аффрикат (ц), тил олди (т), (д), тил орқа (г), (к) товушларини бузилишига, унли (э), (и) товушларини ёнли талаффуз қилинишига сабаб бўлади.

Тилнинг олд қисмини ассиметрик иннервацияси барча сирғалувчи (с,з), шовқинли (ш,ж) ва (р), (д), (т), (н) товушларини ён талаффуз қилинишига олиб келади, бошқа ҳолларда бу товушларни ён ва тиш аро талаффуз қилинишига сабаб бўлади. Бу бузилишларнинг сабаби Е.Ф.Собатович фикрича, тил ости (XII) ва юз (VII) жуфт нервларининг бир томонлама фалажланганлиги бўлиб, у унинг клиник белгилари яққол ифодаланмаган характерга эга. Бу болаларнинг каттагина қисмида, товушларни бузиб талаффуз қилиш билан боғлиқ фонематик ривожланмаганлик кузатилади, хусусан фонематик таҳлил ва

фонематик тасаввур кўникмаларининг ривожланмаганлиги билан боғлиқ.

Кўпчилик болаларда нутқнинг лексик грамматик қурилишини ривожланиш даражаси ёшига мослиги кузатилади.

II-гурух. Бу гуруҳ болаларда умумий ва артикуляцион ҳаракатларда патологик хусусиятлар аниқланмаган. Нутқ жараёнида артикуляциянинг бўшлиғи, дикциянинг ноаниқлиги, нутқнинг умумий бузилиши кузатилади. Бу гуруҳ болалар учун мускуллар босими талаб қилувчи товушларни талаффуз қилишда қийинчилик туғдиради (сонорлар, аффрикатлар, ундошлар, айникса портловчи ундошлар). Демак, (р), (л) товушларини болалар кўпинча тушириб қолдиради, алмаштиради ёки бузиб талаффуз қилади. Тил учини титрашини қийинлиги оқибатида титроқли ротатизм кузатилади.

Артикуляцион моторикани бузилиши асосан динамик нутқ ҳаракат жараёнларида кузатилади. Болаларнинг умумий нутқий ривожланиши кўпинча ёшига мос келади. Неврологик симптоматика бурун - лаб бурмаларини ёйилганлигида пайдо бўлади, хусусан патологик рефлекслар, тил девиацияси, ҳаракатлар ассимметрияси ва мускуллар тонусининг ортиши улар учун хосдир.

Е.Ф.Собатович ва А.Ф.Чернопольская фикрларича биринчи ва иккинчи гуруҳ болаларида псевдобульбар дизартрия енгил шакли мавжуд.

3-гуруҳ. Болаларда зарур барча тил ва лабнинг артикуляцион ҳаракатлари мавжуд, аммо лабни зарур ҳолатини топишида, айникса тилни кўрсатма, таклид, пассив аралашув асосида маълум ҳолатни топишида қийинчиликлар кузатилади, шунингдек ихтиёрий ҳаракатларни бажаришда ва нозик дифференциал ҳаракатларни эгаллаш қийнлашади. Бу болаларда талаффуз хусусиятлари шундан иборатки товушлар нафақат ҳосил бўлиш ўрнига кўра, балки ҳосил бўлиш усулига кўра ҳам алмаштирилиб, у доимий характерга эга эмас. Нутқнинг

лексик-грамматик қурилишининг ривожланиш даражаси нормадан яққол ифодаланган нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигигача тебраниб туради. Неврологик симптоматика пайлар рефлексларини бир томонлама ортишида юқори ёки паст тонусни бир ёки икки томонлама ортишида пайдо бўлади. Артикулятор ҳаракатларнинг бузилиш характери олимлар томонидан артиклятор диспраксияларни пайдо бўлиши сифатида қаралади.

4-гурух. Бу гуруҳни пайдо бўлиши хилма-хил бўлган умумий мотор етишмовчилиги яққол ифодаланган болалар ташкил этади. Болаларда кам ҳаракатлилик, ҳаракатларни сустлиги, чегараланганлиги, эркин эмаслиги кузатилади. Бошқа ҳолатларда гиперактивлик, ҳавотир, жуда кўп ортиқча ҳаракатлар пайдо бўлади. Бу хусусиятлар артикулятор органлар ҳаракатларида намоён бўлади: заифлик, ҳаракатларнинг эркин эмаслиги, гиперкинезлар, пастки жағ ҳаракатларини бажаришда юз мускулларида синкенезиялар, айтилган ҳолатни ушлаб туриш имконсизлиги кузатилади. Товушлар талаффузида товушларни бузилиши, тушириб қолдирилиши, алмаштирилиши кузатилади. Бу гуруҳ болаларида неврологик текширув ўтказилганда марказий нерв системасининг органик жароҳатланиши белгилари аниқланган (тил, девиацияси, бурун-лаб бурмаларининг текислиги, ютиш, рефлексларинининг пастлиги ва бошқалар). Фонематик таҳлил, фонематик тасаввурларнинг шунингдек нутқнинг лексик-грамматик қурилишининг ривожланиш даражали нормадан нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигигача ўзгаради. Бу шаклдаги бузилишлар енгил аралаш дизартрия сифатида белгиланади. Л.В.Лопатина (1986) тадқиқотларида дизартриянинг енгил даражасига эга 3 гуруҳ болалар акс эттирилган.

Гуруҳларни фарқлаш мезонлари учун нутқнинг талаффуз ва унинг сифати хизмат қилади: товушлар талаффузи, нутқнинг просодик томонининг ҳолати; шунингдек тил воситаларининг шаклланганлик даражаси: лексика,

грамматик курилиш, фонематик эшитув. Умумий ва артикулятор моторика баҳоланади. Барча гуруҳ болалари учун товушлар талаффузининг турғун бузилиши хос ҳисобланади: бузилиш, алмаштириш, қориштириш, нутқга киритилган товушларни автоматлаштиришнинг қийинлиги. Бу гуруҳдаги барча болаларга просодиканинг бузилиши хосдир: овоз ва нутқий нафаснинг заифлиги, интонациянинг камбағаллиги, нутқнинг монотонлиги, умумий ва майда моториканинг баъзи томонларини бузилиши.

Биринчи гуруҳ. Товушлар талаффузидаги камчиликлар кўп товушларни бузилишида ва товушларни йўқлигида намоён бўлади. Фонематик эшитув тўлиқ шаклланган: болалар товушларни эшитувга кўра ва талаффузига кўра фарқлаш топшириғини тўғри бажаришади. Турли бўғин тузилишига кўра мураккаб сўзлар бузилмайди. Фаол ва пассив луғат кенглиги ва сифати ёш меъёрига мос келади, болалар сўз ясаш ва сўз ўзгартириш кўникмаларини муваффақиятли эгаллайди. Болаларда боғланган монологик нутқ биринчи гуруҳ болаларда ёш меъёрларига мос келади. Бу гуруҳ болалар нутқида тизимли ва морфемали аграмматизмлар бўлмайди. Агар енгил дизартрияли I-гуруҳ болаларини психологик-педагогик таснифи чегарасида (Р.Е.Левина) кўриб чиқилса, унда уларни фонематик ривожланмаган болалар гуруҳига киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ. Экспрессив нутқ қониқарли баҳоланади. Товушлар талаффузида кўпгина бузилишлар, алмаштиришлар билан характерланади. У ёки бу даражада фонематик эшитув бузилган. Болаларда товушларни эшитувга ва талаффузига кўра фарқлаш етарлича шаклланмаган. Уларни товушлар таҳлилига ўргатишда қийинчиликлар юз беради. Мураккаб бўғинли сўзларни ифодалашда бўғинларда ўрин алмаштириш ва бошқа хатоликлар кузатилади. Фаол ва пассив луғат ёш меъёрларидан орқада қолади. Нутқни грамматик жиҳозлашда хатоликлар учрайди. (морфемали аграмматизмлар). Асосий қийинчиликлар

отларни сон билан мослаштиришда, сўз ясашда кўшимчаларни қўллашда пайдо бўлади. Боғланган монологик нутқ икки сўзли, кенг тарқалмаган гапларни қўлланилиши билан характерланади. Р.Е. Левинанинг психологик-педагогик классификацияси бўйича бу дизартриянинг энгил даражасига эга бўлган болалар фонетик-фонематик нутқи ривожланмаган болалар гуруҳига киритилади. (ФФН).

Учинчи гуруҳ. Бу гуруҳ болаларининг экспрессив нутқи, коникарсиз шаклланган. Импрессив аграмматизмлар, шунингдек мураккаб мантикий-грамматик қурилишли гапларни тушунишда қийинчиликлар кузатилади.

Товушлар талаффузининг бузилиши полиморф характерда бўлиб, турли фонетик гуруҳга тегишли товушлар бузилади. Кўп товушларнинг бузилиши, алмаштирилиши, нутқда йўқлиги кузатилади. Фонематик эшитувни бузилиши товушлар таҳлилини ўзлаштиришга тўсқинлик қиладиган товушларни эшитувига ва талаффузига кўра фарқлашни етарлича шаклланмаганлигида намоён бўлади. Сўзларнинг бўгин таркибини бузилиши яққол ифодаланади. Фаол ва пассив лугат ёш меъёрларидан орқада қолади, лекин грамматик қурилишидаги камчиликлар кўп ва турғун характерда бўлади.

Дизартриянинг энгил даражасига эга бўлган болаларда боғланган нутқ бўлмайди. Р.Е.Левина классификациясига кўра бу гуруҳ болалари нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар гуруҳига киритилади (НТР).

Дизартриянинг энгил даражасига эга бўлган болаларни Л.В.Лопатина тадқиқотларида 3 гуруҳга ажратилиши уларни тил воситаларини шаклланишига кўра Р.Е.Левина томонидан ажратилган гуруҳларга мослаштириш мумкин:

ФНР – фонетик нутқнинг ривожланмаганлиги;

ФФН – фонетико-фонематик нутқнинг ривожланмаганлиги;

НТР – нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги.

В.А. Киселёвнинг тадқиқоти болаларни мактабда ўзлаштира олмаслик сабабларини таҳлил қилишга бағишланган. Муаллиф дисграфик ва дислексик болаларни ўргана туриб, уларнинг кўпчилигида кўпол бўлмаган товушлар талаффузи ва фонематик эшитув камчиликларини аниқлади.

Невропатолог ва нейропсихолог билан ҳамкорликдаги текширув уларда енгил дизартрия мавжудлигини тасдиқлади. Дизартриянинг енгил шакли бирламчи нуксон сифатида фонематик эшитув, анализ, синтез етишмовчилигига олиб келиб, у ўқиш ва ёзишда ўзига хос хатоликлар келтириб чиқаради.

Р.Е.Левинанинг кўрсатишича нутқ органларининг ҳаракат ва морфологик жароҳатланишидаги нутқий кинестезияларининг бузилиши шу тил тизимидаги барча товушларни эшитиб идрок этишига таъсир кўрсатади. Бу дизартриянинг енгил даражасига эга бўлган болаларда фонематик идрокни яхши ривожланмаслигига олиб келади. Тушунарсиз, ноаниқ нутқ бу болаларда аниқ эшитув идроки ва назоратини шаклланиши учун имкон бермайди. Бу товушлар талаффузидаги камчиликларни янада чуқурлаштиради, нотўғри талаффуз ва атрофдагилар талаффузини фарқлай олмаслик, ўзининг артикуляциясини маълум акустик ҳолатга “мослаштириш” жараёнини тўхтатди.

В.А.Киселёва мактабгача ёшда дизартриянинг енгил шаклини коррекциялаш ва ташхис қилиш муаммосини болаларда ёзма нутқ бузилишларини олдини олиш ва мактабда ўзлаштира олмасликдан огоҳлантириш мақсадида ёритади.

III.6.6. ДИЗАРТРИЯДА ЛОГОПЕДИК ТЕКШИРИШ

1. Нуқсонни характерловчи симптомларни аниқлаш

Дизартриянинг энгил шакли кўп ҳамда 5 ёшдан кейин ташхис қилинади. Белгилари дизартриянинг энгил шаклига мос келадиган барча болалар невропотолог хузурига маслаҳатга ёки ташхисни тасдиқлаш ва адекват даволашни белгилаши учун жўнатилади, шунингдек, дизартриянинг энгил шаклида коррекцион иш методикаси комплекс равишда олиб борилиши ва ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

- тиббий таъсир;
- психологик-педагогик ёрдам;
- логопедик иш.

Дизартриянинг энгил шаклини эрта аниқлаш ва комплекс таъсирни тўғри ташкил этиш учун бу нуқсонни характерловчи симптомларни яхши билиш керак.

Болани текшириш онаси билан суҳбатлашиш ва полик-линикадаги бола ривожланиши ҳақидаги картани ўрганишдан бошланади. Анамнестик маълумотларнинг кўрсатишича уларда: хомиладорлик давридаги ривожланишдаги четга чиқишлар (токсикозлар, гипертония, нефропатия ва бошқалар), асфиксия; туғруқнинг тез ёки секин кечиши кузатилган.

Онанинг гапларига қараганда “бола шу заҳоти йиғламаган, болани эмизишга бошқаларга қараганда кеч олиб келишган” бир ёшгача уларнинг кўпчилиги невропотологга кўринишга, уларга медикоментоз даволаниш ва массаж буюрилган. дир ёшгача ташхисда ПЭП (перенатал энцефалопатия) турган.

Бир ёшдан кейин барча болаларда ривожланиш яхши кечган, уларга энди невропотолог назорати керак бўлмаган ва бола соғлом ҳисобланган.

5-6 ёшли дизартрик болаларни поликлиникада логопед текширганда куйидаги симптомлар аниқланади:

Умумий моторика. Дизартриянинг энгил шаклига эга бўлган болаларда мотор жиҳатдан ҳаракатлари чегараланган функционал босимларда мускуллар тез чарчайди. Бир оёқда тура олмайди, бир оёқда сакрай олмайди, “Кўприкдан” ўта олмайди ва ҳоказо. Ҳаракатларга ёмон тақлид қилади: аскарни юриши, қуш қандай учади, нонни қандай кесади ва ҳоказо. Мотор етишмовчилик айниқса жисмоний тарбия ва мусиқа машғулотларида яққол кўринади, болалар ҳаракат темпи, ритмидан орқада қолади, шунингдек бир ҳаракатдан иккинчисига ўтишда ҳам.

Майда қўл моторикаси. Дизартриянинг энгил шаклига эга болалар кеч ва қийинчилик билан ўз-ўзига хизмат кўникмаларини эгаллайди: улар тугмачаларини қадай олмайди, шарфларини боғлай олмайди ва ҳоказо. Расм машғулотларида қаламни ёмон ушлайди, қўллар босим остида бўлади. Кўпчилиги расм чизишни ёмон кўради. Қўлнинг мотор кўполлиги айниқса аппликация ва пластелин билан ишлаш машғулотларида яққол кўринади. Аппликация ишида яна элементларни фазовий жойлаштиришдаги қийинчиликлар ҳам кузатилади. Қўлларнинг нозик дифференциал ҳаракатларини бузилиши бармоқ гимнастикаларини бажаришларида аниқланади. Болалар ташқи ёрдамсиз тақлид асосида ҳаракатларни бажаришга қийналади ёки бажара олмайди; масалан: “қулф” – бармоқларни бир-бирини орасига киритиб кафтларни бирлаштириш; “узуқлар” – бош бармоқ билан кўрсаткич, ўрта, номсиз ва жимжималоқни навбат билан бирлаштириш ва бошқа бармоқ гимнастикаси машқлари.

Куриш-яшаш машғулотларида болалар катта қийинчиликларни ҳис этишади ва улар энг содда ҳаракатларни ҳам

бажара олмайди. Шунингдек бунда талаб этиладиган нозик қўл ҳаракатларини ва фазода мўлжал олишни болалар бажара олмайди. Оналарининг гапларига қараганда кўпчилик болалар 5-6 ёшгача куриш-яшаш ўйинларига қизиқмайди, майда ўйинчоқлар билан ўйнашни билмайди, уларни қисмларини бирлаштира олмайди.

Мактаб ёшидаги болаларда 1-синфда грамматик кўникмаларни эгаллашда қийинчиликлар кузатилади (баъзиларида ойнаванд ёзув “д-б” ҳарфларини алмаштириш, унли, сўз кўшимчаларини алмаштириш; хунук ёзув, ёзув темпининг секинлиги ва бошқалар).

Артикуляцион аппарат хусусиятлари. Дизартриянинг энгил шаклига эга бўлган болалар артикуляцион аппаратида паталогик хусусиятлар аниқланади.

Артикуляция органлари мускулларининг фалажланганлиги куйидагиларда кўринади: юз гипопленлик, юз мускуллари пайпасланганда бўш; кўпчилик болалар оғзини ёпик ҳолатда ушлаб туролмайди, шунингдек пастки жағ чайнов мускулларининг бўшлигига кўра кўтарилган ҳолатда тура олмайди; лаблар бўш, четлари осилган; нутқ пайтида лаблар бўшлигича қолади ва лабланган товушларни талаффузи бузилган, бу нутқнинг просодик томонини бузади. Тил фалажлик симптомларида тил ингичка, оғиз бўшлигидан чиқиб туради, бўш, тил учи пассив. Функционал босимларда (артикуляцион машқларда) мускуллар заифлиги ортади.

Артикуляцион органлар спастиклиги куйидагиларда кўринади: юз амимик ҳолатда, юз мускуллари пайпасланганда қаттиқ, таранг. Бундай болаларнинг лаблари ҳар доим ярим кулгу ҳолатида бўлади: юкори лаб милкка томон тортилган. Нутқ пайтида лаблар товушлар артикуляциясида иштирок этмайди. Бундай симптомлар кузатиладиган кўпчилик болалар “найча” артикуляцион машини бажара олмайди, шунингдек лабларини олдинга чўза олмайди ва бошқалар. Тил спастик симптомда кўпинча шакли ўзгаради: семиз, тил учи билинмайди, кам ҳаракат.

Гипперкинезлар. Дизартриянинг энгил шаклида гипперкинезлар қалтираш, тил ва ун пайчалари треморида пайдо бўлади. Тил тремори функционал текширувлар ва босимда пайдо бўлади. Масалан, тилни пастки лаб устига кенг ёйган ҳолда 5 дан 10 гача саноқ остида тинч ҳолатда ушлаб тура олмайди, бунда титраш ва энгил цианоз (тил учини кўкриши) пайдо бўлади, баъзи ҳолларда тил жуда нотинч бўлади. Бундай ҳолатда бола тилини оғиз бўшлиғидан ташқарида ушлаб тура олмайди.

Тил гипперкинезлари кўп ҳолатда артикуляцион аппарат мускуллари тонусининг ортиши билан мос тушади.

Апраксия. Дизартриянинг энгил шаклида апраксия қўл ва артикуляция органлари билан қандайдир ихтиёрий ҳаракатларни бажара олмаслигида аниқланади. Артикуляцион аппаратдаги апраксия маълум бир ҳаракатдан иккинчисига ўта олмасликда аниқланади. Бола бир ҳаракатдан иккинчисига ўтишда аниқ ўта олмаслигида кинетик апраксияни кузатиш мумкин.

Бошқа болаларда кинестетик апраксия кузатилиб, бола тартибсиз ҳаракатлар бажарганда, зарур артикуляцион ҳолатни “аниқлаш”да кузатилади.

Девияция тилни ўрта чизикдан чиқиши артикуляцион текширувда функционал босимларда аниқланади.

Тилнинг девияцияси лабнинг ассимметрияси билан бирга келиб, кулганда бурун таҳламлари текисланади.

Гиперсаливация (сўлак ажралишининг юқорилиги) фақат нутқ пайтида аниқланади. Болалар сўлакларини эплай олмайди, уларни юта олмайди, бунда нутқнинг талаффуз томони ва просодика бузилади. Дизартриянинг энгил шаклига эга бўлган болаларни артикуляцион аппарати мотор функциясини текширишда барча артикуляцион текшириш ҳаракатларни бажаради. Масалан – лунжларга пуфлаш, тилни силкитмоқ, кулиш, лабларни чўзиш ва бошқалар. Бу ҳаракатларни бажаришда қуйидаги сифатларни кузатиш мумкин: артикуляцияни ноаниқлиги, заифлиги, мускул-

ларни босимини заифлиги, аритмиклик, ҳаракатлар амплитудасининг пастлиги, маълум ҳолатни ушлаб туришнинг қисқа вақтлилиги, ҳаракатлар кенглигини пастлиги, мускулларни тез чарчаши ва хоказо. Шунингдек, функционал босимларда артикляцион ҳаракатлар сифати кескин тушиб кетади. Бу нутқ вақтида товушларни бузилиши, алмаштирилиши ва нутқнинг просодик томонини тўлиқлигича бузилишга олиб келади.

Товушлар талаффузи. Бола билан биринчи танишганда ундаги товушлар талаффузи мураккаб дислалия ёки оддий дислалия сифатида баҳоланади. Товушлар талаффузи текширилганда: товушларни алмаштирилиши, бузилиши, қориштирилиши ва товушларни йўқлиги, шунингдек дислалиядагидек камчиликлар кузатилади. Аммо дислалиядан фарқли дизартриянинг энгил шаклида нутқ просодик томондан ҳам бузилган бўлади. Товушлар талаффузи ва просодиканинг бузилганлиги нутқнинг аниқлигига, тушунарлилигига ва ифодалилигига таъсир қилади. Баъзи болалар поликлиникага логопед билан машғулотлардан кейин мурожаат қилишади. Ота-оналар нима учун логопед томонидан қўйилган товушлар нутқда қўлланмайди деб савол беришади. Текширув жараёнида кўпчилик болалар товушларни алмаштирадиган, тушириб қолдирадиган, бузиб талаффуз қиладиган болалар уларни алоҳида тўғри талаффуз қилиши мумкин. Шунингдек дизартриянинг энгил шаклида ҳам товушлар дислалиядаги каби усулар билан нутқга киритилади, аммо у узоқ вақт автоматлашмайди ва нутқда қўлланилмайди. Энг кўп тарқалган товушлар талаффузидаги нуқсон сирғалувчилар ва шовқинлилар талаффузидаги нуқсонлар ҳисобланади. Дизартриянинг энгил шаклида болалар нафақат артикуляцион ўхшаш товушларни балки акустик карама-қарши қўйилган товушларни ҳам алмаштиради, бузиб талаффуз қилади.

Кўп ҳолларда тиш аро, ён сигматизмлар кузатилади. Болалар мураккаб бўгин таркибига эга сўзларни талаффуз

қилишда қийинчиликларга учрайди, ундошларни бирлаштиришда баъзи товушларни тушириб қолдиради.

Просодика. Дизартриянинг энгил шаклида болалар нутқини интонацион – бўёқдорлиги кескин пасайган. Овоз, овоз модуляцияси, баландлиги ва кучи нутқий нафас бузилади. Нутқ тембри бузилади ва баъзан бурунли оттенка пайдо бўлади. Шеър айтишда бола нутқи монотон бўлиб, аста-секин тушунарсиз бўлади, овоз сўнади. Нутқ пайтида болалар овози секин, баландлиги ва кучига кўра модуляцияга эга бўла олмайди (бола тақлид асосида овоз баландлигини жониворлар овозига тақлид қилиб ўзгартира олмайди: сигир, кучук ва бошқалар).

Баъзи болаларнинг нутқий нафаси қисқа, улар нафас олишда гапиради. Бундай ҳолатда нутқ энтикишли бўлади. Кўп ҳолларда болалар нутқини текширишда (ўз-ўзини назорат қилиши яхши бўлганда) товушлар талаффузида камчиликлар аниқланмайди, шунингдек, улар сўзни бўғинлаб талаффуз қилади, биринчи ўринга эса фақат просодикани бузилиши чиқади.

Дизартриянинг энгил шаклида болаларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ. Товушлар талаффузи ва просодикани бузилишига эга болалар. Бу гуруҳ болалари жуда дислалик болаларга ўхшайди. Кўпинча логопедлар уларни дислаликлардек қабул қилади ва фақат логопедик иш жараёнида товушларни автоматлаштиришдаги ижобий динамикани йўқлигида, бу дизартриянинг энгил шакли бўлса керак деган шубҳа туғилади.

Кўпинча буларнинг барчаси чуқур текширув ва невропатолог маслаҳатидан кейин тасдиқланади. Бу болалар яхши нутқи ривожланган даражага эга бўлади, аммо улардан кўпчилиги қўшимчаларни фарқлаш ва қўллашни ўзлаштиришда қийинчиликларга учрайди. Болалар мураккаб қўшимчаларни алмаштиради, турли хил қўшимчаларни фарқлаш ва отлар билан қўллашда қийинчиликларга

учрайди. Шу билан бирга боғланган нутқга ва бой луғат заҳирасига эга, аммо мураккаб бўғинли сўзларни талаффуз қилишда қийинчиликларга учрайди (масалан, сандикча, котиба, тугмача, қорбобо ва бошқалар). Бундан ташқари кўпчилик болалар фазода мўлжал олишда қийналишади. (тана аъзоси тузилиши юқорида-пастда тушунчалари).

Иккинчи гуруҳ. Бу болаларда нутқнинг товушлар талаффузи ва просодик томони бузилган бўлиб, уларда фонематик эшитув жараёни ҳам яхши шаклланмаган бўлади. Бундай ҳолатларда болалар нутқда лексик-грамматик хатоликлар учрайди. Болалар сўз ва бўғинларни эшитув орқали идрок этиб такрорлашдаги махсус топшириқларда хатоликларга йўл қўяди, масалан, таклифга кўра зарур расмларни кўрсатади. (тор – тол, сим – шим).

Шунингдек, болаларда товушларни талаффузига ва эшитишига кўра фарқлашни шаклланмаганлиги кузатилади. Болалар луғати ёш меъёридан орқада қолади. Кўпчилик болалар сўз ясашда, отларни сонга мослаштиришда ва бошқаларда хатоликларга йўл қўяди. Талаффуз нуқсонлари турғун ва мураккаб, полиморф бузилишлар сифатида баҳоланади. Бу гуруҳ фонетика фонематик ривожланмаган ва дизартриянинг енгил шаклида болалар поликлиника логопеди томонидан ТППК (тиббий педагогик-психологик комиссия)га ва махсус болалар боғчасига юборилади.

Учинчи гуруҳ. Бу полиморф товушлар талаффузи бузилишига эга ва нутқнинг просодик томонида камчиликларга эга фонематик эшитуви ривожланмаган болалар гуруҳидир. Текширув натижасида луғатнинг камбағаллиги, грамматик қурилишнинг бузилганлиги, гапиришда боғланишнинг йўқлиги, турли бўғин таркибига эга сўзларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар аниқланади.

Бу болаларнинг барчасида талаффуз ва эшитув дифференсациясининг йўқлиги кузатилади. Нутқда қўшимчалардан фойдаланмаслик кузатилади. Дизартриянинг енгил шаклида болалар ТППК (тиббий педагогик-психологик

комиссия)га, нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар грухига юборилиши керак (махсус боғчалар гуруҳларига).

2. Артикуляцион ва мимик моторикалар ҳолатини текшириш

Дизартриянинг енгил шаклига эга бўлган болаларнинг артикуляцион ва мимик моторикалари ҳолатини баҳолаш учун Л.В.Лопатина, Г.В. Дедюхиналар таклиф этган усуллардан фойдаланилади. Артикуляция органларини фаолиятини текширишда қуйидаги таҳлиллар ўтказилади:

- мускуллар тонуси ҳолати (гипертонус, гипотонус, дистония);

- ихтиёрий ва ихтиёрсиз ҳаракатларни амалга ошириш имконияти (кинетик, кинестетик диспраксия, апраксия);

- артикуляцион ва мимик ҳаракатлар сифатида (аниқлиги, ритми, амплитудаси, мускулларнинг қисқариш кучи, артикуляцион ҳолатни ушлаб туриш вақти, тўғри бажарилган ҳаракатлар сони, бир ҳаракатдан иккинчисига ўтиш ҳолати ва бошқалар).

Артикуляцион ва мимик моторикани текшириш дастурига қуйидагилар киради:

- кинестетик орал (артикуляцион праксисни текшириш);

- кинетик орал праксисни текшириш;

- артикуляцион ҳаракатларнинг динамик координациясини текшириш;

- мимик мускулларни текшириш;

- тилнинг мускуллар тонуси ва патологик симптомларни текшириш.

Балли баҳолаш нафақат патологик симптомикани балки уни намоён бўлиш даражасини баҳолашга имкон беради.

Кинестетик орал праксисни текшириш

Текширувни ўтказилиши. Болага кўзгу билан ёки кўзгусиз у ёки бу сўзли кўрсатмаларни бажариш таклиф этилади.

1. Кўрсатма: “Логопед кетидан товушларни такрорла. Айтчи, талаффуз пайтида сени лабларинг қандай ҳолатда бўлади?”...

А - ?

И - ?

О - ?

У - ?

2. Кўрсатма: (т) ва (з) товушларини талаффуз қил ва айт, уларни талаффуз қилганда тил учи қаерда туради, пастдами, юқоридами?

3. Кўрсатма: (си – су), (ки – ку) бўгинларини талаффуз қил ва айт, уларни талаффуз қилганингда сени лабларинг ҳолати қандай ўзгарди?

4. Кўрсатма: Ойна олдида кетма-кет (и), (ш) товушларини талаффуз қил ва айт, қайси товуш талаффуз-зида тил учи пастга тушган, қайсисида юқорига кўтарилган бўлади.

Баҳолаш мезони:

4 балл – тўғри жавоб.

3 балл – ўз-ўзини тўғирлаш ёки йўналтирилувчи ёрдамидан кейин тўғри жавоб бериш.

2 балл – артикуляцияни излаш, битта хато билан жавоб бериш.

1-балл – ноаниқ жавоб, топшириқни нотўғри бажарилиши.

0-балл – жавобларни йўқлиги.

Кинетик орал праксисни текшириш

Текширувни ўтказилиши. Машқлар ойна олдида ўтириб бажарилади. Болага логопед кетидан у ёки бу машқни такрорлаш таклиф этилади. Барча топшириқларни бажарилиш кетма-кетлиги: “Тўсикча” – “Ойна” – “Кўприк” – “Елкан” – “Белкурак”- “Мазали мураббо” ва бошқалар.

Артикуляцион машқларни бажарилишини баҳолаш учун боладан зарур артикуляцион органлар ҳолатини 5-7 минут ушлаб туриш сўралади:

1.Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла:

- оғиз кенг очилган, тил учи юқори тишлар орқасига кўтарилган – “Елкан”машқи, бу ҳолатни 5-7 секунд ушлаб туриш.

2.Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла:

- тил “Белкурак” – кенг ёйилган, ҳаракатсиз пастки лаб устида ётади, оғиз ярим очик бу ҳолатни 5-7 секунд ушлаб туриш.

3.Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла:

- “Мазали мураббо” – оғиз очик, кенг ёйилган тил юқори лабни, кейин секин ҳаракатлар билан юқоридан пастга ҳаракат қилиб лабларни ялаб оғиз ичига киради. (5-7секунд).

4.Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла:

- “Кўприк” – оғиз очик, кенг ёйилган тил эгилиб оғиз бўшлиғида ётади. Тил учи пастки лаблар орқасига яширилади. (5-7секунд ушлаб турилади).

5.Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла:

-“Ойна” – оғиз очик, юқори ва пастки тишлар кўриниб туради (5-7 секунд ушлаш).

Баҳолаш мезони:

4 балл – барча кўрсатилган ҳолатларга мос аниқ ҳаракатларни тўғри бажарилиши;

3 балл – секин ва куч билан бажариш, тез чарчаш;

2 балл – артикуляцион ҳолатларни ушлаб туриш, 1-3 секунд вақт билан чегараланган;

1 балл – топшириқларни хатоликлар билан бажарилиши ҳолатни узоқ вақт изланиши, синкинезиялар, гипперкинезлар, гиперсаливация.

0 балл – ҳаракатларни бажармаслик.

Артикуляцион ҳаракатларнинг динамик координацияларини текшириш

Текширувни ўтказилиши. Машқлар ойна олдида ўтириб бажарилади. Болага логопед кетидан ҳаракатларни такрорлаш таклиф этилади. Боладан машқларни 4-5 марта бажариш сўралади.

1.Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла:

- “арғумчок” (тил учини аввал юқори лаблар устига кўтариш, кейин пастки лаблар устига тушириш.) Бу машқни 4-5 марта такрорлаш.

2.Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла:

- “соат” (тил учини оғиздан чиқариб аввал лабнинг ўнг бурчагига, кейин чап бурчагига ҳаракатлантириб теккизиш.) Бу ҳаракатларни 4-5 марта такрорлаш.

3.Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла:

- тил учини юқори лаб томон кўтариш, пастга тушириш, тил учини аввал ўнг лабнинг ўнг бурчагига, кейин чап бурчагига теккизиш. Бу ҳаракатларни 4-5 марта такрорлаш.

4.Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла:

- тилни олдинга чиқариб, бир вақтда тил учини юқорига кўтариш. Бу ҳаракатларни 4-5 марта такрорлаш.

5.Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла:

- ҳаракатларни пастки жағ билан бирга амалга ошириш, тилни чиқариб аввал ўнгга, кейин чапга ҳаракатлантириш. Бу ҳаракатларни 4-5 марта такрорлаш.

Баҳолаш:

- ҳаракатларни бажарилиш кетма-кетлиги;
- бир ҳаракатдан иккинчисига ўтиш имконияти;
- ҳаракатларнинг инертлиги, персервациялар;
- ҳаракатлар темпи;
- ҳаракатлар амплитудаси (ҳаракатлар кенглиги етарли, чегараланган)

- ҳаракатларни бажарилиш аниқлиги (аниқ бажариш, яқинлашиши, артикуляцияни излаш, бир ҳаракатни бошқаси билан алмаштирилиши);

- синкинезиялар, гиперкинезлар, сўлак оқиши.

Баҳолаш мезони:

4балл - ҳаракатлар аниқ, барча ҳаракатлар координациялашган;

3 балл – бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга ўтишни бажариш кучли босим билан ва секин кечади;

2 балл – тўғри бажарилган ҳаракатлар 2-3 та ҳаракат билан чегараланади;

1 балл – топшириқларни хатоликлар билан бажарилади, ҳолатни узоқ вақт излаш, бир ҳаракатни бошқаси билан алмаштирилиши, синкинезиялар, сўлак оқиши, гипперкинезлар.

0 балл – ҳаракатларни бажармаслик.

Мимик мускулларни текшириш

Текширувни ўтказилиши. Машқлар ойна олдида ўтказилади. Болага логопед кетидан ҳаракатларни такрорлаш таклиф этилади. Машқлар намунага кўра, кейин сўзли кўрсатма асосида берилади.

1. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- қошларни чимириш.

2. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- қошларни кўтариш.

3. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- пешонани тириштириш.

4. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- навбат билан лунжларни шишириш.

5. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- лунжларни чўзиш.

Баҳолаш мезони:

4 балл – топшириқни тўғри бажарилиши, мимик мускуллар тонусида бузилишларни ва бошқа патологик симптомларни йўқлиги;

3 балл –баъзи ҳаракатларни ноаниқ бажарилиши, мимик мускуллар тонусини сезиларсиз бузилиши.

2 балл – битта ҳаракат бузилиши, битта патологик симптом;

1 балл – топшириқларни бажарилишидаги қийинчиликлар, мимик мускуллар тонусининг бузилиши (гипертонус, гипотония, дистония) бурун-лаб бурмаларининг текислиги, синкинезиялар;

0 балл – мимик мускуллар тонусининг қўпол ифодаланган патологияси гипомимия.

Лабни ҳаракатчанлиги ва мускуллар тонусини текшириш

Текширувни ўтказилиши. Болага логопед кетидан ойна олдида ўтириб ҳаракатларни такорлаш таклиф этилади.

1. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- “Найча” (лаблар олдинга найча қилиб чўзилади, бу ҳолатни 5-7 секунд ушлаб туриш керак).

2. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- “Тўсиқча” – “Найча” макшқлари алмашилиб бажарилади (5 марта).

3. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- юқори лабни кўтариш, пастки лабни тушириш, ҳаракатни бир неча марта такрорлаш.

Баҳолаш мезони:

4 балл – топшириқни тўғри бажарилиши, тонуслар нормада, лаблар ҳаракатчан;

3 балл – ҳаракатларни ноаниқ бажарилиши, лаб мускулларини тонусини аҳамиятсиз бузилиши (гипертонус, гипотония, дистония).

2 балл – юқори лаб таранг, уни ҳаракатлари чегараланган;

1 балл – лаб мускуллари тонусининг яққол бузилиши оқибатида ҳаракатларни бажаришдаги қийинчиликлар, лаблар кам ҳаракатчан.

0 балл – топшириқларни бажарилмаслиги, кўпол ифодаланган патология.

Тилнинг мускуллар тонуси ва патологик симптомларини текшириш

Текширувни ўтказилиши. Болага ойна олдида логопед кетидан ҳаракатларни такрорлаш таклиф этилади.

1. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- “Белкурак” – тил кенг ёйилган, ҳаракатсиз пастки лаб устида ётади.

2. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- “Кўприк” – тил пастки лаблар орқасига олинади, тил кенг ёйилган, эгилган ва тинч ҳолатда оғиз бўшлиғида ётади.

3. Кўрсатма: Ойнага диққат билан қара ва логопед кетидан ҳаракатларни такрорла.

- “Соат” тил учи билан оғизнинг ўнг ва чап бурчагига танаффуссиз тегиш.

Баҳолаш мезони:

4 балл – топшириқни тўғри бажарилиши, тилнинг мушкуллар тонуси, патологик симптомларнинг йўқлиги;

3 балл – топшириқларни ноаниқ бажарилиши, тил тонусининг аҳамиятсиз бузилиши (гипертонус, гипотония, дистония).

2 балл – машқларни бажаришдаги қийинчиликлар, тил тонусининг бузилиши, сўлак оқиши, тил девиацияси.

1 балл – тил мушкуллари тонусининг қўпол бузилганлиги, яққол ифодаланган патологик симптоматика. (доимий сўлак оқиши, гиперкинезлар, тил учининг кўкариши, девиация).

0 балл – топшириқни бажарилмаслиги.

3.Товушлар талаффузини текшириш

Товушлар талаффузи ҳолатини текшириш Н.С.Жукова, Е.М.Мастюкова, Т.Б.Филичева, Г.В.Чиркина, Р.Е.Левиналар ишларида қайд этилган умум қабул қилинган логопедик методикалар орқали ўтказилади. Товушлар талаффузини ҳолатини ўрганишда бузилган товушлар сони, қандай фонетик гуруҳлар бузулганлиги, товушлар талаффузининг бузилишини (бузулганлиги, йўқлиги, алмаштириш, қориштириш) турли фонетик шароитлардаги характери аниқланади:

- алохида товушларни талаффуз қилишда;
- очиқ ва ёпиқ бўғинларни талаффуз қилишда;
- сўзларда (ўрганилаётган товуш сўз, бошида, охирида, ўртасида келган ҳолларда);
- ибораларда;
- мустақил нутқда;

Лексик материални танлашда қуйидаги талабларга амал қилинади:

- лексик материални берилган товуш билан бойитилганлиги;
- лексик материални турли-туманлиги;
- оппозицион товушлар (билан) эга сўзини киритиш;
- мураккаб (товуш) бўгин таркибигава товушлари кўп сўзларни киритиш.

Товушлар талаффузини текширишда лексик материални мустақил ва такрорлаб ифодалаш усуллари қўлланилади.

Болаларга предметли ва сюжетли расмлар бўгинлар, сўзлар, гаплар, тез айтишлар таклиф этилиб, улар таркибида ўрганилаётган товушлар иштирок этади.

Лексик материалга қўйилган асосий талаблардан бири товушлар талаффузини текширишда таклиф этилган сўзлар маъносини болалар учун тушунарли бўлишидир.

Текширишнинг қуйидаги тузилишини таклиф этамиз:

- товушларни алоҳида талаффуз қилиш;
- турли тузилишдаги бўгинларда ;
- товушлар турли ўринларда келган сўзларда (расм асосида мустақил ёки логопед кетидан такрорлаш);
- турли бўгин таркибига эга сўзларда (расм асосида мустақил ёки логопед кетидан такрорлаш);
- гапларда (расм асосида, саволларга кўра)

Товушларни алоҳида талаффуз қилиш имкониятини текшириш

Кўрсатма: Мени кетимдан товушларни такрорла

“С”-

“З”-

“Ш”-

“Ф”-

Эслатма: Биз таклиф этган юқоридаги товушлар қаторидан ташқари бошқа товушлар ҳам текширилади (к, т, д, ч, ж, х, ғ, л, р, м, н, п, б).

Баҳолаш мезони:

- 4-балл - барча товуш тўғри талаффуз қилинади;
- 3-балл - 1та товуш талаффузи бузилганда;
- 2-балл - 2-3 та товушлар талаффузи бузилган;
- 1-балл - 3 тадан кўп товушлар бузилади ва алмаштирилади;
- 0-балл - барча товушлар бузилади, алмаштирилади.

Турли бўғин таркибли қурилмаларда (сирғалувчи товушларни талаффуз қилиш имкониятини текшириш

Кўрсатма: Мени диққат билан эшит ва кетимдан такрорла”.

С-ундош товуш, Г-унли, С\$ - тўғри талаффуз этиладиган товуш, С\$ - текширилаётган товуш. Бизнинг мисолимизда С\$ - ўрнида (С, 3, Ш, В, Ф) товушлари бўлади:

- 1.С\$Г-С\$А-С\$О-С\$У-С\$Э.
- 2.ТС\$ - АС\$ - ОС\$ - УС\$ - ЭС\$,
- 3.С\$Г-С\$БА-С\$БО-С\$БУ - С\$БЭ

Ва бошқа тўғри талаффуз қилинадиган товушлар билан бириктириш.

- 4.СNC\$Г – BC\$A, BC\$O, BC\$Y, BC\$Э

Ва бошқа тўғри талаффуз қилинадиган товушлар билан бириктириш.

- 5.ГCNC – AB\$C, OB\$C, UB\$C-ЭBC\$

Ва бошқа товушлар бирикмалари

- 6.ГC\$C –AC\$B, OC\$B, OC\$B, UC\$B, ЭC\$B,
- 7.С\$ГC\$ – C\$AC\$, C\$OC, UC\$Y, ЭC\$Э.

Баҳолаш мезони:

4 балл - барча турдаги бўғинларда товушларнинг тўғри талаффузи;

3 балл - фақат ГC\$CN, TCNC\$ таркибли бўғинларда товушларнинг бузилиши;

2 балл - фақат TC\$NC, CNC\$T, TCNC\$, CTCNG таркибли бўғинлардаги бузилишлар;

1 балл - С\$Г, ГС\$ (очик ва ёпиқ бўгин) таркибидан ташқари барча турдаги бўгинларда товушларни алмаштиради бузиб талаффуз қилади;

0 балл - барча турдаги бўгинларда товушларни алмаштиради,бузиб талаффуз қилади.

Товушлар турли ўринда : сўз бошида, ўртасида, охирида келган сўзларда

Товушларни тўғри талаффуз қилиш имкониятини текшириш.

1.Кўрсатма: Кетимдан сўзларни такрорла

Сон сомон

Осмон осим

Нос носим

Занжир зира

Тоза ваза

Шоли тош

Вафо товуш

Фан туфли

Шафоф шароф

Бахолаш мезони:

4 балл - барча сирғалувчи товушлар барча сўзларда аниқ ва тўғри талаффуз қилинса;

3 балл - битта товуш талаффузи бузилса;

2 балл -2-3 та товушлар талаффузи бузилса;

1 балл - 3 тадан ортиқ товушлар бузилса ва алмаштирилса;

0 балл - барча сирғалувчи товушлар сўз таркибидаги ўрнига қарамасдан бузиб талаффуз қилинса ва алмаштирилса,

2.Кўрсатма: Мана бу расмларни номла (намуна берилмайди).

Коса-қошиқ-туфли.

Осмон-занжир-шам.

Сомон-зира-теша.

Сигир-тарвуз-тош

Сон-зирак-шашка.

Сабзи-зина-калиш.

Бахолаш мезони:

4 балл - барча сирғалувчи товушлар барча сўзларда тўғри талаффуз қилинади;

3 балл – 1 та товуш талаффузи бузилганда;

2 балл - 2-3 та товуш талаффузи бузилганда;

1-балл 3та дан ортик товуш бузилса ва алмаштирилса;

0-балл барча сирғалувчи товушлар сўз таркибидаги ўр-
нига қарамасдан бузиб талаффуз қилинса ва алмаштирилса.

3.Кўрсатма: Расм асосида гап туз.

Биз текшираётган товушлар предметлар номларида
мавжуд бўлган сюжетли расмлар таклиф этилади.(с, з, ш,
ф,)

Куён сабзи еяпти

Кучук занжирга бойланган

Қизча шар ўйнаяпти

Онам зирак сотиб олди

Болалар футбол ўйнаяпти.

Бахолаш мезони :

4 балл – барча сирғалувчи товушлар барча гапларда
тўғри талаффуз қилинса:

3 балл - битта товуш талаффузи бузилганда;

1 балл - 3 тадан ортик товуш бузилса ва алмаштирилса;

0 балл - барча сирғалувчи товушларни гапларда бузиб
талаффуз қилинса ва алмаштирилса;

4.Кўрсатма: Саволларга тўлиқ жавоб бер.

Саватда нима турибди? (Сабзи).

Бобо нима экибди? (Шолғом).

Кучук нимага боғланган? (Занжирга)

Циркда нима ўйнаяпти? (фил).

Она қизига нима совға қилди? (Зирак).

Ёмғирда ивиб кетмаслик учун нима тутиш керак?
(Соябон)

Баҳолаш мезонлари:

4 балл - барча сирғалувчи товуш барча гапларда тўғри талаффуз қилинганда;

3 балл - битта товуш талаффузи бузилганда;

2 балл - 2-3- та товуш талаффузи бузилганда;

1 балл - 3 тадан ортиқ товушлар бузилса ва ўрни алмаштирилса;

0 балл - гаплар таркибидаги барча сирғалувчи товушлар бузилса ва ўрни алмаштирилса.

Товушларни текшириш параметрлари

1.Алохида.

2.Очиқ бўғинда – СГ

3.Ёпиқ бўғинда – ГС

4 Ундошлар билан бирга келган бўғинларда CCNG, бунда С- текширилаётган товуш, Г-унли, CN-эса –тўғри талаффуз қилинадиган ундош (N).

5.Ундошлар билан бўғинларда бирга келиш CNCГ.

6.Ундошлар билан бўғинлар бирга келиш ГCNC.

7.CГC

8.ГCГ.

9.Сўзларда турли ўринларда келганда.

10. Турли бўғинлар таркибли сўзларда.

11. Гапларда.

4. Фонематик эшитувни шаклланганлик ҳолатини текшириш

Фонематк эшитувни текшириш учун таклиф этилган тизим ўз ичига болалар нутқига баҳо берувчи логопедик амалиёт учун анъанавий усуллари қамраб олган.Тизим тест характериға эға бўлиб, уни ўтказилиши ва тизимни балли баҳоланиши стандартлаштирилган бўлиб, у нуқсонни қай даражада эканлигини кўрсатиш ва фонематик эшитув бузилишини намоён бўлиш даражасини белгилашға имкон беради. Кейинчалик тизим болани фонематик эшитувини

ривожланиш динамикасини ва коррекцион таъсирнинг самарадорлигини кузатиш учун кулай.

Фонематик эшитув бузулишларни аниқ квалификациялаш мақсадида болада қандай операциялар кўпроқ шаклланмаганлигини аниқлаш зарур.

Натижаларнинг баллар йиғиндисини нуқсон ҳақида тўлиқ тассаввур ҳосил қилади ва айниқса унга йўналтирилган коррекцион ишлар стратегияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Бу тизим дизартриянинг енгил шаклига эга бўлган болаларни фонематик эшитувини текшириш учун мослаштирилган. У дизартриянинг енгил шаклига эга бўлган болаларни фонематик эшитув ва фонематик эшитувини шаклланиши шартларни текшириш учун қатор топшириқлардан ташкил топган. Нутқий товушларни эшитиб идрок этишини текширишдан олдин болани физиологик эшитувини текшириш натижалари билан танишиш керак.

Тизим қуйидаги топшириқларни ўз ичига олади:

1. Нонутқий товушларни таниш;
2. Товушнинг баландлиги, кучи, тембрини фарқлаш;
3. Товуш таркибига кўра яқин сўзларни фарқлаш;
4. Бўғинларни фарқлаш;
5. Фонемаларни фарқлаш;
6. Элементар товуш тахлили кўникмаларини аниқлаш.

Фонематик эшитувни текширишда гапириш зарур бўлмаган топшириқлар қўлланилади, товушлар талаффузидаги камчиликлар топшириқни бажарилиши сифатига таъсир этмаслиги зарур.

Нонутқий товушларни таниш

Мақсад: Болаларда нонутқий товушларни таниш малакасини ҳосил қилиш.

1.Кўрсатма: Дикқат билан эшит, нима овоз берганини айт ёки кўрсат! Болаларга эшитув орқали қайси асбобдан товуш келганлигини аниқлаш таклиф этилади: сурнайча, шикилдоқ,кўнғирок.

2.Кўрсатма: Дикқат билан эшит ва нима овоз берганини аниқла!

- автомашина сигнали;
- қўнғироқ овози;
- сувнинг қуйилиши;
- доирага уриш.

3.Кўрсатма: Айт ёки кўрсат!

- нима шовқин қияпти?
- нима сигнал беряпти?
- ким куляпти ?
- нима овоз чиқаряпти ?
- нима шитирлаяпти ?

Логопед текширув учун мусиқа асбоблари билан, турли хил қутичалар (металл, пласмассали,ёғочли,шишали) билан ўйнашни таклиф этади, бунда унга уриб турли товушларни эшитиш имкони яратилади, шунингдек болага таниш предметлар таклиф этилади (қалам, қайчи,суви бор пиёла,суви йўқ пиёла), буларни кўрув таянчисиз катта одам бу предметлар билан қандай функцияни бажараётганлигини эшитиб айтиб бериш таклиф этилади.

4.Кўрсатма: Мен ўйинчоқни яшираман, сен уни излайсан. Агар сен унга яқинлашсанг барабан қаттиқ чалинади, агар узоқлашсанг секин.

5.Кўрсатма: Мен қуёнчани яшираман сен қайси қуён барабан чалганини топасан. Катта қуён барабанни қаттиқ чалади, кичкинаси эса секин.

6.Кўрсатма: Ўйинчоқларга диққат билан қара ва қайси бири овоз чиқарганини эслаб қол. Ҳозир мен уларни яшираман, сен қайси ўйинчоқдан овоз келганини топасан.

Баҳолаш мезони:

- 4 балл - топшириқни тўғри бажарилиши;
- 3 балл - қўпол бўлмаган хатоликларга йўл қўяди;
- 2 балл - 0,5 дан топшириқни тўғри бажарганда;
- 1 балл - 0,5 дан қўп топшириқ нотўғри бажарилганда;
- 0 балл - топшириқни бажармаслик ёки бош тортиш.

Овоз баландлиги, кучли, тембрини фарқлаш.

Мақсад: Болаларда овоз тембри, кучли, баландлигини бир хил товуш материалари, сўз брикмалари ва иборалар асосида фарқлаш малакасини текшириш.

1.Кўрсатма: Орқанга ўгирил ва болалардан қайси бири сени чақирганини топ.

Болани исми билан – 4 мартта (ҳар хил одам) чақиради.

Қисқа [ау] товушларни - 4 мартта (ҳар гал ҳар хил одам) талаффуз қилади.

2.Кўрсатма: Диққат билан эшит, нима бундай овоз чиқаради, зарур расмни кўрсат.

- мушук – мушукча: мяу (баланд) – мяу (паст)

- чўчка – чўчкача: хрю (баланд) – хрю (паст)

- эчки - улоқча: мэ (баланд) –мэ (паст)

- сигир – бузоқ: мў (баланд) – мў (паст)

Логопед болаларга ҳайвонлар ва уларнинг болалари тасвирланган расмлар беради. Болалар товушларга тақлид характериға кўра ва овоз баландлиғига кўра топиши ва унга мос расмни кўрсатиши керак. Ҳар бир товушга тақлид гоҳ паст, гоҳ баландлиғига кўра топиш ва унга мос расмни кўрсатиши керак. Ҳар бир товушга тақлид гоҳ паст, гоҳ баланд овозда берилади.

3.Кўрсатма: Эшитчи мушукчалар қандай миёвлайди, оқ яқиндан қора узокдан. Логопед ширма орқасида товушга тақлид қилади.Айт кўрсат қайси мушукча яқин, қайсиси узок?

Мяу (баланд)- оқ

Мяу (паст) –қора

4.Кўрсатма: Эшит, ит ва кучук қандай хуради. (Логопед ширма орқасида ҳайвонлар овозига тақлид қилади.)

Кўрсат, айт нима хуради :

Вов-вов (паст) - ит ;

Вов-вов (баланд) - кучук.

5.Кўрсатма: Дикқат билан эшит, “Уч айик “ эрта-гидаги қайси айик гапиряпти логопед паст, ўрта, баланд овозда ибораларни айтади.

- Ким мени краватимда ухлади (паст) ;
- Ким менинг косамдан овқат еяпти (ўрта);
- Ким менинг стулимда ўтирди? (баланд).

Баҳолаш мезони:

4 балл - топширикни тўғри бажарилиши;

3 балл - қўпол бўлмаган хатоларга йўл қўйди;

2 балл - 0.5 топширикни тўғри бажарди;

1 балл - 0.5 дан кўп топширикни нотўғри бажарди ;

0 балл - топширикни нотўғри бажариш ёки бош тортиш.

Бу топшириқлар болаларни товушлар комплекси, овозларни кучли тембри, баландлиги, характери ва хиссий бўёқдорлигига кўра қанчалик фарқлай олиши имконини беради.

Товуш таркибига кўра яқин сўзларни фарқлаш

Мақад: Товуш таркибига кўра яқин сўзларни фарқлаш кўникмаларни ўрганиш.

1.Кўрсатма: Агар расмни нотўғри номласам қарсақ чал, агар тўғри номласам – чалма.

Шляпа, сляпа, шяпа, фляпа, шляпа.

Балан, баман, балан, ваван, панан.

Танк, фанк, банк, шанк, санк.

Витамин, митавин, витамин, вимтамин.

Альбом, айбом, анбом, альмом-альном.

Парта, парда, барда, рабда, табда.

Бола балаларга расмни кўрсатади ва расмни тўғри номлайди болалар, расмга асосланиб бир қанча бузуб айтилан сўзлар қаторидан шу сўзни топиши керак.

2.Кўрсатма: Кўрсат, масалан, тор-пол қаерда.

(Текширувда расмлар билан ўзгарган сўзлар қўлла-нилади).

(п-б,): - пол-бол, порт – борт,

(т-д): туш-душ.

(к-г): кул-гул.
(ф-в): фазо-ваза.
(л-в): лола – Вали
(р-л): ром- лом
(с-з): сина-зина
(ш-ж): шар-жар.
(ч-ш): Чарос-шаррос
(ш-с): шим-сим.
(с-ж): син - жин.

Бу усул фонематик эшитув камчиликларни аниқлайди.

Эслатма: семантик жихатдан мурраккаб сўзлар фақат уларни маъносини аниқлагандан кейин пассив луғатда мавжуд бўлгандагини текширишда қўлланилади.

3.Кўрсатма: Сўзлар бир хилми ёки бошқачами? Уларнинг маъносини тушунтир

Тўл-дўл, сим-шим, тус-туз, туш-тиш, соли-шоли, ром-том, қўл-қўл, чол-мол.

4.Кўрсатма: “Расмларга қара. Мен уларни иномлайман, сен эса уларни мени номлашига асосланиб кетма-кет қўй”.

Лексин материал: Сим, шим, чим, тус-туз, рам, том, қўл, чол, тол, тўл, дўл.

5.Кўрсатма: Ўзингдаги расмларга ва доскадаги расмлар қаря.сен ўзингдаги расмларни номлари ўхшаш расмларга мослаб қўяссан,”

Предметли расмлар: том, ром, чол, сол, сим, шим, тордор, печка, бочка.

Бу текширувлар акустик тахлилларни етишмовчилигини, нутқ эшитув хотирасини, шунингдек сўзларни семантик фарқлашдаги қийинчиликларни аниқлайди.

Баҳолаш мезони:

- 4 балл-топширикни бажарилиши
- 3 балл-қўпол бўлмаган хатоликларга йўл қўяди.
- 2 балл-0,5 топширикни тўғри бажарди.
- 1 балл-0,5 дан кўп топширикни нотўғри бажарди.
- 0 балл-топширикни бажармаслик ёки бош тортиш.

Бўгинларни фарқлаш

Максад: Товушларни қарама-қарши қўйиб фарқлаш қобилиятини аниқлаш: Жарангли-жарангсиз, шовқунли-сирғалувчи ва бошқалар.

1.Кўрсатма: Дикқат билан эшит, янги бўгинни эшитсанг доирани кўтар!

На-на-на-па.

Ка-ка-га-ка.

2.Кўрсатма Бўгинларни эшит ва қайсиси ортиқчалигини айт.

Лексик материал: на-на-на-па, па-ба-па-па; ка-ка-га-ка.

3.Кўрсатма: Мени диққат билан эшит ва кетимдан бўгинларни иложи борица аниқ такрорла! (Логопед бўгинларни оғзини экран билан ёпиб талаффуз қилади).

Да-та-да ба-па-ба га-ка-га

Та-да-та па-ба-па ка-га-ка

Са-ша-са за-са-за са-са-за

Жа-ша-жа ча-тя-ча ша-ча-ша

Ша-жа-ша та-ча-тя ла-ра-ла

Эслатма: 1.Болага нуткида тўғри талаффуз эта оладиган автоматлашган товушлар иштирок этган бўгинлар таклиф этилади.

2.Агар болага 3 бўгин қаторидан иборат бўгинларни такрорлаш қийин. Чилик туғдирса ёки такрорлай олмаса, бу эшитув хотирасини пастлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин, унга 2 бўгин қаторидан иборат топшириқ бериш мумкин. Бунда асосий эътиборни персевацияларга, бир товушдан иккинчи товушга ўтишига қаратиш керак.

4.Кўрсатма: Мен бир хил бўгинларни айтсам чапак чаласан, хилма хил бўгинларни айтсам оёғингни дўпиллатасан.

Лексик материал: па-да, па-па, ка-га, ча-га, фа-ва, во-во...

Баҳолаш мезони:

4 балл –топшириқни тўғри бажарилиши.

3 балл – қўпол бўлмаган ҳатоликларга йўл қўяди

2 балл – 0.5 топшириқни тўғри бажарди.

- 1 балл – 0.5 дани кўп топшириқни нотўғри бажарди.
0 балл – топшириқни бажармаслик ёки бош тортиш.

Фонемаларни фарқлаш

Мақсад: Фонемаларни фарқлаш кўникмаларни текшириш.

Товушларни тахлилига тайёргарликни текшириш.

1.Кўрсатма: Мен товушларни талаффуз қиламан, сен зарур расмни кўтар.

Болалар кўрсатилган намунага таяниб, логопед олдиндан берган расмларни кўтаради: (поезд гудок беряпти –у-у-у-, қизча йиглапти-а-а-а, кушча сайрапти-ии-и-и, сигир мўрапти-м-м-м, болға уриляпти- т-т-т шамол эсяпти-в-в-в-ва бошқалар).

У-поезд	Т-болға
А-болға	В-шамол
И-куш	З-чивин
М-сигир	Ж-қўнғиз

2.Кўрсатма: А товушини эшитганингда чапак чал. Логопед унли товушлар гуруҳини талаффуз қилади [а,о,у,и,а,э].

3.Кўрсатма: Агар “А” товушини эшитсанг, қизил доирани кўрсат.

[Яшил доира-[и] товуши, сарик доира (у) товуши]. Логопед унли товушлар гуруҳини такрорлайди – (а,у,и,а,э,и,а,у,и,уа,и,и,а,у,и).

4.Кўрсатма: “М” Товушини эшитсанг чапак чал.

Логопед ундош товушлар каторини талаффуз қилади- (н,м,п,м,к,н,м,к):

5.Кўрсатма Мени диққат билан эшит ва такрорла.

- ао, уа,аи, ио,
- аиу, иао, уао,
- аоуи, иоуа, иоу, аун.

Бу топшириқ нутқий ҳаракатларни серияли ташкил этишни ва фонематик эшитув хусусиятларни баҳолаш имконини беради.

6.Кўрсатма: Агар товушни эшитсанг кўлингни кўтар. Урганилаётган товушни бошқа нуткий товушлардан фарк-лаш (ш): (с,ш,ц,ч,ш,):

(з): (шс, ч,з, ш,):

(ч): (ч,ш,т,с,ш,ч,):

(с): (с,з,ж,ц,ч).

Баҳолаш мезони:

4 балл –топширикни тўғри бажарилиши.

3 балл – кўпол бўлмаган хатоликларга йўл кўяди

2 балл – 0.5 топширикни тўғри бажарди.

1 балл – 0.5 дан кўп топширикни нотўғри бажарди.

0 балл – топширикни бажармаслик ёки бош тортиш.

Элементар товуш тахлили кўникмаларини тек-шириш

Мақсад: Элементар товуш тахлили кўникмалари ва малакаларни текшириш. 1.Кўрсатма: Нечта товуш талаффуз қилсам шунча доира кўй.

а

ау

иоу

2.Кўрсатма: Стол устига “М” товушини (бузоқни мўра-шини) эшитсанг, доирача кўй, “р” товушини моторнинг гувиллаши эшитсанг учбурчакни кўй:

мош, кўмир, доска, квадрат, ранда, тандир, шар, олма.

3.Кўрсатма: Агар сўзда (а) товушини эшитсанг доирачани (о) товушини эшитсанг квадратни, (у) товшини эшитсанг учбурчакни кўтар:

Ана, айиқ,узум,Олим, кўча, игна.

4.Кўрсатма.Қанча товушлар айтсам шунча доирачалар кўясан:

а, иуа, ау.

5.Кўрсатма: Берилган расмларни икки томонга ажрат, бир томонида номларини охири (т) товуши билан тугаган, иккинчи томонга “к” билан тугаган расмларни ажрат:

Предметли расмлар: танк, шахмат, куопток, калит, эшик, кучун, шарбат.

1. Мен расмларни кўрсатаман ва расмни тўлалигича номламайман, сен бу сўзни тўлиқ талаффуз қиласан.

Предметли расмлар: шарбат, калит, этик, самалёт, бегимот, кучук, копток.

Тан- бегемо-

Эти- кали-

Самолё- кучу-

Шар- копто-

7.Кўрсатма: “Сўздаги биринчи товушни айт!”.

Арча, Икром узум

Арпа, Ином узун

Альбом, Игна урчук.

8.Кўрсатма: Сўздаги биринчи товушни айт : малина, вафли, картошка, сут, варақа, кулча.

9.Кўрсатма: ”а,у,и, товушларига 2 тадан сўз топ”

10.Кўрсатма: Сўздаги биричи ва охириги товушни айт:

Игна уйча

Узум кулча

Арча айикча

Баҳолаш мезони:

4 балл –топширикни тўғри бажарилиши.

3 балл – кўпол бўлмаган ҳатоликларга йўл қўяди

2 балл – 0.5 топширикни тўғри бажарди.

1 балл – 0.5 дан кўп топширикни нотўғри бажарди.

0 балл – топширикни бажармаслик ёки бош тортиш.

Эслатма.1. Элементар товуш тахлили коникмаларини тешириш бўйича топшириклар сўзнинг товуш таркибини тахлил қилиш операцияларини ўз ичига олган фонематик эшитувни текшириш имконини беради.

2.Зарур пайтда лексик материал сифатида қўлланилаётган сўзлар маъноси тушунтирилади.

IV.606. ДИЗАРТРИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ЛОГОПЕДИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

1.Дизартрияни бартараф этишда коррекцион - логопедик ишлар тизими

Дизартрияни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган логопедик таъсир тизими комплекс равишда амалга оширилади, яъни артикуляцион аппарат массажи ва гимнастик машқлари, овоз ва нафас устида ишлаш, умумий даволаш, даволовчи жисмоний —тарбия, физиотерапия ва дори — дармонлар билан даволаш ишлари.

Асосий диққат болада нуткнинг ривожланиши ҳолатига, нуткнинг лексик—грамматик томонига ҳамда нуткнинг алоқа функцияси хусусиятларига қаратилади. Мактаб ёшидаги болаларда ёзма нутқ ҳолати ҳам ҳисобга олинади.

Узоқ вақт давомида мунтазам равишда олиб борилган машғулотлар секин-аста артикуляцион аппарат, аппарат моторикасини нормаллаштиради, артикуляцион ҳаракатларни ривожлантиради, артикуляция аъзоларида ихтиёрий ҳаракатларни бир ҳаракатдан бошқа бир ҳаракатга ўтиш қобилиятини шакллантиради, ҳамда фониматик эшитувни тўла қонли равишда ривожлантиришга ёрдам беради.

Дизартрик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишларнинг усуллари А.Г.Иппалитова, О.В.Правдина, В.В.Иппалитова, Е.М.Мастюкова, Г.В.Чиркина, И.И.Панченко, ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Дизартрик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишларнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

1 - товушларнинг тўғри талаффузини ўргатиш, яъни артикуляцион моторикани, нутқий нафасни ривожлантириш ва товушни нутқга қўйиш ва мустаҳкамлаш.

2 - фонематик идрокни ривожлантириш, товуш анализ малакасини шакллантириш.

3 - нутқнинг ритм, оҳангдорлиги ва ифодалилиги томонидаги камчиликларни бартараф этиш.

4 - пайдо бўлган нутқнинг умумий ривожланмаганлигини бартараф этиш.

Дизартрик болаларда товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш, тузатиш ишнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Товушлар талаффузидаги камчиликларининг асосий сабаби нутқ аппарати аъзоларининг ҳаракатчанлигида кузатиладиган камчиликлардир. Шунинг учун логопед асосий диққатни артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратиши лозим.

Товушлар талаффузи устида ишлаш қуйидаги ҳолатни ҳисобга олиб ташкил этилади:

1- дизартрия шакли, боланинг нутқини ривожланиш ҳолати ва бола ёшини ҳисобга олиш;

2- нутқ коммуникациясининг ривожланиши. Товушлар талаффузининг шаклланиши комуникациянинг ривожланишига йўналтирилган бўлиши лозим;

3- мотивациянинг ривожланиши, бор бўлган бузилишларининг бартараф этишга интилиш, ўз - ўзини англашни, ўзига ишонч, ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўз қадрини билиш-ҳамда ўз кучига ишониш;

4-дифференциал эшитиш идроки ва товуш анализи қобилятини ривожлантириш;

5-кўрув—кинестетик туйғуни ривожлантириш йўли билан артикуляцион тартиб ва артикуляцион ҳаракатни кучайтириш;

6-ишни босқичма—босқич ташкил этиш. Коррекцион иш болада талаффузи сақланиб қолган товушлардан бошланади. Баъзан товушлар анча содда мотор координациялари тамойилига кўра танлаб олинади, аммо артикуляцияон бузилишни ҳисобга олинган ҳолда биринчи

навбатда илк онтогенез товушлари устида иш олиб борилади;

7-энг оғир бузилишларда яъни бола нутқи атрофдагилар учун умуман тушунарсиз бўлганда коррекцион иш алоҳида ажратилган товушлар ва бўғинлардан бошланади. Агарда бола нутқи атрофдагилар учун нисбатан тушунарли бўлса ва у айрим сўзларда нуқсонли товушларни тўғри талаффуз қила олса унда иш «таянч» сўзлардан бошланади. Ҳар қандай ҳолларда ва турли нутқий ҳолатларда товушлар нутқда мустаҳкамланиши зарур.

8-марказий асаб тизими шикастланган болаларда нутқдан олдинги даврда логопедик ишларни мунтазам олиб бориш йўли билан товушлар талаффузидаги мураккаб бузилишларни олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Дизартерияда олиб борадиган логопедик ишлар босқичма босқич олиб борилади.

1- босқич тайёрлов босқичи - бу босқичнинг асосий мақсади:

- артикуляцион аппаратни, артикуляцион тартибни шакллантиришга тайёрлаш;

- боланинг илк ёшида—нутқий мулоқот эҳтиёжини тарбиялаш;

- пассив лугатни аниқлаш ва ривожлантириш;

- нафас ва овоздаги камчиликларни коррекциялаш.

Бу босқичнинг энг аҳамиятли вазифалари бу - сенсор функцияни айниқса эшитиш идроки ва товушлар анализини ривожлантиришдир.

Коррекцион иш методлари ва усуллари кўллаш нутқ, ривожланиши даражасига боғлиқ. Болада мулоқот нутқ воситаларининг бўлмаслиги бошланғич овоз реакциясини тезлаштирилади ва товушларга тақлид қилишга олиб келади, ҳамда унга коммуникатив аҳамият тусини беради.

Логопедик ишлар дори дармонлар билан таъсир этиш, физиотерапевтик даволаш, даволов жисмоний тарбияси ва массаж билан қўшиб олиб борилади.

2 - босқич бошланғич коммуникатив талаффуз қобилиятини шакллантириш босқичи.

Бу босқичнинг асосий максади:

- нутқий мулоқот ва товушлар анализи малакасини ривожлантириш;
- артикуляцион аппарат мускулларини бўшаштириш;
- оғиз ҳолатини назорат қилиш;
- артикуляцион ҳаракатларни ривожлантириш;
- овозни ривожлантириш;
- нутқий нафасни тўғрилаш;
- артикуляцион ҳаракатларни сезиш ва максадга йўналтирилган артикуляцион ҳаракатни ривожлантириш.

Оғизнинг ҳолатини назорат қилиш

Дизартрияда оғизнинг ҳолатини назорат қилмаслик ихтиёрий артикулятор ҳаракатларни ривожланишини қийинлаштиради. Дизартрияда, одатда боланинг оғзи очиқ, сўлак оқиши кузатилади.

Олиб бориладиган ишлар 3 босқичга бўлинади.

Биринчи босқич - лаблар учун машқларда тактил сезгиларни боланинг оғзини пассив ёпиши билан биргаликда ривожлантириш. Асосий диққат боланинг оғзини ёпиш сезгиларига қаратилади, бола бу ҳолатларни ойна орқали кўриб туради.

Иккинчи босқич - пассив фаол йўллар орқали оғизни ёпиш. Оғизни ёпиш аввал бошни пастга эгиш ва ОҒИЗНИ очиш, бошни орқага ташлаш ҳолатида осон бажарилади. Ишнинг бошланғич босқичларида ушбу осонлаштирилган усуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Учинчи босқич - оғизни фаол очиш ва ёпиш машқлари сўз кўрсатмаси бўйича ўтказилади. Масалан «Оғизни катта оч», «Лабларни чўччайтир», «Лабларни найча шаклига келтир ва аввалги ҳолатига қайтар».

Оғизнинг турли ҳаракати тасвирланган расмларга қараб машқларни бажариш. Машқлар аста-секин мураккаб-лашиб боради: боладан бўшаштирилган лаблар орқали пуфлаш, тебраниш ҳаракатларини бажариш сўралади.

Артикуляцион гимнастика

Артикуляцион гимнастикани ўтказишда тактил-проприоцептив стимуляция, статик-динамик сезгиларни ривожлантириш, аниқ артикуляцион кинестезиялар муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг дастлабки босқичларида сақланган анализаторлардан (эшитиш, кўриш, тактил) мукамал равишда фойдаланиш орқали амалга оширилади. Машқлар кўзларни ёпиқ ҳолда боланинг диққатини пропроцептив сезишларга қаратиш орқали бажарилади. Артикуляцион гимнастика дизартриянинг шакли ва артикуляцион аппаратнинг жарроҳатланиш даражасига қараб дифференциялаштирилади.

Нутқ мускуллари ҳаракатини ривожлантиришдан аввал юзнинг мимик мускуллари машқларидан фойдаланилади. Мактабгача ёшдан бошлаб болада мимиканинг ихтиёрий ва дифференцирлашган ҳаракатлари ва ўз мимикаси устидан назорат қилиш ривожлантирилади. Боланинг сўзли кўрсатма бўйича кўзини очиш ва ёпишга, қошларини чимириш, лунжини шишириш, сўлагини ютиш, оғзини очиш ва ёпишга ўргатилади.

Юз ва лаб мускулларини етарлича кучини ривожлантириш учун тоза рўмолча, найчадан фойдаланиб махсус қаршилиқ машқларидан фойдаланилади. Бола найчани лаблари билан ушлаб, катта одам уни тортиб олишга ҳаракат қилса ҳам ушлаб туриши лозим.

Тилнинг артикуляцион гимнастикаси тилнинг учини пастки тишларнинг четларига фаол тегишини тарбиялашдан бошланади. Сўнгра тилнинг умумий, кам дифференцирланган ҳаракатлари аввал пассив кейин пассив-фаол ва фаол ҳаракатлари ривожлантирилади.

Тилнинг илдизи мускулларини ривожлантириш уларни махсус зонд оркали тил илдизини таъсирлаш йўли билан рефлектор равишда қисқартиришдан бошланади. Мустаҳкамлаш ихтиёрий йўталишдан фойдаланиб ўтказилади.

Артикуляцион моторикани ривожлантириш узвий равишда умумий ва махсус машқлардан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Ўйинлар артикуляцион моторикани характери ва нуқсоннинг даражаси, боланинг ёшини эътиборга олган ҳолда танланилади.

Овозни ривожлантириш. Дизартрик болаларда овозни ривожлантириш ва коррекциялаш учун турли хил ортофоник машқлардан фойдаланилади, бу машқлар нафас фаолияти, фоноция ва артикуляцияни ривожлантиришга йўналтирилган бўлади.

Овоз устида ишлаш артикуляцион гимнастика ва массаждан сўнг олиб борилади. Булар билан бирга яна бўйин мускулларини бўшаштирувчи, бошни ҳар томонлама ҳаракатини бажариш бўйича махсус машқлар, шу машқ билан бир ваккни, ўзида *и-э-о-у-а* унли товушларни талаффуз этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Овозни коррекциялаш учун юмшоқ танглай ҳаракатини фаоллаштириш катта аҳамият касб этади. Бунинг учун сув томчиларини ютиш, йўталиш, эснаш имитацияларини бажариш, қаттиқ атакада «а» унлисини талаффуз этиш машқларини бажариш тавсия этилади. Ушбу машқлар ойна олдида ҳисоб остида ўтказилади. Қўйидаги усуллардан фойдаланилади: тилни орқа қисмини кўзғатиш ва тил ёрдамида танглайни тақиллатиш ҳаракатини бажариш; ихтиёрий ютиш ҳаракатини бажариш; бунда логопед томизгич билан ҳалқумнинг қарши деворига сув томизади, бу вақтда боланинг боши бир оз орқага эгилган бўлади.

Овоз ҳосил қилишда жар ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун оғизнинг очиш ва ёпиш, чайнаш имитацияси машқларидан фойдаланилади.

Шунингдек пастки жағни тушириш бўйича махсус машқлардан фойдаланилади. Логопед мускуллар бўшашганидан сўнг пастки жағни 1-1,5см пастга туширишга ёрдам беради. (бола ОҒЗИНИ мустақил равишда ёпади.)

Ҳаракатлар ҳажми ва суратини ихтиёрий назорат қилиш турли кўргазмали усуллардан фойдаланиб амалга оширилади. (кудукқа челақни тушаётгани, арқонга борланган шарча тасвирланган расмлар ва ҳоказо). Сўнгра бу машқар сўз кўрсатмаси бўйича бир вақтнинг ўзида турли товушлар бирикмасини (дон-дон, пап-пап, кар-кар) талаффуз қилиш билан биргаликда бажарилади.

Танглай мускулларини мустаҳкамлаш учун уни бўшаштириш ва таранглашишни навбати билан алмаштириш машқларидан фойдаланилади. Болага эснаш ҳаракатини тугашида «а» товуши талаффуз этиш, ОҒИЗНИНГ катта очиқ ҳолатида «а» товушини талаффузидан «п» товушига нафасни босим остида ушлаб туриб ўтилади. Боланинг диққати танглай ҳолатини сезишга қаратилади. Шунингдек овоз кучи тембри ва баландлигини ривожлантириш машқларидан фойдаланилади. Масалан, ўнликлар бўйича овозни кучайтириб санаш ва овозни аста-секин пасайтириб тескарига санаш машқларидан фойдаланилади. Овоз тембри, баландлиги ва овоз интонациясини ривожлантиришда турли ўйинлар эртақларни ролларга бўлиб ўқиш, инсценировкалар катта аҳамиятга эга.

НУТҚИЙ НАФАСНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ. Нафас гимнастикаси умумий нафас машқларидан бошланади. Унинг асосий мақсади нафас ҳажмини ошириш ва унинг ритминини нормаллаштиришдир.

Нутқ нафасининг бузилиши дизартрияда доимий белгиларига киради, булар қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифода этилади: бирор бир нутқ сўзлашдан олдин нотўлиқ олинган нафас, нутқ нафаси ва фонация орасидаги координация (йўналишли) механизмлари шаклланмаганлиги.

Нутк нафасини шакллантириш ишлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Нафас олиш аппаратининг физиологик имкониятларини кенгайтириш (қовурга диафрагмаси нафасини йўлга қўйиш ва оғиз орқали давомий нафас чиқаришни шакллантириш).

2. Давомий фонацион нафас чиқаришни шакаллантириш.

3. Нуткдаги нафас чиқаришнинг шакллануви.

Нуткдаги чиқарилган нафасни шакиллантириш равон сўзлашувни ташкил этади. Бизга маълумки, равон сўзлашув – бу бир узлуксиз нафас чиқариш жараёнидаги мантиқий - охонгли тугалланган гапнинг тўлиқ артикулляциясидир.

Боланинг оғзи ёпиқ ҳолда бурун тешикларини навбатманавбат ёпиб нафас олишга ўргатилади. Нафас олишни чуқурлаштириш учун боланинг бурун тешиги ёнида «нафас елпиғичи» ҳосил қилинади.

Бурундан нафас чиқаришни ўрганиш бўйича машқлар ўтказилади. Болага оғзини очмасдан «чуқур нафас ол ва чўзиб бурун орқали чиқар» деб кўрсатма берилади.

Кейинги машқлар оғиздан нафас олишни ривожлантиришга қаратилади. Логопед боланинг бурнини ёпиб алоҳида унли товуш ёки бўғинларни талаффуз қилишни сўрашга қадар оғиздан нафас олиш таклиф қилинади.

Нутқий нафасни коррекциялашда «қаршилиқ машқларидан» ҳам фойдаланилади. Бола оғиздан нафас олади. Логопед нафас олишга қаршилиқ қилгандек 1-2 секунд давомида қўлини боланинг кўкрагига қўяди. Бу анча чуқур ва тез нафас олишга ва узоқ нафас чиқаришга имкон яратади.

Нафас машқлари ҳар куни 5-10 минут давомида ўтказилади. Ушбу машқларни бажаришда нафас чиқариш вақтида логопед унли товушларнинг турли қаторини талаффуз қилади ва болани унга тақлид қилишга ундайди ва бунда овозни баландлигини ўзгартиради. Сўнгра болани ундош товушларни алоҳида ва унли товушлар билан биргаликда талаффуз қилишга ундайди.

Динамик ва статик нафас машқлари мавжуд.

Нафас машқларини ўтказишда боланинг толиқиб қолмаслигига елка ва бўйин мускулларини таранглаштирмаслигига аҳамият бериш лозим. Машқлар санок остида ёки музика жўрлигида бажарилиши лозим.

Нафас машқлари овқатланишга қадар яхши шамоллатилган хонада ўтказилади.

Артикуляцион ҳаракат сезгилари ва артикуляцион праксисни ривожлантириш

Ҳаракат-кинестетик боғланишларни ривожлантириш учун қўйидаги машқларни ўтказиш зарур.

Пастки жағни юқорига кўтариш ва пастга тушириш. Тилни юқори ва пастки милкларга теккизиш. Логопед машқларни аввал ойна олдида, сўнгра ойнасиз бажаради, боланинг кўзлари юмик, логопед у ёки бу ҳаракатларни бажаради, бола эса уларни номлайди.

Қўйидаги артикулятор - сенсор схемада машқ қилиш зарур:

- лаблар аро: лаблар пассив жипслашади ва шу ҳолатда ушлаб туриш. Боланинг диққати жипслашган лабларга қаратилади ва ундан лаблар ўртасидан уларнинг жипсловини бузиб пуфлаш таклиф қилинади;

- лаб-тиш аро: чап қўлни кўрсатгич бармоғи билан логопед боланинг юқори лабининг тепа тишларини кўрсатиб кўтаради, ўнг қўлининг кўрсатгич бармоғи билан пастки лабни юқори милкларигача кўтаради ва болага пуфлаш таклиф қилинади;

- тил-тиш аро: тил тишлар ўртасига қўйилади ва шу ҳолатда ушлаб турилади;

- тил-танглай: боланинг боши бир мунча орқага эгилади, тилнинг орқа қисми қаттиқ танглайга кўтарилади, боладан йўталиш ҳаракатларини бажариш сўралади ва диққати тил ҳамда танглай сезгиларига қаратилади.

Артикуляцион праксисни ривожлантиришда эрта бошланган логопедик иш, боланинг нутқий тажрибасини кенгайтириш ва бойитиш, махсус бўйин машқлари катта аҳамият касб этади.

Пассив артикуляцион машиқларнинг мақсади илгари ишга туширилмаган янги мушакалар гуруҳини жараёнига киритиш ёки мушақлар ҳаракатчанлигини оширишдан иборат. Пассив гимнастика машқлари нутқ мушақларини ихтиёрий ҳаракатини шакллантириш шартларини яратади. Пассив ҳаракатларнинг йўналиши, ҳажми ва траекторияси фаол ҳаракатникига ўхшаш. Гимнастика қатъий назорат остида бажарилади. Пассив ҳаракатлар кетма-кетликда 3-5 ҳаракатлардан бошлаб бажарилади. Секин – аста ҳаракатларини ҳис қилиш, ёд олиш ва уларга баҳо бериш пайдо бўлади (кинестезик назорат).

Тилнинг пассив гимнастикаси.

1. Оғиз бўшлиғидан тилни олдинга чиқариш.
2. Тилни орқага тортиб олиш.
3. Тилни пастга тушириш.
4. Тилни тепага кўтариш (лабнинг тепа қисмига)
5. Тилни икки ёнга чапга ва ўнгга қаратиш.
6. Оғиз бўшлиғининг ост қисмига тил учини бостириб туриш.
7. Тил учини танглайга кўтариш.
8. Тилнинг ҳар тарафга енгил тебраниш ҳаракатларни бажариш.

Лабларнинг пассив гимнастикаси.

1. Лабнинг тепа қисмининг йиғиш (иккала қўлнинг кўрсаткич бармогини лабнинг четига қўйиб, уни ўрта чизикқа келтириш).
2. Лабнинг пастки қисмини йиғиш (шу услуб билан).
3. Лабларни найчасимон йиғиш – хартумча.
4. Табассум қилиш ва оғиз бурчакларини бармоқлар билан ушлаш.
5. Лабнинг юқори қисмини кўтариш.

6. Лабнинг пастки қисмини тушириш.

7. Ёлиқ оғизнинг кинестетик ҳисларини ишлаб чиқиш учун лабларни йиғиш.

8. Унли товушларни айтиш учун зарур бўлган („а“, „о“, „у“, „э“) турли хил лаблар шаклини яратиш.

Фаол гимнастика машиқлардаги ҳаракатлар пасив ҳолатда бажарилганда ва ривожлангадагина бемор томонидан мустақил тарзда қилинади. Фаол гимнастиканинг мақсади ҳаракатнинг қўлами, аниқлигини, тезлиги ва бошқа ҳаракатларга ўтувчанлигини оширишдан иборат.

Ўз мимикаси мушакларини ривожлантириш учун машқлар.

1. Кўзларни юмиб, очиш.

2. Қошларни чимириш.

3. Қошларни юқорига кўтариб пешонада бир чизик ажинларни пайдо қилиш.

4. Лунжларни ишириш.

5. Оғизни очиб ёпиш.

6. Сўлакни ютиш.

7. Чайнаш ҳаракатлари.

Лаб мушакларини ривожлантирадиган машқлар

1. Лабларни найчасимон чўзиш “хартумча”.

2. Лабларни икки четка ёйиш табассум.

3. “Хартумча” – “мийғида” кулиш ҳаракатларини алмаштириб бажариш.

4. Очик ва ёпиқ ҳолатдаги жағларда лабларни йиғиш.

5. Лабларни тезкорлик билан ёйиб, йиғиш.

6. “Бўса”

Товушлар талаффузини коррекциялаш

Товушлар талаффузини тўғирлашда индивидуал ёндошиш тамойилидан фойдаланилади. Товушларни тўғрилаш ва нутққа қўйиш индивидуал танланади. Бир нечта товушлар устида ишлаш ишда изчилликни талаб этади.

Тузатиш ишида биринчи навбатда артикуляцион жихатдан осон талаффуз этиладиган товушлар ёки тузатиш осон бўлган товушлар танлаб олинади. Бу товушлар; а, п, у, м, к, н, х, б, о, т, с, л. Ушбу товушлар устида ишлаш жараёнида уларни талаффуз нормасигача келтириш мумкин. Юқорида кўрсатилган товушлар устида ишлаш билан бир вақтда фонематик эшитувни ривожлантириш ва товушлар анализи малакаларини шакллантириш устида ҳам иш олиб борилади.

Артикуляцион бузилишларнинг оғир ҳолларида товушларни нутқга қўйиш махсус ёрдамни талаб этади. Бунда логопед кўриш, тактил-вибрацион сезишдан фойдаланган ҳолда у ёки бу товушнинг талаффузи учун зарур бўлган ҳаракатни бажаришни болага тушунтиради ва ёрдам беради. Масалан, анарттрияда логопед «у» товуши артикуляциясини ҳосил қилиш учун бола лабларига қўлини яқинлаштиради.

Товушларни нутқга қўйиш устида ишлаганда логопед аниқ бўлмаса ҳам товушни тўғри талаффуз даражасига яқинлаштириши лозим. Дастлабки вақтларда нормал талаффузга эришиш қийин. Бу вақтда боланинг ўхшаш товушларни ўзлаштириши, уларни фарқлаши жуда муҳимдир. Товушларни нормал талаффузига яқинлаштириш даражаси артикуляцион аппаратнинг жароҳатланиш даражаси билан аниқланади. Ҳар бир янги товуш устида ишлашда, унинг артикуляцион хусусиятларини ўрганиш зарурдир, яъни артикуляциянинг асосий характерли белгилари, унинг бошқа товушлардан фарқли томони, артикуляцияни бошқалари билан солиштириш.

Мунтазам машқлар олиб борилиши товушни керакли артикуляцион тартибга яқинлаштиради ва тўлиқ товуш талаффузига ўтилади. Логопед секин-аста ўрганилаётган товушни аниқ ва турли талаффуз этишни талаб этиб боради.

Артикуляцион моторика ва товушларни нутқга қўйиш устида ишлашдан ташқари, фонематик эшитувни ривожлантириш учун ҳам мунтазам равишда иш олиб борилади.

Бунда болалар унли товушлар қаторидан керакли унли товушларни, ундош товушлар қаторидан ундош товушларни ажратишга ва анализ қилишга ўрганадилар. Болалар ўрганадиган товушларни турли бўғинлар бирикмаларида қайтаришга, бўғин ва сўз ҳосил қилган товушларни айтиш, уларнинг кетма-кетлигини аниқлашга ўрганиб борилади.

Талаффуз машғулотида артикуляцион аппарат аъзоларини ривожлантиришга қаратилган ишлар фронтал тарзда олиб борилади. Фойдаланиладиган машқлар болаларнинг индивидуал ривожланишларини нутқий ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинади. Бундан ташқари машғулотларда нафас машқлари ҳам олиб борилади. Машғулотларнинг асосий қисми ўрганилган товушни алоҳида ва бўғинлар бирикмасида талаффуз этишга, мустақамлашга ажратилади. Логопед ўтилганларни бола қандай ўзлаштирганлигини доимо текшириб бормоғи лозим. Бунинг учун боладан у ёки бу товуш учун характерли бўлган артикуляция аъзолари ҳолатини айтиб бериш ёки кўрсатиб бериш таклиф этилади, сўнг товушни алоҳида ва сўзларда талаффуз этиш сўралади. Товушлар устида олиб борилаётган машқлар кўрув ва тактил идрок этиш остида назорат қилиб борилади.

Бу даврда яна артикуляцион белгилар бўйича бир-бирига қарама-қарши қўйилган товушлар дифференцияси устида машқлар ўтказилади.

1) оғиз ва бурун товушлар дифференциацияси (п-м);

2) бурунли товушлар гуруҳи ўртасида товушлар дифференциацияси (м ва н);

3) портловчи товушлар гуруҳида товушлар дифференциацияси (к-х)

4) унли товушлар дифференциацияси (а, у, о, у)

5) портловчи ва қоршиқ товушлар дифференциацияси (т-с)

Бу машқлар жараёнида бошқа товушларнинг ўзлаштириш учун асос яратилади.

Эндиги даврда артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушлар устида иш олиб борилади. Бу жарангли шовқинли ундошлар, қоршиқ ва «р» товушидир. Бу даврда ишни муваффақиятли олиб борилишида фонематик эшитувни етарли ривожлантирилганлиги, товушлар анализ малакасининг бирмунча шакллланганлиги асосий роль ўйнайди. Болалар бу даврга келиб товушларни яхши ажрата оладилар. Болалар нутқ фаоллиги, товушлар анализ малакаси сезиларли даражада ошади.

«Р», «Ш», «Ж» товушларни болалар аниқ, яхши талаффуз қилишда қийналадилар. Лекин уларни фарклашда қийинчиликлар кам кузатилади. Бу даврда ҳам товушлар дифференциацияси устида ишлашга махсус вақт ажратилади. Бу вақтда с-з, ш-ж товушлар дифференциацияси устида иш олиб борилади. Бунда болалар товушларни бир биридан хатосиз ажратишга ўрганганликларига логопед ишонч ҳосил қилгач, товушларни бўғин ва сўздаги ўринларини аниқлашга қаратилган машқларга ўтади. Товушларни тўғри талаффузи, фонематик эшитувни ривожлантириш, товушлар анализ малакасини шакллантириш устида олиб борилган муваффақиятли ишлар, дизартрик болаларнинг ёзувни ўзлаштиришлари учун асос бўлади

2. Дизартрия нутқ камчилиги эга бўлган болалар билан ишлашдаги логопедик технологиялар.

Гиперсаливацияни бартараф этиш учун машиқлар

Сўлак ажралиш билан кураш. Болага у оғиздаги сўлакни оқиб кетмасдан олдин ютиб юбориши кераклигини тушунтириш лозим. Айниқса бола гапирмасдан олдин ёки қандайдир артикуляцион машқ бошлашдан олдин қилиш керак. Илк босқичларда ютиниш жараёни оғир кечаётганда, узокроқ чайнашни, бошини бир оз орқага ташлашни таклиф қилиш лозим, бу эса ютиниш жарайнини осонлаштиради. Ўз сўлагини ютишдан ташқари бола оғзини ёпишни ва уни

ёпиқ холатда ушлашни ўрганиши лозим. Буни болага уйда ҳам эслатиб туриш лозим. Ойнанинг олдидаги машқлар ҳам ушбу буйруқлардан бошланади. Болага ўз сўлак ажралишини енгиб ўтиш истагини фаоллаштириш учун илк муваффақиятлардан сўнг (тахминан бир ҳафталарда рўй беради) агар унинг сўлакчаси бўлса, уни ечиб ташлашни таклиф қилмоқ керак. Бу иш узок муддатни талаб этади, уйда эса ота-она болага мулойимлик билан оғзини ёпиб сўлакни ютиш лозимлигини эслатиб турушлари даркор.

Гиперкинезларнинг тормозланиши. Зўровонлик ҳаракатлар мавжудлигида уларни тормозлантириш ишларини дархол бошлаш лозим. Бундай ҳолларда асосий диққатни ҳаракатнинг ривожланишига эмас статистикасига (бор холатни сақлаб қолиш) ва ҳаттоки, тўлиқ тинч холатга қаратиш лозим. Масалан, болага топшириқ берилди: оғзини очиб лабларнинг тилининг қимирлашини тўхтатиб, ёки тилини чиқариб уни қимрламасдан туришни кузатишга ҳаракат қилиш лозим. Бола ўз ҳаракатларини ойнадан туриб кузатиши керак. Логопед овоз чиқариб: „Бир икки уч“ - деб ўқийди, бу эса болада мажбурий ҳаракатларини тормозлаштиришнинг меъёрий вақт ўлчами ҳисобланади. Илк пайтларда бу давр сониялар билан ўлчанади, иш жараёнида у кўпроқ узайишни бошлайди (бир вақтнинг ўзида ёзиш учун тайёр турган қўлларнинг бармоқ ҳаракатлари борасида иш олиб борилади).

Уқалаш ёрдамида мушаклар таранглигини нормаллаштириш. Логопедик уқалаш – бу мушаклар ҳолатини, асаб толаларини, қон томирларини ва периферик сўзлашув апаратининг тўқималарини ўзгартирувчи муҳаник таъсирга эга фаол услуб. У барча тўғирлаш жараёнларида ўтказилиши мумкин, айниқса унинг қўлланилиши ишнинг илк босқичларида жуда муҳимдир. Уқалаш кўп ҳолларда логопедик таъсирнинг яхши натижаси ҳисобланади. Қоидага биноан, артикуляр камчиликларини енгиш логопедик

уқалаш билан биргаликда бажарилади, бу пассив, пассив-фаол ва фаол артикуляр машқлар орқали бажарилади.

Уқалашнинг асосий услубларига қуйдагилар киради: 1 – силаш, 2 – ёйиб уқалаш, 3 – майда уқалаш, 4 – вибро уқалаш ва қўл билан секин уриш, 5 – қаттиқ босиш.

Уқалаш услубини танлови мушак таранглигининг, ҳаракатлар имконияти ва патологик кўрсатмалар ҳолатига боғлиқ бўлади. Гапириш мушакларнинг паст кўрсаткичли таранглигида қуйидаги чоралар кўрилади: силаш ёйиб уқалаш, майда уқалаш, кучли тўлқинланиш, қўл билан секин уриш.

Юқори кўрсаткичли тарангликда асосан силаш ва енгил тўлқинланиш услубида фойдаланилади.

Уқалаш пайтидаги таъсир кучи ва организмнинг жавоб реакцияси ўртасида мушкул табеълик мавжуд. Енгил секинлаштирилган силаш жараёнида уқаланаётган тўқимларнинг ҳаяжонланиш кучи пасаяди, яъни уларнинг таранглиги ҳам бўшашади. Бу услуб тинчлантирувчи таъсир кўрсатади, танани яйратади. Ўз навбатида бу таъсирлар мушак тўқималарининг эгилувчанлигини оширади, мушакларнинг ишга лаёқатини кўпайтиради, алоқа аппаратининг эгилувчанлигини оширади.

Юқори қувватли, тезкор ва ритмик ҳаракатлар массаж таъсир этаётганда, уқаланаётган тўқималарни тетиклигини оширади, артериал томирлардаги қон айланишини енгиллаштиради, йирик қон томирлардан айланишини тезлаштиради, мушак тўқималари фаоллигини оширади. Логопедик уқалашнинг асосий мақсадлари.

1. Умумий, артикуляр ва юз мушакларнинг таранглигини нормаллаштируви.

2. Артикуляр аппарати (сўзлашув аппарати, яъни оғиз) мушакларининг шол касаллигига чалинишини олдини олиш.

3. Сўзлашув аппарати мушакларидаги патологик камчиликлари пайдо бўлишини олдини олиш (сиккинезия гиперкинезлар, тутқаноқв хакозо);

4. Проприоцентив ҳисларни рағбатлантириш;

5. Артикуляр ҳаракатларнинг қўлами ва вазифасини кенгайтириш ;

6. Етарли бўлмаган қисқартирувчи фаолликка эга бўлган периферик сўзлашув аппарати мушаклар гуруҳини фаоллаштириш;

7. Артикуляр органларнинг йўналтирилган сингдирилган ҳаракатларини шакллантириш.

Логопедик уқалаш тавсияси учун шифокор томонидан тиббий ташхис қўйилган бўлиши лозим.

Тиббий хулоса неврологик белгилар мавжудлигини, шунингдек парез (шол)нинг шаклини, турини, мушаклар неврологиясининг локал ўзгаришини ва бошқаларни ўз ичига олади. Қоидага биноан, логопедик уқалаш фақатгина шифокор тавсияси билан ўтказилади.

Тўғирлаш ишларини бошлашдан аввал, педагогик-клиник синфлаштириш бошқарувига биноан логопед сўзлашув камчилигинининг шакли ва таркибини аниқлаши лозим шундан сўнг эса уқалаш муолажасини зарур ё зарур эмаслигини билиш лозим. Қоида бўйича, уқалаш муолажасини ўтказишнинг асосий кўрсаткичи сўзлашув аппарати қисимларида ва умумий танада пайдо бўладиган мушаклар таранглигининг ўзгариши бўлиши мумкин.

Лекин тиббий хулоса мавжуд бўлса ҳам логопед мустақил равишда мушакалар ҳолатини ташхисини ўтказиши лозим. Бу унга уқалаш услубининг йўларини ҳар бир аниқ ҳолатида аниқлаштиришга ёрдам беради.

Ташхисий текширувлар натижаси асосида уқалаш услубларининг мажмуи, кетма-кетлиги, ўтказиш услуби ва тахминий меъёрлаш тузилади, шундан сўнггина логопедик уқалаш муолажасига ўтилади.

Уқалашнинг бошқа услубига биологик фоал нуқталар уқалаш кирази. Ушбу уқалаш периферик сўзлашув аппаратини иш фоалиятини таъминловчи мушаклари таранглигини нормаллаштиришга йўналтирилган.

Уқалаш техникасига эга бўлиш мутахассиснинг қўлида таълим олишни талаб этади.

Бундан ташқари тарангликни нормаллаштиришга йўналтирган, энг содда уқалаш харакатлари ҳам мавжуд. Уқалашга қўшимча тарзида лаблар ва юзларни бармоқлар орқали уқалашдан фойдаланиш мумкин (пианино чалаётганга ўхшаб), шу билан бир вақтда даханизмига қўйилган қўллар орқали юзларни уқалаб тура оламиз. Қўлни даханга қўйишда мақсад боланинг юзида қўлни зич қилиб ушлаб, қаттиқ уриб қўйишни олдини олишдан иборат. Ўйин сифатида қўлнинг икки бармоғи билан чертиб қўйиш мумкин. Бу ҳолат айниқса, бола оғзини очиб ёпса самара беради.

Уқаловчи восита сифатида бармоққа кийдириладиган юмшоқ пластик тиш чўткасидан фойдаланилади. Унинг бир учини боланинг юзи, тили милкларини уқалаш учун фойдаланилади. Ушбу чўтка билан тилни барча йўналишларда уқаласа бўлади. Чўткани у ёнга, бу ёнга майинлик билан айлантирганда тилнинг барча қисимларини „қиттиқласа“ бўлади.

Уқалаш чўткасининг таъсир кучини юқорилаш учун уни яхна сувга, лимонадга ботирилади. Ушбу четка билан лунжларнинг ички тарафини танглайни уқалаш мумкин. Бундай муолажаларни ўтказаетганда тишларни, милк ва тилга жарохат етказмаслик учун жуда эҳтиёткор бўлиш лозим.

Бу харакатлардан болалар рохатланишади, айниқса ўзларини кўзгуда томоша қилишаётган бўлса.

Бошқа уқалаш воситаси сифатида кичик таъсирга эга қўл вибратори хизмат қилади. Уқалашнинг ушбу услубига боланинг ўзини ва ота-она ҳам ўргатса бўлади.

Ўз –ўзини уқалаш услубидан дизартрия касаллигига учраган болалар (ўсмирлар ва катта ёшдагилар) фойдала-надилар. Ўз – ўзини уқалаш мутахасис томонидан ўтказиладиган асосий уқаланишнинг таъсир кучини давом эттирувчи қўшимча восита ҳисобланади.

Асосий уқалаш ҳам, ўз-ўзини уқалаш ҳам периферик сўзлашув аппарати мушакларининг кинестетик сезгини оширади ва мушак таранглигини нормаллашувини йўлга қўяди. Ўз –ўзини уқалаш логопед раҳбарлигида нафақат якка тартибда, балки кўпчилик бўлиб, бир гуруҳ болалар билан ҳам ўтказилиши мумкин. Ўз-ўзини уқалаш логопедик машғулотга киритилиши ҳам мумкин. У артикуляр машиқ-ларни бошлаб, ёки яқунлаб бериши мумкин. (Е.А. Дьякова, 2005 га қаранг)

Дизартрия билан оғриган болаларда нутқ камчиликлари билан бир қаторда мушаклар таранглигининг бузилиши ва қўлдаги бармоқларнинг енгил ҳаракати камроқ ривожланган бўлса, албатта бармоқлар учун фаол ва пассив машқлар, уқалаш муолажаси ўтказилиши керак. Уқалаш техникасига қуйдаги услублар киради:

- силаш майда уқалаш, бармоқнинг бошидан бу бошигача спирал тарзидаги ҳаракатлар;

- бармоқ учлари шунингдек ораларини шапатилаш, игна тикиш, бир-бирига ишқалаш;

- қўлнинг устки қисми ҳамда бармоқлардан тортиб тирсаккача силаш ва шапатлаш;

- бола ўз кафт билан юмшоқ ва қаттиқ юза қисмларни, педагогнинг (устазининг) қўлини шапатлаб қўйши;

- бармоқларни ҳаракатлантириш (хар бирини алоҳида), қўлни доира шаклида айланттириш, ўнгга ва чапга буриш;

- кафт қисмини юқорига айланттириш (супинация) – пастга қаратиш (пронация);

- бармоқларни кетма-кенликда юқорига букиш, сўнг пастга букиш;

- турли хил қалинликдаги четкалар билан уқалаш.

Артикуляр аппарати мушакларининг кескин таранглашуви ҳосил бўлган ҳаракатни рўёбга чиқаришга ҳам, ушлаб қолишга ҳам тўсқинлик қилади.

Ушбу машқлар кўз назорати остида, яъни кўзгуга қараб бажарилади: логопед болага унинг тили таранг, каттик ҳолатда чиқиб турганини айтиб ўтиши ўзиники эса бўшашган – ингичка, кенг, ёйик ҳолатдалигини аҳамиятга олиб ўтиши зарур. Солиштириш мақсадида болага бўшашган ва таранг мушакни ушлаб кўришни тавсия этиш мумкин (ҳеч бўлмаганда елка қисмидаги икктали мушакни). Таранг ҳолда чиқиб турган тилни асталик билан шапатлаб қўйиш мумкин бунинг таъсирида тил мушаги қисқа муддатга бўшашади, ва у ёйик ҳолатга эга бўлади. Бу машқ аввалгиларига ўхшаб вақтга қараб бажарилади: логопед тил, лаб ва хакозоларнинг бошидан бўшашиш пайтини охиргача, боладаги мушаклар бошқарувини давомийлигини секин-аста узайтириб боришга ундаши лозим.

Овоз пайчалари фалажида кўп зарур бўлувчи товуш бўгинларининг фоаллашуви учун болага тамоғидан чиқаётган товушни ҳис этишни, ушлаб кўришни таклиф этиш фойдалидир, бунда боланинг бир қўли логопеднинг бўйнида, иккинчиси –тўлқинланишни бошлаб бераётган ўз тамоғига бўлишни ва ундаги чиқаётган товушга диққатини жамлаши кераклигини ўргатиш жамлаши кераклигини ўргатиш фойдали.

Товуш дарров, ҳеч қандай уринишсиз эркин чиқиши муҳим: бола кўкрак бўшлиғининг фаолиятини ҳис қилиши, ва унга ҳаво етмаганини ҳис қилаётиб нафас чиқараётганда овозини чиқариши кераклигини кузатувга олиши лозимлигини эслатиб ўтиш даркор.

Ҳар галда овоз чиқишини давомийлигини узайтириб туриш учун интилиш керак. Илк товуш машқлари „М“ ундош товушини айтиши билан бошланади, артикуляция бўйича бу энг содда товуш, лекин томоқдан олинган ҳавони

оғиз бўшлигидан то лабларгача бўлган масофаки йўналишини талаб этади.

Унли товушлар орқали бажариладиган машқлар тўпламида узун ва қисқа товуш чиқариш, овозининг пасайиши ва кўтарилиши синаб чиқилади. Бу борада мусиқа машғулоти катта аҳамиятга эга.

Улар натижасида нутқдаги нафас, давомийлик, куч, овознинг эшитилиши ва модуляцияси етарли даражада тўғирланади.

3. Дизартрияда товушлар талаффузидаги камчиликларни ўйинлар асосида бартараф этиш

Мунтазам машқлар олиб борилиши товушни керакли артикуляцион тартибга яқинлаштиради ва тўлиқ товуш талаффузига ўтилади. Логопед секин-аста ўрганилаётган товушни аниқ ва тўғри талаффуз этишни талаб этиб боради. Логопедик машғулотларни янада муваффоқиятли бўлиши учун логопедик ўйинлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Куйида биз ана шундай ўйинлардан келтирамиз.

Артикуляцион нутқ аппаратини ҳолати ва фаоллигини оширишда фойдаланиладиган ўйинлар:

Ширин мураббо ўйини.

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга мураббони ялаётган қизнинг расми кўрсатилади. Қизнинг юқорги ва пастги лабига мураббо ёпишиб қолди. Қиз мураббони тили билан ялади. (Тил ҳаракати билан мураббони ялаш кўрсатилади). Сўнгра болалар ҳам ушбу машқни қайтарадилар. Логопед ҳар бир бола машини қандай бажараётганини кузатиб боради.

Тишларимизни тозалаймиз.

Мақсад: Тил ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар логопедга қараган ҳолда бир қатор бўлиб ўтирадилар. Болаларга расм кўрсатилади. Қаранглар болалар, бола қандай қилиб тишларини тозалаяпти. Биз ҳам ҳозир сизлар билан тишларимизни тозалаймиз. Фақатшётка билан эмас, балки тилимиз билан. Аввал логопед тил билан тишларини тозалашни болаларга ўзи кўрсатиб беради. Сўнгра ҳар бир болани олдига чақириб машқни бажаришини кузатиб боради. Машқ бир неча марта бажартирилади.

От ўйини.

Мақсад: Тил учи ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар қатор бўлиб турадилар, яъни улар отчалардир. Логопеднинг “Кетдик” деган сўзидан сўнг болалар юрадилар ва шу билан бирга от юришига тақлид қиладилар (тра-тру, тра-тру). “Тўхтаг” дейилгандан сўнг эса тўхтаб, отни тўхтатиш овозига тақлид қиладилар (Трр-трр...). Сўнгра логопед ҳар бир болага алоҳида талаффуз эттиради. Логопед боланинг тили юқорига тишлар орасида бўлишини ва тил учи ҳаракатланишини кузатиб бориши керак. Тил учини тўғри кўтаришга эътибор бериш керак. Агар бола ушбу машқни бажара олмаса, конфет сўришга тақлид этишини ўргатиш керак.

Лабларимиз булочкадай думалоқ ўйини

Мақсад: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга думалоқ булочка чизилган расимни кўрсатади ва болалардан “Ким лабларини шундай думалоқ қила олади?” деб сўрайди. Аввал логопед болаларга ўзи кўрсатиб беради (о-о-о-о). Сўнгра болаларни кетма-кет чақириб, машқни эркин бажариш тавсия этилади. Болалар машқни эркин бажаришини кузатиб боришади. Машқни бажаришда фақат лабларнинг иштирок этиши кузатиб борилади, оғиз очилган ҳолда бўлади, лекин пастки жағ олдинга чиқиб кетмаслиги керак.

Ким яхши кулади? ўйини

Мақсад: Лаб ҳаракатини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира ҳолда ўтирадилар. Логопед болаларга шундай дейди. “Биз хурсанд бўлганимизда куламит”, мана бундай (ўзи кулиб кўрсатади). Биз жуда хурсанд бўлиб кулганимизда тишларимиз кўринади. Ҳозир бизга бўғирсоқ билан кўғирчоқ меҳмонга келади. Ҳаммамиз хурсанд ва кулиб уларни кутиб оламиз. Болалар тишларини кўрсатиб куладилар. Энди меҳмонларимиз кетди. Биз ҳафа бўлдик. Тишларимизни бекитамиз. Меҳмонларимиз яна келди. Куламит. Шу тариқа машқлар бир неча марта такрорланади. Лаб ҳаракатларининг аниқ бажарилиши кузатиб борилади.

Ким най чала олади? ўйини

Мақсад: Лаб ҳаракатларини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Бола ярим доира ҳолда логопедга қараган ҳолда ўтирадилар. Логопед болаларга найнинг расмини кўрсатади ва болалардан лаблари билан най ҳосил қилиш сўралади. Аввал логопед най чалишни тақлид қилишни болаларга ўзи кўрсатиб беради. Сўнгра болалардан талаффуз этиш сўралади. Най чалиняпти деганда болалар лаблари билан най чалиш ҳаракатини бажарадилар. Куй тугади дейилганда болалар лабларини оддий ҳолга келтирадилар. Машқ бир неча марта такрорланади ва аниқ бажарилиши логопед томонидан кузатиб борилади.

Товушларни тўғри талаффуз этишга қаратилган ўйинлар Маълумки, товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда унинг сабабларига алоҳида эътибор берилади. Чунки, артикуляцион моторика ҳаракатчанлигининг етишмаслиги ва фонематик идрокнинг ривожланмаганлиги товушлар талаффузидаги камчиликларни келтириб чиқариши ҳаммага маълум.

Даставвал, артикуляцион моторикани ҳаракатчанлиги ошириш ишларидан бошлаш лозим. Фонематик идрокни шакиллантириш ва ривожлантириш ишлари эса товушни нутққа қўйиш ва мустаҳкамлаш ишлари билан параллел равишда олиб борилади.

Куйида биз,товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда фойдаланиш мумкин бўлган ўйинлар гуруҳини келтириб ўтамиз.

Ўзбек тилимизнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, болаларни тўғри талаффузга ўргатишда логопедик ўйинлардан фойдаланиш йўллариини такомиллаштириш мақсадида бой адабий меросимиздан намуналар келтираимиз.

Сирғалувчи товушларни шакллантириш мустахкамлаш, фаркклашга оид ўйинлар.

Товушлар талаффузининг бузилиши асосан артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушларда кузатилади. Шундай товушлар қаторига сирғалувчи ва шовкинли товушлар киради.

Бу товушлардаги камчиликларни бартараф этиш ишларини болалар учун қизиқарли бўлган ўйин фаолияти билан боғлаб ўтиш орқали, коррекциялаш ишининг самарадорлиги ошади.

Куйида келтирилган ўйинлар сирғалувчи товушларни шакллантиришга қаратилган.

Насос ўйини.

Мақсад: Болаларга “С” товушини тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларда ўтиришади. Тарбиячи болаларга шундай дейди: - Ҳозир биз велосипедда сайр қиламиз. Велосипедда сайр қилишдан аввал унинг камерасига ҳаво дамланганми ёки йўқми шуни текшираимиз. Велосипед узоқ вақтгача минилмаганлиги сабабли камераси бир оз бўшаб қолибди. Унга дам бериш керак. Насос билан камерага ҳаво юборамиз. Насосдан чиқаётган ҳақо С-С-С,деб овоз чиаради. Болалар аввал бирма-бир,сўнгра биргаликда насос ҳаракатига таклид қилиб,камерага дам урадилар. Камерага дам бериш вақтида С-С-С товушини чўзиброк этадилар.

Методик кўрасатма: Болалар С товушини тўғри талаффуз ишлари учун лаб, тил ҳолати ва оқимининг тил ўртасидан ишга зътибор бериб бориш зарур.

Шарча тешилди ўйини.

Мақсад: “С” товушини нутққа киритиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга шарчалар тарқатиб чиқади ва айтади: “Болалар, яқинда биз янги йил байрамини нишонлаймиз. Шунинг учун хонамизни чиройли қилиб безатишимиз керак” Келинглари, ҳозир сизлар билан биргаликда шарларимизни шиширадилар. Логопед атайлаб 3-4 нафар болага тешик шарчаларни бериб қўяди. Сўнгра логопед болалар диққатини тешилган шарчадан чиқаётган оқозга қаратади, ва болалардан сўрайди: “Болалар қандай қандай овоз эшитяпсизлар” “Болалар пс-сс-с-с” деб талаффуз этадилар.

Дўкон ўйини.

Мақсад: “С” товушини сўзларда тўғри талаффуз этиш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга ўйин қоидаларини тушунтириш. Болалар тасаввур қилинглари мана бу стол-дўкон, стол устидаги расимлар, ўйинчоқлар дўконда сотиладиган нарсалар.

Ҳозир сизлар билан шу ўйинни биргаликда ўйнаймиз. Ҳозир битта-битта гапираман ва келган бола дўкондан нарса сотиб олиши керак.

Ўйинчоқларни номини расимларни харид қилган бола чиройли баланд овоз билан номлаб беришади.

- соат-совун-сандиқ
- доска-стол-сават
- гилос-автобус-сочик

Ўйин давомида асосан “С” товуши қатнашган сўзларни урғу бериб жарангдор овоз билан талаффуз қилишга қаратиш.

Сабзилар ва гилослар ўйини.

Мақсад: “С”товушини бўғинларда,сўзларда тўғри ва аниқ талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларни 2 гуруҳга ажиратади ва гуруҳлар “сабзилар” ва “Гилослар” номлари билан номланади. Бунда “Сабзилар” гуруҳи очик бўғинда, яъни са-со-си-су-сў бўғинларини “Гилослар” гуруҳи ёпик бўғинда, яъни ас-ос-ис-ус-ўс бўғинларини талаффуз қилишлари тушунтирилади. Гуруҳлардан болалар навбатманавбат чиқиб, бўғинларни талаффуз қиладилар. Ўйин бир неча марта такрорланади ва ўйинда болалар ролларни алмашадилар. Бунда логопед болаларни “С”товушини бўғинларда тўғри ва аниқ талаффуз қилишларини кузатади.

Адашма ўйини.

Мақсад: “С-З”товушларининг бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга иккитадан расм берилади. Биттасида насос тасвирланган,иккинчисида чивин. Насос тасвирланган расмни болалар чап қўлларига оладилар. Чивин тасвирланган расмни эса ўнг қўлларига оладилар. Чивин тасвирланган расмни эса ўнг қўлларига оладилар.Тарбиячи номида С ёки З товуши ҳамда бир сўзда С ва З товуши бор бўлган расмларни болаларга кўрсатади ва номини айтади.Масалан: сабзи,сумка,юлдуз,газета,сомса ва ҳаказолар.

Агар расмнинг номини билдирувчи сўзларда С товуши бўлса,сўнгра болалар номини билдирувчи сўзда ҳар икки товуш бор бўлган расмларни кўрсатадилар ва С-З товушларида қайси бири сўзнинг бошида келаётганлигини айтадилар.

Методик кўрсатма: С ва З товушини расимла орқали таққослаш керак.Машғулот пайтида номида С ва З товуши бўлган расимлардан ҳам фойдаланиш мумкин.Агар

тарбиячи болаларга бундай расимларни кўрсатса, болалар қўлларидаги расимларни кўрсатмасликлари керак.

**Шовқинли товушларни нутқга қўйиш,
мустахкамлаш ва фарқлашга оид ўйинлар.**

Ўрмон шовуллайди ўйини

Мақсад: “Ш” товушини нутқда ҳосил қилиш.

Методик кўрсатма: Болалар “ш” товушини талаффуз этганда лаб, тил, ҳолатларига ҳаво оқимининг тил ўртасидаги ўтишига аҳамият бериш зарур.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга ёзда боғ ёки ўрмонда сайр қилганликларини эшитишини таклиф этади. У ерда баланд дарахтларни кўрганликларини, узун-узон шохларида барглар кўп эканлигини эслашади. Шамол эсганда дарахтнинг шохлари тебратиб “ш-ш-ш” деган овоз чиқаради. Аввал шамол секин эсади, бунда болалар секин овозда “ш-ш-ш” деб талаффуз этадилар. Аста-секин шамол кучайиб боради. Дарахтларнинг барглари кучли тебранади. Бунда болалар кучли овоз билан “ш-ш-ш” деб талаффуз этадилар. Сўнгра логопед болаларга қўлларини дарахтнинг шохчаларига ўхшаб юқорига кўтаришларини ва шамол эсганда дарахтларнинг шовуллашига ўхшаш “ш-ш-ш” деб овоз чиқаришларини таклиф этади. Логопед товушни биргаликда, сўнгра эса алоҳида-алоҳида талаффуз этишни тавсия этади.

Болалар “ш” товушини талаффуз этаётганларида нутқ аппарати яъни лаб, тил, ҳаракатлари, ҳаво оқимининг тўғри йуналтирилганлигини кузатиб борилади.

Шар ёрилди ўйини.

Мақсад: Болаларга Ш товушини нутқда тўғри талаффуз этиришни машқ қилдириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар қўл ушлашиб зич доира ҳосил қилиб турадилар. Тарбиячининг “шаримизни шиширамиз” дейиши билан ҳудди шарни шишираётгандай болалар доираси кенгаяди.

Тарбиясининг “шар ёриляпти” деб чапак чалиши билан болалар кўлларини ёндан пастга туширадилар ва Ш товушини талаффуз этадилар.

Жимжитлик ўйини.

Мақсад: “Ш” товушини мустахкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Бошловчи девор олдида туради. Болалар эса рўпарадаги девор олдида турадилар. Болалар жуда эҳтиёткорлик билан бошловчининг олдида етиб келишлари керак. Болалар эҳтиётсизлик билан ҳаракат қилганларида бошловчи тиш-тиш-тиш деб огоҳлантиради ва бола тўхтайди. Бошловчининг олдида қайси бола биринчи келса шу бола ғолиб деб топилади ва шу бола бошловчи бўлади.

Мушук ва сичқон ўйини.

Мақсад: Боғланган матнда “ш” товушини мустахкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Стулчада бир бола кўзини юмибўтиради. У мушук ролини бажаради. Қолган болалар сичқонлар ролини бажаради. Сичқонлар секин юриб мушукни олдида келадилар ва бармоқлар ёрдамида сеними, шошмай тур! ифодасини кулаб қуйдаги шеърни айтишади:

Сичқонбойлар жим бўлинг,

Жим бўлинг.

Бароқвой қилиғидан

Огоҳ бўлинг, огоҳ бўлинг!

Шу сўзлар айтилгандан сўнг мушук уйғониб кетади ва миёв деб сичқонни қувлайди. Сичқонларнинг уйи чизикча тортиб белгилаб қўйиладиги ва у ерга мушук кира олмайди. Ўйин ҳамма сичқонлар ушланмагунча давом этиши мумкин. Охирида қолган бола янги ўйинда бошловчи бўлади. Ҳамма ушланган сичқонлар “ш” товушини 2-3 та сўз айтишлари керак.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Қонуни / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққийининг пойдевори – Т.: Шарқ нашрийёт-матбаа концерни, 1997.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғирисида”ги Қонуни / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққийининг пойдевори – Т.: Шарқ нашрийёт-матбаа концерни, 1997.

3. Каримов И.А. Жахон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

5. Аксенова Л.А. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.: Академия, 2001.

6. Аюпова М.Ю. Логопедия. - Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашрийети, 2007.

7. Ахмедова З., Аюпова М., Хамидова М. Логопедик ўйин. - Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашрийети, 2009.

8. Бадалян Л.О. Детская невропатология. М., Владос. 2003.

9. Белова-Давид .Нарушение речи у дошкольников. М., Владос 2001

10. Винарская Е.Н, Пулатов А.М. Дизартрия и ее топико-диагностическое значение в клинике очаговых поражений мозга. Ташкент., 2003.

11. Ипполитова М.В., Бабенкова Р.Д., Мастюкова Е.М. Воспитание детей с церебральными параличом в семье (пособие для родителей и воспитателей). М., Владос, 1998

12. Логопедия // ред. Л.С. Волкова, С.Н. Шаховская. –М.. ВЛАДОС, 1998

13. Логопедия. /под ред. Л.С. Волковой., С.Н. Шаховской. – М., 2003.

14. Лопухина И.С. Логопедия. – М.: Аквариум, 1995

15. Мастюкова Е.М. Лечебная педагогика. – М.: Владос, 1997. – 304 с.

16. Мастюкова Е.М. Ребенок с отклонениями в развитии: ранняя диагностика и коррекция. – М.: Просвещение, 1992. – 95 с.

17. Мумина Л.Р., Аюпова М.Ю. логопедия. Т., “Ўқитувчи” ., 1993.

18. Нуркелдиева Д.А., Аюпова М.Ю., Ахмедова З.М. Бармоқлар машқи ва логопедик ўйинлар. Тошкент., “Янги аср авлоди” ., 2007.

19. Специальная педагогика (составители Аксенова Л.И., Архипов В.А., Белякова Л.И.) М., Владос., 2000

20. Специальная педагогика. (Под ред. Н.М.Назаровой.)– М.: Академия, 2004.

21. Токарева О.А. Дизартрия./Расстройства речи у детей и подростков./ (С.С.Ляпидевский тах.ос.) М., Просвещение., 1996

22. Филичёва Т.Б. Особенности формирования речи детей дошкольного возраста. – М.: Владос., 2000.

23. Хрестоматия по логопедии (I том) /под ред. Л.С.Волковой., В.И.Селиверстова. – М.: Владос., 1997.

24. Хрестоматия по логопедии (II том) /под ред. Л.С.Волковой., В.И.Селиверстова. – М.: Владос., 1997

25. Цветкова Л.С. Восстановительное обучение при локальных поражениях мозга. – М., Педагогика., 1998

26. Чиркина Г.В. К Методике обучения детей с псевдобульварной дизартрией// журнал Дефектология.- 1999

27. Эйдинова М.Б., Правдина-Винарская Е.Н. Детские церебральные параличи и пути их преодоления. М., Владос., 1999

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I.Боб. Муаммонинг ўрганишии илмий назарий асослари

1.Дизартрия нутқ бузилишини махсус адабиётларда муаммо сифатида ўрганилиши.....	6
2. Нутқ фаолиятининг физиологик асослари.....	16

II. Боб. Дизартрияда нутқ ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

1. Дизартрик болалар умумий, майда, артикуляцион моторикасининг ўзига хос хусусиятлари.....	40
2. Дизартрияли болаларда фонематик эшитувини шаклланиш хусусиятлари.....	46
3. Дизартрияда болалар нутқининг ўзига хослиги	49

III.Боб.Дизартрияда логопедик текшириш

1.Нуқсонни характерловчи симптомларни аниқлаш.....	60
2.Артикуляцион ва мимик моторикалар ҳолатини текшириш.....	67
3. Товушлар талаффузини текшириш.....	74
4.Фонематик эшитувни шаклланганлик ҳолатини текшириш.....	79

IV. Боб. Дизартрияни бартараф этишда логопедик технологиялар

1.Дизартрияни бартараф этишда коррекцион - логопедик ишлар тизими.....	89
2. Дизартрияни бартараф этишда логопедик технологиялар.....	102
3.Дизартрияда товушлар талаффузидаги камчиликларни ўйинлар асосида бартараф этиш.....	109
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	117

МУМИНОВА Л.Р. АЮПОВА М.Ю.

**БОЛАЛАРДА ДИЗАРТРИЯ НУТҚ
КАМЧИЛИГИНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Босишга рухсат этилди: 16.10.2017 йил.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «Times Uz» гарнитураси.

Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 7,0. Нашр босма табағи 7,5.

Тиражи 500. Буюртма №2014.

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**